


Мухтор Худойқулов



СИНДБОДНИНГ
ЯНГИ
САРГУЗАШТЛАРИ



(Замонавий эртаклар)



ТОШКЕНТ
«ЧУЛПОН»
НАШРИЁТИ

84(55)6

Муҳаррир ШОҲИДА СОАТОВА

Езувчи Муҳтор Ҳудоийқуловнинг ушбу китобида яхшилик билан ёмонлик, олижаноблик билан пасткашлик, мардлик билан қўрғоқлик, эзгулик билан ёвузлик ўргасидаги азалий жанг қаламга олинган.

Муаллиф бу мавзани қадимий «Минг бир кеча» эртаклари қаҳрамони бўлмиси Синбоддининг янги саргузашлари шаклида ифода этади. Китоб етти эртакдан иборат бўлиб, бу замонавий эртакларнича ҳар бирда турли саргузашт, турли воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади, шу билан биргаликда турли хил иллатларга қарши кураш тасвирланади.

10.34630
3



Ўз 2

Х 87

Худейқулов М.

Синбоддининг янги саргузашлари: (Замонавий эртаклари/Муҳаррир Ш. Соатова.—Т.: «Чўлпон» нашр., 1998.—104 б.

X $\frac{4803620202-21}{360(04)-98} - 23-69$

ISBN 5-8250-0542-0

© Чўлпон нашриёти, 1998 й.



СҮЗ БОШИ

«Бир бор экан, бир йүк экан...» Болаликда бу сөхрли сүзларни эшигмаган, унга жон қулогини тутмаган, оғанрабодай тортиш күчига бүйин эгмаган ким бор? Бу сүзлар худди күз илгамас мовий уфқлардан келаётган ажиб най садосига ўхшайды, сизни олис-олисларга, чеки йүк фазоларга чорлайды. Бу сүзлар худди жүшкін дарё сувларига ўхшайды, сизни гүзал соҳиллар, ям яшил кенгликларга әлтади... Бу сүзлар афсонавий семурғ қүшининг қанотларига ўхшайды, сизни күз күриб, қулоқ эшигмаган гаройиб ўлкаларга күтариб үчади... Бу сүзлар «сим-сим»га ўхшайды, тилга олинниши билан ғалатиғор эшиги очилади, девлар, аждахоләр, түрли-туман маҳлүқларга дүч келасиз, қароқчилар билан учрашасиз... Бу сүзлар қадим-қадим тарихнинг дарвzasига ўхшайды, күз олдингиздың үтгандар аждодлар тирилади — ботирлар ёвга қараб қилич сермөлди, паҳлавонлар күкрак керіб ҳарб-зарб майдонига чиқади, ёвуздар мағлуб бүлади, мардлар голиб келиб муроду мақсадларига етадилар.

«Бир бор экан, бир йүк экан...» Ҳа, бу сүзларда ҳикмат күп: қачонлардир, ўша замонлар бүлганды, энди эса йүк... Қачонлардир шу одамлар бүлганды, энди эса йүк... Вақт үтади, замонлар үтади, бир пайтлар келиб сиз билан биз ҳақимизда ҳам, давримиз ҳақида ҳам ана шу сүзлар билан бошланувчи эртаклар түқилади...

Мен ҳам болалигимда бу сүзларни күп эшигманнан. Раҳматли бувим ажайиб эртакчи әдилар. Үзоқ түнлари ү айтган «Ёрилтош», «Тоҳио-Зұхра», «Маликаи Дилором» ва яна жуда күп эртакларни киприк қоқмасдан тинглардым. У

пайтлар ҳам энди шириң бир әртак бўйлиб қолди... Мана энди әртак айтиш навбати ўзимизга келди. Ўғил-қизларимизга, энди эса навирапаримизга әртак айтлаپмиз. Ҳозирги замоннинг болалари бошикача: уларга ҳар қандай әртак ҳам тўғри келавермайди, албатта янгисидан бўлсин, дейишади. Ҳар куни янги әртакни қаердан топасиз, беихтиёр ўзингиз тўқишига тушасиз. Ҳудди «Минг бир кечадаги Шаҳризодга ўхшаб бир әртакка иккинчисини улаб кетишига тўғри келарди. Болаларим саргузаштили әртакларни ёқтиришарди, шунинг учун уларга кўпроқ денгиз сайёҳи Синдбод ҳақидаги әртакларни айтиб берардим, китобдагиси туғагач, ўзим тўқирдим, ҳар куни битта янгисини ўйлаб топишга мажбур бўлардим. Бу туркумда тўқилиб айтилган әртаклар чамамда юздан ошиб кетди-ёв...»

Бугун мен ҳўрматли ўқувчиларга ана шу әртаклардан бир қисмини — етти саёҳату саргузаштни тақдим этмоқчиман. Келинглар, ҳаммамиз биргаликда довюрак денгиз сайёҳи Синдбод сузган уммонлардан сузиб, у юрган йўллардан юрайлик-чи. Уминг кимлигини унугтган бўлсангиз биринчи әртакни ўқиб кўринг, кейинги — янги саргузаштарни эса сизга ўзим айтиб бсралман. Қани, азиз дўстлар, кетдик! Шундай қалиб:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонларда Синдбод деган бир одам бўлган экан...»



Биринчи саёҳат

Шундай қилиб, қадим замонларда, Арабистон томонларда Синдбод деган бир одам яшаган экан. У — ёш, ғайратшижоатли экан, отаси бой-бадавлат бўлиб, ўғлига кўпгина молу дунё, ер-сув, ҳовли-жой мерос қолган экан. Лекин Синдбод шунчаки еб-ичиб оёқ узатиб яшашни, бехуда умр ўтказиши ёқтирамабди. Ҳамма нарсага қизиқувчи, ерга урса кўкка сапчийдиган йигит узоқ-узоқларга саёҳатга чиқишини хоҳлаб қолибди. Қариндош-уруглари уни бу йўлдан қайтаришга кўп уриницибди. Аммо Синдбод — арслон изиёнин қайтмас, йигит — сўзидан деб, денгиз саёҳати тарааддусига тушибди. Уй-рўзгор, ер-суаларини сотиб ўзига зарур маблағ йигибди, сўнг бир кемага ўтириб, «ҳайё-ҳыйт» деганича йўлга равона бўлибди.

Синдбодларнинг кемаси дengизда узок сузибди, уммондан-уммонга ўтибди. Йўл-йўлакай соҳил бўйидаги қанча шаҳарларда тўхтабди. Саёҳатчи не-не жойларни кўрибди, табиат яратган ажсийб мўъжизаларни томоша қилибди, бир-бираидан бошқача манзиллар, бир-бираидан гўзал шаҳарлар билан танишибди. Кўрган дарё, ўтирган бўйра, деганларидек, у саёҳат қилган сари онги тиниқлашиб, билимiga билим, идрокига идрок қўшила борибди.

Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Синдбодларнинг кемаси уммондан чиқиб поёни йўқ баҳрул муҳитга қараб сузибди. Кўнгли очиқ саёҳатчи йигит кемадаги дengизчилар билан танишиб олибди. У айниқса икки кемачи билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Улардан бири — узун бўйли, қирра бурун, сочлари жингалак, кўзлари кора, нигоҳлари ўткир йигит бўлиб, ҳамма ишни шаҳдамлик билан бажаарар, жуда довюрак эди. Абулборий исмли бу йигитни Синдбод Кўркмас кемачи деб атай бошлади. Иккинчи танишгани эса паст бўйли, бақалоғдан келган, тепакал, бақакўз, пучуқ йигит эди. У ҳамма иш-

ни шошимасдан, имиллаб бажарар, ҳар бир нарсага қўрқиб, ҳадиксираб қаарарди. Синдбод асли исми Абулҳасан бўлган бу йингитга ўзича Қўрқоқ гемачи деб ном қўйди. Улар гоҳ-гоҳ сұхбатлашиб туришар, иши кўп кемачилар қўллари сал бўшади дегунча Синдбоднинг ёнига келиб, кўрган-билганчарини сўзлаб беришарди. Оғур кўнгил саёхатчи уммонларда узоқ сузиб, кўп нарсаларни бошларидан кечирган бу кемачиларга ҳам маъқул тушган эди. Йўлга чиқсанг йўлдошнинг бўлсин, деганларидек Синдбод ҳам сафарда бундай йўлдошлар ортирганидан хурсанд эди.

Кемадаги йўловчилар орасида Абулҳарис деган савдогар ҳам бўлиб, у ўзини ҳаммадан баланд тутар, ўз бойлигию молч дунёсига мағрур эди. Абулҳарис қайси шаҳарга бормасин ўзини савдо-сотикка урад, бирини икки қилмагунча тинчимас эди. Синдбод кемада у билан бир-икки мулоқотда бўлди-ю, савдогарниң такаббурлиги кўнглига ўтиришмади Аммо ке мага тушганинг жони бир, деганларидек, улар гоҳ-гоҳ рӯпара келишганда саломлашишар, уёқ-бўёқдан сұхбатлашган бўлардилар.

Кунлардан бир куни уларнинг кемаси бепоён сув юзида елкаиларини ёзганича енгил сузиб бораради. Кеманинг ўқустуки устида атрофни кузатиб бораётган Қўрқмас кемачи бирордан: «Ер! Ер!» деб қичқирди. Ҳамма у кўрсатгани томонга қаради: узоқда, уфқка якин жойда қандайдир қора нуқта кўзга ташланарди. Унинг ерми, бошқа нарсами эканлигини билиш қийин эди. Кема дарғаси ташвишга тушиб колди, унинг ҳисоб-китобига кўра бу жойларда қуруқлик бўлмаслиги керак эди. Тажрибали дарга нимадандир гумонсираб колди. Унинг шубҳаланишига Қўрқоқ кемачи ҳам қўшилди. «Бу нотаниш жойга яқинлашмай қўяқолайлик!» — деди у ташвиш билан. Аммо тепадаги Қўрқмас кемачи: «Мен ерни кўярпман, бу — орол. Ана, дараҳтзорлар ҳам кўриняпти», — деб хабар қилди ва бу сирли оролга боришга даъват этиб: «Олга!» — деб қичқирди. Синдбод ҳам бепоён баҳрул муҳиг ўртасидаги бу нотаниш оролни кўриш иштиёқига тушиди. Оролнинг дарагини эшитган савдогар Абулҳарис ҳам шошиб колди: «Кемани ўша ёққа бурақолайлик, оролдагилар билан савдо-сотик килиб, кўп пул ишлаш мумкин», — деб дарғани қистади у. Кемачилар бошлиғи ҳам бир оз тараддулланиб тургач, бу фикрга кўнди. Чунки кема бир неча ҳафтадан бери чеки йўқ сув устида сузар, ундаги озиқ-овкат, чучук сув тугай деб қолган, кемачилар ҳам хийла чарчашган эди. У кемани орол томонга буришни буюрди ва кўп ўтмай улар соҳилга яқинлашиб келиб, лангар ташлашди. Кемачилар кирғоқка кўприк қўйишиди, йўловчилар бирин-кетин қуруқликка ўтишиди. Орол кўм-кўк дов-дараҳтлар ўсган, ҳаммаёғини ўғулланлар коплаган, анвойи гуллар очилган, шохларида купилар саираган қўмлоқ жой экан. Кўп кунлик сузишдан толик-

қан йўловчилар оролнинг бу ажойиб манзараларидан ҳайратда қолишиб, турли томонларга таралиб, соя-салқинларга ўзларини уришди. Синдбод ҳам дўстлари Қўрқмас ва Қўрқоқ кемачилар ҳамроҳлигига оролни томоша кила бошлади. Уларга савдогар Абулҳарис ҳам қўшилди. У оролда одам бормикин, савдо-сотик қандай бўларкин, деб атрофга аллангарди. Аммо оролда одам зоти кўринмасди. Сайёҳлар сал нарига юришгач, мевалари шигил пишиб ётган хурмо дарахти олдидан чиқиб қолишиб. Хурмонинг мевалари кўплигидан шохлари эгилиб, ерга тегай деб ётарди. Улар ҳил-ҳил пишган хурмолардан тўйгунча ейишиб, сўнг яна бошқа ажойиботларни кўриш учун нарироқка юришиб. Фақат Қўрқоқ кемачи билан Абулҳарис хурмонинг остидан жилишмади. Қўрқоқ кемачи меваларни тўхтамай туширас, савдогар эса халтасига териб оларди. Абулҳасан аслида томокка ўчроқ эди. Кемадалигига ҳам доим ниманидир кавшаб юрар, нуқул мешдек қорнини тўйгазиш дардидаги бўларди. Унга хурмо жуда ёқиб қолган, ерга эгилган мевалари тугагач, энди юқоридаги шекларга тармашганча дарахтининг устига чиқиб олган эди. Абулҳарис эса хурмони ўзи емасдан кўпроқ териб сотиш дардидаги эди. «Бу очофатлар ҳали-вери тўйишмайди, хожам, юринг, биз кетдик!», — дели Қўрқмас кемачи Синдбодга. Улар оролнинг ичкарироғига киришибди. Бу ерда кичик бир арикчада ниҳоятда типиқ сув жилдираб оқиб ётарди. Сайёҳлар ундан ичиб, ташниаликларнини қондиришибди. Улар кичик бир майдончага чиқишганда Қўрқмас кемачи бирдан такка тўхтаб қолди: «И-е, менинг бекор юришимни қара! Ахир, бир ойчадан бери кемада бўлиб, кийимларим жуда кир бўлиб кетди-ку, шуни ювиб олсан-чи», — дедиую кемадан ёғоч тоғсра, мис идиш олиб келиб, қумлоқ сайхонликда ўт ёкиб, сув иситишига тутиндиги. Синдбод эса ниҳоятла толиққанидан бундай ишлардан эриниб, ўзини нарироқдаги бир дарахтнинг соясига ташладио уйкуга кетди.

Тўсатдан Синдбоднинг сстидаги ер қаттиқ ларзага келиб, қимиirlай бошлади. Бундан даҳшатга тушган Синдбод сякраб уйғондию бир неча дакиқа нима гаплигини тушунмадан караҳт бўлиб туриб қолди. Ер тинмасдан тебранар, дарахтлар гурсиллаганича бир-бирларининг устига ағанар, ҳаммаёқ ола-тасир, қий-чув овозларга тўлиб кетган эди. Қирғоз томондан дарганинг ваҳимали овози эшилтилди. У: «Эй, йўловчилар, тезроқ кемага чиқинглар! Бу — орол эмас, катта балиқ экан, ҳозир сув остига шўнгигиб кетади! Тезроқ кемага!» — деб бакиради. Синдбод сякраб ўрнидан турдию ўша томонга югурди. Йўлда юваётган кирлари-ю, тогорасини ҳам ташлаб чопиб бораётган Қўрқмас кемачини кўрди. У: «Ха, ростдан ҳам бу орол жуда улкан наҳанг балиқ экан, у ухлаб ётганда устига қум тўпланиб, дов-дарахтлар кўкарған экан. Ут ёкканимизда баданига иссиқ ўтиб уйғониб кетибди, қа-

ранг, жуда қизиқ-а», — деди. Нарыда Құрқоқ кемачи оқсокланғанича пидирағ югуради. Чамаси у түстүполонда даражтдан йиқилиб тушганга ўшарди. Құрқоқ кемачи жонжаҳди билан чопаркан, ваҳима билан: «Вой дод, қочинглар! Балиқ! Наңаң балиқ! Ҳозир шүнғиб кетади! Ҳаммамиз гарқ бўламиз!» — деб бақириб борарди. Үнинг кетидан хурмо тўла халтасини орқалаб Абулҳарис ҳарсиллаб югуради. Ҳамма кемага қараб югуриши. Ким етди, ким етмади — бирдан оёқ сетидаги ер қийшайиб, аллақаёқка қараб чўкди-кетди: наңаң балиқ бор бўйи билан сувига шўнғиган эди. Баланд-баланд тўлқинлар шалоплаб ҳаммаёқни босиб кетди.

Синдбод жуда кўп йўловчилар қатори сув қаърига гарқ бўлди. У ўзини босган катта тўлкин остида, «ҳаммаси тамом, энди ўлдим», деб ўйлади, оғзига сув тиқилди, нафаси қайтди. Лекин у жон ҳалпида питирлаб тўлқинлар чангалида-халос бўлишга уринди ва минг азоб билан сув юзига чикиб сэди. Баҳрул муҳит ҳамон безовта, ўркач-ўркач тўлқинлар ўёқдан-бўёққа шовуллаб дарғазаб чопар, кўпиклар мавжида гарқ бўлганларнинг устки кийимлари, буюмлари, хас-хашаклари сузид юрарди. Ячин-атрофда ўзидан бошқа тирик жон кўринмасди. Синдбод чор атрофни чир айланиб кемани излади ва унинг жуда узоқда елканларини бор бўйи билан Ҷаганча кетиб бораётганини кўрди. «Эй, тўхтанглар! Мен бу ердаман, мени олиб кетинглар!» — деб жон-жаҳди билан Сақиришга тушди у. Аммо оғзига сув кириб қалқиди, овосини шамол бошқа томонга олиб кетди. Лекин Синдбод умиц Силан яна бақири, кема томонга бор кучи билан сузди, аммо кема ундан тобора узоқлашиб борарди. У бақира-бақира ҳолдан тойди ва кема то ботиб бораётган қуёш шуъласида уфққа сингиб, кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб турди.

Синдбод: «Энди ўлишим аниқ», деб ўйлади. Шу пайт яқинтинасида сузид келаётган бир қора нарсага кўзи тушди, унинг ёғоч тогора эканлигини кўриб суюниб кетди, унга жон-жаҳди билан ёпиши-да, устига аранг чиқиб олди. Карасаки, Қўрқмас кемачининг кир тогораси. «Эгаси наҳот чўкиб кетган бўлса, эсиз йигит», — деб кўнглидан ўтказди у. Еғоч тогора уни аранг кўтириб туарар, ўркач-ўркач тўлқинлар эса писта пўчоғидай ўйнарди. Синдбод ўз «қайифи»ни кема кетган томонга каратдию сұнда икки қўлинини эшкак қилганча сузид кетди, охири тўлқинлар билан олиша-олиша ухлаб қолди.

Эрталаб қуёшнинг ўткир тифлари уни уйғотиб юборди. Синдбод шоша-пища атрофга қаради. Тўрт томони поёнсиз сув, биронта ҳам жон асари кўринмасди. Тиккага келган қуёш нурларини аямай сочар, офтобнинг зўрлигидан аъзейп бадани куйгандек ачишарди. Денгиз юзаси сокин, ҳаво ўлтудек дим эди. Синдбод қуёшнинг нурларидан ўзини бир оз химоя қилиш учун кийимларини денгиз сувига ҳўллаб ёпи-

ниб олди, аммо офтобда куйган баданларига шўр сув тегиб баттар азоб берди. Бунинг устига қорни очди, энг ёмони — ташналил қийнай бошлади. Томоқлари қуриб, лаблари бирбирига ёпишиб қолди. У ҳа дегани ҳоли бўлмасдан тогорага чалқанча тушганча қимир этмай ётди. Энди унинг қисмати осмондаги қуёшу мана шу бепоён сув қўлида эди. Аммо Синдбод «бу саёҳатга чиқиб бекор қилган эканман», деб афсусланмади. Тақдирга тан бериб, тишини тишига босиб чидади, умидсизликка тушмади. Чошгоҳга яқин бир оз ёмғир ёғиб ўтди, у тогора тубига йигилган ёмғир сувини ичиб, чанқотгини бир оз қондирди, бир пайт тогорага «шап» этиб учар балиқ тушди, Синдбод уни офтобга тоблаб, чала пишириб еди. Кечга бориб ҳаъо бир оз салқинлашди, кечаси эса хийла соvuқ бўлди, Синдбод хаммасига чидади. Осмондаги юлдузларга қараб ўзининг қаерда эканлигини аниқлашга уринди, кундузи «зора бирорта кема ўтса мени пайқармикан», деб кўйлагини қўлида баланд кўгариб силкиб-силкиб турди. Аммо баҳрул муҳитнинг сирти кимсасиз, бўм-бўш эди.

Ёғоч тогорага тушиб қилаётган «саёҳати»нинг учинчи ё тўртинчи куни у узоқда, уфқ томонда Сир шарпани илғаб қолди: «Қуруқлик! Ер!» Синдбод ўз «қайигини» жон-жаҳдат билан шу томонга суздира бошлади. Яна бир кечаю бир кундуз ўтгандан кейин кўринган нарса ер эканлигига ишонди ва ўша томонга сузишга давом этди. Ниҳоят, Синдбоднинг «қайиги» минг мазаққатлардан кейин баланд ва тик кирғозка этиб келди. Денгиз бўйида ўсган улкан дарахтларнинг иадизларига тирмаша-тирмаша қуруқликка чиқиб олдию ўзини ерга таппа ташлаб, ҳушидан кетди.

Синдбод даҳшатли тушлар кўриб узоқ ухлади. Ниҳоят, очлик ва ташналил азобидан уйғониб кетди. Аъзойи бадани қакшаб оғрир, боши карахт эди. Виринчи ўйлаган нарсаси — емиш топишу чанқотини қондириш бўлди. Тепасида ўсиб ётган аллақандай бир дарахтнинг гўр меваларидан олиб еди, чанқоти бир оз босилди. У атрофга қаради: кўз илғагунча яйдоқ сахро, аҳён-аҳёнда битта-яримта бутасимон дарахт учарди. Энг ёмони — на бирор тирик жон ва на бирорта маъзил кўзга чалинарди. «Оёғим ерга тегса нажот топаман», деб ўйлагани пучга чиқди. Бу ерда одам боласи қадам бօмаган жазирама сахро эканлигини фаҳмлади. Лекин ноумид — шайтон, умидингни узма, деб ўз-ўзига далда берди. Бирор тирик жон учраб колар, деган ўйда сахронинг ичкарисига қараб юрди. Иссичда ҳаллослаб, уриниб-суриниб илгарилаб бора берди. Гоҳ-тоҳ дengиздан узоқлаб кетганидан хавотир ҳам олиб кўярди. Лекин нажот дengиздан эмас — қуруқликдан келиши мумкинлигини кўнглининг бир чеккасида сезиб турарди. Ташналил ҳамон азоб берар, очликдан силласи тобора қуриб бораарди. Ноилож йўлда учраган буталарнинг таасини шимиб, майда меволарни еб бир оз ўзига келар ва

яна олдинга интиларди. Жазирама сахрода кета бошлаганига учинчи ё түртинчи кун бўлганида узоқда офтоб нурида яркиллаб турган оппоқ, дум-думалоқ нарсага кўзи туши. Синдбоднинг юрагида умиқ учқунлари ёнди: «Бу шаҳардаги бирор қасрнинг гумбази бўлса керак, хайрият, омоя қолдим», — деб ўша томонга қадамини тезлатди. Аммо ої гумбаз сахронинг ўртасида ёлғиз қаққайиб турад, унинг ён-берида на бирор иморат ва на бирорта тирик жон кўринмасди. Бундан Синдбоднинг хайронлиги орта бошлиди. «Ё товба, бу нима экан-а?» — деб таажжубланди у. Сўнг гумбазга яна ҳам яқин келди. Унинг кўз олдида дум-думалоқ, баланд, тепаси бироз чўзинчокроқ оппоқ гумбаз турад, унинг силлик дарлари куёш нурида кўзни қамаштиради. Гумбазнинг нашиги ва на туйнуғи бор эди. Синдбод унинг атрофида айланниб кўрмоқчи эди, офтоб тушиб турган томонида нимадир тимиirlаганини сезди. «Ё, товба, бу нима экан? Тағин бирор йиртқич даф қилиб қолмасин», — дедиую ўзини четга олиб, аста қаради. У ёқдаги шарпа ҳам ўзини четга олди. Синдбод, «эпчил конлон ва сиртлонлар бўларди, шуларга дуч келдим шенилли», деб ўйлади ю яна ҳам эҳтиёткорлик билан гумбазнинг бу томонидан айланниб қаради. Шарпа кўринмас эди. «Шунчаки кўзимга кўринганга ўхшайди ёки инсу жинемикин?» — деб ўйлади Синдбод ёшлигида кекса бувиси айтиб берадиган эртаклардаги жину алвастиларни хаёлидан ўткашиб. Аммо ўзини дадил тутиб, ўша шарпа кўрииган томонга юрди. Ҳеч нарса кўринмади. «Хайрият, даф бўлиби», деб орқасига қайтган эди, бурчакдан ўша шарпа яна кўринди-ю, ўзини четга олди. Номаълум нарса у билан худди бекинмасоқ ўйнаётгандай эди. Бу ҳол Синдбоднинг жигига тегди. «Таккал, бир бошга бир ўлим», дедиую шарпа томонга ташланди, у қочди. Синдбод орқасидан қувди. Жон-жаҳди билан чопиб, унга етиб олди. Шарпа — гирдиғумдан келган бир одам экан, у гумбазни айланганича орқасига қарамасдан қочарди. Синдбод унинг инсу жинс ёки йиртқич махлук эмас — одам сканлигини кўргач ўзида йўқ қувониб кетди ва баланд овуз билан: «Тўхта, эй одам, кимсан?» — деб қичқирди. Кошиб бораётган ҳалиги одам бу овозни эшитгач, жойида таққа тўхтади ю орқасига қайрилиб қаради. Синдбод не кўз билан кўрсинки, унинг рўпарасида Кўрқоқ кемачи туради. «Абулҳасан?! — деб қичқирди Синдбод. — Бормисан, азизим!» Турган жойида ҳайкалдек қотиб қолган Кўрқоқ кемачи: «Хожам!» — деб қичқирганича Синдбодга караб чопди. Улар кучоқлашиб кўришдилар, Синдбоднинг кўзларига ёш келди, сакалоқ Кўрқоқ кемачи унинг кўярагига бош кўйганича йиглаб юборди. «Тирикмисан, Абулҳасан?» — деди Синдбод дўстини бағридан чиқармай. «Мана, кўриб турганингиздек», — деб хурсандчилигидан кўз ёшлигини артиб жилмайди Кўр

қоқ кемачи. Улар гумбазнинг соя тарафига ўтишиди-да, бир-бирлариға ўз бошларидан ўтганларини айтиб бера бошлашди. Құрқоқ кемачи ҳам балиқ — оролдаги түполонда кемага етолмабди. Сувга гарәп бўлишига сал қолибди. «Ўшанда хурмога роса тўйиб олган эканман, меш қорним сувга тортиб кетай деди, хайрият, баҳтиим бор экан, тирик қолдим», — деди Құрқоқ кемачи. Сув юзига бир амаллаб қалқиб чикқандан кейин у оқиб бораётган дарахтга тармасибди, шамол ва денгиз тўлқинлари уни кемадан узоқлаштириб кетибди, исча кунлар очлик, ташчалиқдан кейин уни ҳам тақдир шу жазиранинг кирғогига олиб келиб ташлабди. Сувсиз саҳрода юра-юра ана шу оқ гумбазни кўриб қолибди, бир неча кундан бери унинг соясида жон сақларкан. «Хўш, шундай экан, мендан нега қочдинг?» — деб сўради Синдбод. «Ухлаб ётган эдим, қандайдир оёқ шарпасидан уйғониб кетдим, бирор йиртқич келяпти, деб чўчидим», — деди Құрқоқ кемачи. Улар худди ёш болалардек бир-бирлари билан бекинмачоқ ўйнаганликларидан қулишди. «Бу гумбазнинг сирини билдингми?» — деб сўради Синдбод. «Йўқ, хожам, билолмадим, бу дарди-харинанинг на эшиги бор, на туйнуги», — деб жавоб қилди Құрқоқ кемачи. Улар гумбазнинг силлиқ деворига суяянганларича энди бу ердан қутулиш йўлини излай бошладилар.

Жазиранинг бу икки асири ўйлаб-ўйлаб ўйларининг охирiga етолмай турган ҳам әдиларки, бирдан атрофни қоронгулик босди, қуёш кўздан гойиб бўлди. Шамол туриб, ҳамма ёкни чанг-тўзон қоплади. Қўрқоқ кемачи Синдбодни жонжади билан тутиб осмонга ишора қилди: «Хожам, уни қаранг!» — деб қичкириб юборди у. Синдбод осмонга қараб жуда катта, баҳайбат қушга кўзи тушди. Қушнинг икки қаюти осмонни бутунлай қоплаб, офтобни тўсиб қўйган эди. Унинг узун бўйни ва ўткир тумшуғи кишини даҳшатга соларди. «Қаранг, биз томонга келяпти, қочайлик!» — деб айоҳаниос солди Қўрқоқ кемачи. Синдбод ҳам кўкка тикилганича қоти қолди: баҳайбат қуш ўқдек отилиб, улар томонга шўнғиб келмокда эди. «Қочишига кечикдик, беркин, эҳтимол кўрмай қолар!» — деб щивирлади Синдбод ва ўзини ерга отди. Қўрқоқ кемачи ҳам лапанглаганича гумбаз остига беркинди. Баҳайбат қуш саҳрода қум тўзони кўтариб, уларнинг ёнгинасига келиб қўнди, унинг оёқлари ерга текканда зилзила қўпгандай бўлди. Чанг-тўзон сал босилгач, қушнинг тумшуғидаги катта бир нарсани кўришиди. У — бутун бошли фил эди! Баҳайбат қуш тумшуғида кўтариб олиб келган филни шошмасдан тилкалаб, чўқиб ея бошлади. Синдбод ва унинг ҳамроҳи бу манзарани даҳшат билан кўриб туришарди. Қуш филни пок-покиза тушириб, уёқ-буёқса алаладиу улар биқиниб ётган оқ гумбаз томонга ҳаккалаб юрди. «Вой дод, энди бизни сайди!» — деб даҳшат билан пичири-

лади Құрқоқ кемачи. «Озоз чиқарма, сезиб қолмасин!» — деб унинг оғзини түсди Синдбод. Құш уларга яқинлашиб келди-да, оқ гумбазни икки оёғи орасига олиб, оҳиста ётди. Унинг юмшоқ патлари Синдбод билан Құрқоқ кемачига шундоққина тегиө турарди. Улар күш оёқлари билан босиб, ма-жанлаб ташламаганига шукр қилишиб, миқ этмай ётишарди. Синдбод дүйә кезган сайёхлардан эшигтан ҳикояларни эслади: Рұх деган жуда катта құшлар бўлиб, саҳроларга тухум қўйишар, вакти-вақти билан келиб тухумни очиш учун босиб ётишаркан. Улар нималигини билиша олмаган оқ гумбаз ўша құшнинг тухуми экан. Хайриятки, құш уларни пайкамади, йўқса худди қумурскани чўқигандай ямламай ютарди-қўярди. Энди бу ахволдан қутулиш йўлини йўлаш керак. Бирдан Синдбоднинг хаёлига «ярқ» этиб бир фикр келди: бу жазирама саҳрова қолиб кетишса очлигу сувсизликдан ҳалок бўлишлари аниқ. Яхшиси, ана шу құш билан бирга учиб кетишса-чи? Ўзларини унинг оёғига боғлаб слишса... Құш уларни пайкамас, ахир, унинг осмонга етайдеб турган гавдаси олдида үлар худди чумолидек келишади-ку? Құш бирор ободроқ жойга, ҳеч бўлмаганда сув бўйига олиб бериб ташлар? Бу ерда қолиб, ташналиктан ҳалок бўлгандан кўра таваккал қилган яхши эмасми? Синдбод ўз маҳсадини ҳамроҳининг қулогига пицирлаб айтди. Құрқоқ кемачи бу маслаҳатга ўламан саттор деб кўнмади. «Баланд осмондан йиқилиб кетсак — ўламиз-ку? Йўқ, хожам, мени бу ишдан маъзур тутасиз, қўрқаман...» — деди у титраб-қақшаб. «Ҳа, майли, ихтиёргинг, сени ташлаб кетиш қанчалик оғир бўлса ҳам мен ўз режамни амалга ошираман, ишқилиб, сен ҳам бу ердан согомон қутул», — деди Синдбод ва бошидаги салласини белига ўраб, кейин қолган қисми билан ўзини құшнинг оёғига маҳкам боғлади. Шу ҳолда Құрқоқ кемачи билан хайр-хўшлашдию ҷоғланиб тураверди. У құшнинг учшини кутиб бутун тунни мижжа қоқмасдан ўтказди. Тонг ҳам отди. Құш ҳаракатга келиб қолди, у тухум устидан гоз турди-да, қанотларини қаттиқ қоққанича юқорига кўтарилди. Синдбод олдинига бир оз қўрқса ҳам кейин ўзини босиб олди ва атрофни томоша қилиб кетаркан: «Афсус, Абулҳасан таклифимга кўнмади-да, энди сувсиз саҳрова унинг ҳоли нима кечаркин...» — деб ўйлади. Шу пайт ўзидан сал пастроқдан: «Вой дод, ўлдим! Ҳозир йиқиламан!» — деган ваҳимали словни эшигди-ю, эгилиб қаради. Не кўз билан курсники, Құрқоқ кемачи құшнинг иккинчи оёғини маҳкам қулоқлаганича учиб келарди. Унинг кўзлари қўрқувдан шокосадёк бўлиб олайиб кетган эди. «Маҳкам ушла, мен ҳозир ёрдамламаман!» — деб унга далда берди Синдбод ва пастга эгилиб Құрқоқ кемачига қўл узатди. У эса жон-жаҳди билан Синдбодга ёпишди. Хайриятки, Синдбод ўзини құш оёғига маҳкам боғлаб олган экан, бўлмаса иккала́лари ҳам

құлаб, асфаласофилинга кетишлари турған гап әди. «Қүшнинг оёғига тармаш, панжасига чиқиб ол», — деб маслағат берди Синдбод. Құрқоқ кемачи жон ҳалпиде юқорироқ күтарилиб, қүшнинг панжасига ўтириб олди, әнді у қүш учшига ҳозирланғанда ёлғиз қолищдан құрқиб унинг оёғига өпишиб олган әди.

Рұх, қуши уларни күтартганича осмону фалакда учыб борарди. Күп ўтмасдан ер ҳам күрінмай кетди. «Бу беақл парранда қаерга бориб қўнар экан, а? — деб ўйладаб борарди Синдбод. — Ишқилиб, эсон-омон ерга тушиб олайлик-да...»

Қүш анчагина учди. Узокдан қорли тоғлар күринди. Қүш ўша томонға қараб пастьлай бошлади. «Ёмғирдан қочиб қорға тутиламиз шекилли, — деб хаёлидан ўтказди Синдбод. — Агар қүш бу тоғларга қўнса, тошларга урилиб парча-парча бўлмасайдик...»

Қүш пасайғандан пасайиб тог чўққилари орасидаги кичик, тор водий томонға шўғиди. Синдбод ўзини ҳушёр тутиб турди. Аҳволи қалай экан, деб Құрқоқ кемачи томонға қаради: у қүшнинг оёғига маҳкам тирмашғанча кўзларини чирт юмиб олган әди. Бу орада қүш чўққилар орасидаги бир баландликка қўнди. У оёгини оҳиста қўйгани учун сайдётларга зарар қилмади. Соғ-саломат ерга тушиб олишганидан боши осмонға етиб Синдбод шоша-пиша ўзини қүшнинг оёғидан ечиб олди. Қүш тог орасидан ниманидир чўқиб, тумшуғига қисганча осмонға учди. Синдбод: «Мабодо Құрқоқ кемачини тутиб олмадимикин?» — деб қараса қүш тумшуғида катта илонни күтариб кетарди. У тобора юқориляб борар, ҳали ҷалажон илон унинг тумшуғида жон-жаҳди билан билангларди.

«Абулжасан қаерда экан-а?» — деб ўйлади Синдбод атроғға қараб, Құрқоқ кемачи ҳеч қаерда күрінмасди. «Бечора, охирги дақиқада пастьга қуладимикин?» — деб турған әди, сирдан чўққининг пастроғидан Құрқоқ кемачининг: «Войдот, ўлдим! Ердамга!» — деган ваҳимали бакириғи эшитилди. Синдбод ўша томонға ошиқди. У чўққи остидаги ғор эшигида қўрқувдан ўзини йўқотаёзган Құрқоқ кемачини кўрди. Бир йўғон илон оғзини очганича уни ютаман, деб турарди. Айтидан, у қүшнинг оёғидан тушгану қочиб ўзини шу ғорга урган, бу ерда эса илонга дуч келган. Синдбод ердан катта бир тошни олди-да, илоннинг бошига урди. Калласи мажақланған илон кучала бўлиб питирлашга тушди. Синдбод Құрқоқ кемачини қўлидан етаклаганича тезлик билан бу ердан узоқлашишди. «Хожам, мени иккинчи бор ўлимдан қутқардингиз, әнді ўла-ўлгунча қулингизман», — деб кўз ёшини оқизганича Синдбоднинг қўлини ўпди Құрқоқ кемачи. «Тезроқ юр, бу ер гаплашиб ўтирадиган жой әмасга ўхшайди», — деди Синдбод. Улар қўрқинчли ғор оғзидан анча узоқлашишгач, нафасларини ростлаш учун тўхташди. Энди бу ердан

кутулиши йўлларини ўйлайлик... — деди Синдбод. — Қаерга келиб қолдик ўзи? Улар атрофларига аланглаб қарашди. тўрт томонда осмонўпар тоғлар, баланд чўқилар қалашиб ётар, факат улар турган жой тор, кичик бир водий эди. «Нажотки, бу ердан чиқиладиган бирор йўл ёки сўқмоқ бўлмаса?» — деб ўйлайди Синдбод. Аммо нажот йўли кўринмасди. «Хожам, қочинг, илон!» — деб бирдан бақириб қолди Қўрқоқ кемачи. Синдбод ялт этиб орқасига караган эди йўғонлиги устучдай келадиган газанданинг тепадан унга қараб бош чўзаётганини кўрдию чаққонлик билан ўзини четга олди. Қўрқоқ кемачи эса аллақачон жуфтакни ростлаган, ҳув нарида лапанглаганича қочиб бораради. Бирдан у нимагадир қокилиб йиқилиб тушди. Сўнг бор овози билан: «Вой, ўлдим! Илон! Яна илон!» деб бақира бошлади. Синдбод у томонга шошилди, келиб караса Қўрқоқ кемачи йўлда кўндаланг ётган илонга қокилиб йиқилган экан. Ухлаб ётган илон бошини кўтариб Қўрқоқ кемачига човут солди, у урнидан тура солиб додлаб қочди. Синдбод нима қиласини билмай тўхтаб қолди. Тонг отиб шарқдан, тоғлар орасидая қўёш кўтарилиб келар, чўқилар аллакандай раингда жилолана бошлиган эди. Тоғ тирқишиларида, оёқ остларида сочилиб ётган тошлар офтоб нурида ярқираб, нурланиб кетди. Синдбод бу манзарага ҳайрон бўлиб турган эди ҳамки, Қўрқоқ кемачи ердан бир тошни кўтариб: «Ҳаранг, хожам, бу қимматбахо тош шекилли, а?» — деб сўраб қолди. Синдбод қараса бу тош соғ гавҳар. «Ҳа, гавҳар бу», — деб жавоб қилди. «Менга булардан бирортаси ҳам керак эмас, шу ердан соғ-омон чиқсак бас», — деди Қўрқоқ кемачи. «Тўғри айтасан, Абулҳасан, — деди Синдбод, — ўзимиз омон қолсак бўлди».

Шу пайт осмонда учеб келаётган катта бир қушни кўрдилар. Унинг чангалида узунчоқ бир нарса бор эди. Қуш паастлаб уларнинг яқинига қўнди-да, чангалидаги нарсани ерга қўйди. Қушдан кўзларини узмай турган Синдбод билан Қўрқоқ кемачи не кўз билан кўрсинларки, қуш чангалидаги нарса — одам экан. У ҳали тирик шекилли, оҳ-воҳ уриб фарёд қила бошлади. Синдбод билан Қўрқоқ кемачи ёрдамга ютуришди. «Ҳай-ҳай» лаб бақириб-чақириб, тош отиб қушни ҳайдашди ва чўзилиб ётган одамга яқинлашиб, бошини ердан кўтаришди. Қарасаларки, у савдогар Абулҳарис экан! Қўрқув ва оғрикдан ўлар ҳолатга ётган савдогар бир оздан сўнг ҳушига келиб кўзини очди ва Синдбод билан Қўрқоқ кемачини таниб, уларга миннатдорчилик билдириди, кейин ўз бошидан ўтганларини гапириб берди. Ўшанда хурмо терман деб кемадан қолиб кетибди, елкасига боғланган халтаси уни нак сув остига тортиб кетаёзиди, сўнг бир тахтага ёпишиб, не азоблар билан сузиб қирғоқча чиқибди, сахрода ухлаб ётганди уни шу қуш кўтариб, буёқка олиб келибди.

Савдогар Абулҳарис шундай дедиую бирдан кўзи ерда ёт-

ган тошга тушиб, дик этиб ўрнидан туриб кетди. «И-е, ахир, бу — ёқут-ку? — деди у ҳаяжондан кўзлари олайиб. — Мана буниси эса гавҳар! Булар жуда қимматбаҳо тошлар! Биз росаям бойиб кетамиз! Буларнинг ҳар биттаси бозорда қанча туришини биласиаларми?» «Тўғри, бу тошлар қимматбаҳога ўхшайди, — деди Синдбод. — Лекин олдин бу ердан қутулишни ўйлаш керак». Абулҳарис бу сўзларни эшитиб индамади, аммо атрофни тимиристаганича қўлига тушган тошни ёруққа солиб кўрар ва шоша-пиша қўйнига уради. Синдбод билан Кўрқоқ кемачи очкўз савдогарнинг бу қилигини кўриб кулиб қўя қолишиди.

Бу орада қуёш баландроқ кўтарилиду водий бутунлай бошқача туслаги кирди. Ҳаммаёқда турли қимматбаҳо тошлар, кўп киррали осмослар ярақлаб кўзни қамаштиради. Сайёҳлар жавоҳирлар водийсига тушиб қолган эдилар. Аммо офтобнинг қиздириши билан турли гор ва каваклардан сонсаноқсиз катта-кичик илонлар уйғониб, ўрмалаб чиқа бошлади. Улар орасида ҳатто филни ҳам бемалол ютиб юборадиган баҳайбат аждаҳолар ҳам, ингичка учар илонлар ҳам бор эди. Ҳаммаёқда ғимирлаб ётган бу турқи совуқ газандаларнинг кўплигидан оёқ босиб бўлмасди. «Ё товба бу қандай бало, — деб кўнглидан ўткаади Синдбод. — Руҳ қушидан қутулиб, бу совуқ махлуқлар сиртмогида ўлмасак эди». Кўрқоқ кемачи ҳам илонларнинг кўплигини кўриб дир-дир титрай бошлади. Синдбод ва унинг шериклари илонлардан холироқ жойни излаб кетишиди. Абулҳарис ҳар илонни кўрганда бир сакраб тушар, аммо бирорта тош кўрди дегунча илоннинг остидан бўлса ҳам олиб қўйнига соларди. Киссаларига ва қўйнига жойлаган тошларнинг оғирлигидан у зўрга юрар, аммо ёлғиз қолсам илон еб қўймасин, деб шерикларидан ажралмасликка ҳаракат қиласди. Улар куни билан илонлардан қочиб жон сақлашиди. Кеч кира бошлади. Ниҳоят, бир холироқ горни топиб, шу ерда тунашга қарор қилишиди. Очлик, ташналиқ ва энг ёмони — кўрқув уларнинг тинка-мадорларини қуритаётган эди. Гор ичи тинч, гира-шира эди. Уларнинг кўзлари қоронғуликка бир оз ўргангач, бурчакда дўппайиб турган бир нарсани кўриб қолишиди. Дабдурустдан уни харсангтош деб ўйлашиди. Аммо бу тош гоҳ-гоҳ қимирилаб қўярди. Дўппайиб турган бу нарса тош эмас — тухум босиб ётган катта олачипор илон экан. «Бу ердан қочайлик!» — деди Кўрқоқ кемачи. «Ташқари бундан ҳам баттар, шу ерда жон сақлаганимиз яхшироқ, — деди Синдбод. — Эҳтимол, биз тегмасак илон ҳам бизга дахл қилмас». Улар кечаси билан мижжака коқмай чиқишиди, айниқса Кўрқоқ кемачига. Қийин бўлди: уни уйқу босиб, гоҳ-гоҳ куррак отиб юборар, аммо шу заҳоти уйғониб, шерикларининг пинжига тиқиларди. Улар илонлар битмас-туганмас бу бойликка маст бўлиб бирорни чақиб олиш ёки ютиб юборишни хаёлларига келтирмасликла-

рини қаёқдан ҳам билишади. «Э, кечаги руҳ қуши келса яна оёғига тармашыб олардим, илонларга ем бўлгунча ўша сув-сиз жазирада ўлган яхши эмасми?» — деди у уҳ тортиб. «Сабр қил, сабрнинг ўзи аччиқ, меваси ширин дейдилар, — унга таскин берди Синdbод. — Бу ердан қутулишнинг ҳам бир йўли топилиб қолар...» «Шу лаънати илонлар халақит бермаса тошларнинг роса қимматбаҳоларини топардик-да», — деб қўйди Абулҳарис. Унинг фикру ёди фақат тошлар эди. Синdbод билан Абулҳасаннинг кўнглига эса ҳеч нарса сигмасди.

Тонг ёришиши билан улар горни тарк этиб, яна водий бўйлаб саргардон кеза бошлишди. Баланд чўққиларга тирмашиб кўришди, лекин тик, сип-силлик девор сингари тошлардан юқорига кўтарилиш амру маҳол эди. Улар энди жонларидан умидларини узуб қўйган ҳам эдиларки, шунда олдиларига «шап» этиб, катта гўшт парчаси тушди. Сайёхлар ҳалиги гўштнинг арқонга боғланганини кўриб қолишиди. Бир неча дакиқадан сўнг арқон таранглостиб, гўшти юқорига тортиб кетди. Гўштга бир қанча қимматбаҳо тошлар ёпишиб қолган эди. Гўшт баланд чўққилар томонга кўтарилиб кетди. Синdbод ўша ерда, жуда баландда қандайдир одамларнинг ғиммирлаб юрганини кўрди. Буни кўрган Қўрқоқ кемачининг кўзлари аланглаб, ҳовлиқиб қолли. «Эй, одамлар! — бақирди у юқорига қараб. — Ердам беринглар, бизни қутқаринглар!» «Кимсизлар?» — деб юқоридан қичқиришди одамлар. Уларнинг овозлари зўрга этиб келарди. «Биз саиёҳлармиз! — деб жавоб қилди Синdbод. — Үзларингиз кимсизлар?» «Биз савдогарлармиз, жавоҳир изловчилармиз, — деган жавоб келди юқоридан. — Пастда қимматбаҳо тошлар кўпми?» «Ха, ҳа, жуда кўп! — деб ҳеч кимга сўз бермасдан бақириб юборди Абулҳарис. — Мана, менда жуда кўп жавоҳир бор, мени қутқаринглар!» — дерди у икки кўзини чўққидан узмасдан жонжонҳади билан. Тепадагилар бир оз жим қолишиди. Сўнг: «Сен кимсан, исминг нима, ёнингдагилар ким, исмлари нима?» — деб сўрашиди. «Менинг исмим Абулҳарис, менда гавҳар кўп! — деб бақирди савдогар ҳовлиқиб. — Шерикларимнинг бирининг исми Синdbод, иккинчиси Абулҳасан, лекин уларда ҳеч нарса йўқ!» Синdbод билан Қўрқоқ кемачи ўз ҳамроҳларининг бундай турланишидан ҳайратда қолиб индамай турнишарди. «Синdbод дединми? — деб қайтариб сўрашиди юқоридан. — Қайси Синdbод, қасби нима?» «Мен — саёҳатчи Синdbодман! — деб қичқириди Синdbод. — Қасбим дунё кезиш!» «Ҳозир сиз учун арқон туширамиз, — дейишиди юқоридагилар. — Үзингизни арқонга маҳкам боғланг!» Бу сўзларни эшитган Абулҳариснинг кўзлари қўрқувдан олайди. «Менчи?! Олдин мени қутқаринглар, менда жавоҳир кўп! Шеригимда эса ҳеч вақо йўқ!» — деб бақира бошлиди у. «Жимтур, бадбахт! Бўлмаса бу илонхонада бутунлай қолиб кетасан. Олдин шерикларингни, кейин эса сени тортиб оламиз!» —

дэйишиди юқоридагилар. Бу сўзларни эшитган Абулҳарис сувга тушган мушукдай шумшайиб қолди. «Хожам, гуноҳимдан ўтинг. Юқоридагиларга айтинг, мени ҳам тортиб олиши син», — деб Синдбодга ялинишга тушди у. Синдбод унга тасалли бериб, юқорига кўтарилиш учун тайёр бўлиб турди. Халоскорларимга берарман, деган маънода ерда ётган тошлиардан бир сиким терди. Кўп ўтмасдан юқоридаги арқон ташланди. Синдбод арқонни белига боғлади. Қўрқоқ кемачи билан Абулҳарис ҳиқиллаганларича уни кузатиб қолишиди. Қўрқоқ кемачи бу ерда қолиб кетишдан, Абулҳарис эса жавохирларидан ажралишдан қўрқарди. Арқонни секин-аста юқорига тортишди. Мана, булутлар ҳам пастда қолди. Кўп ўтмасдан уни тортиб олаётган одамлар кўзга чалинди. Улар орасидаги ёш, жингалак сочли новча йигит Синдбод томонга қучоқ очиб келарди. Синдбод яхшироқ қараб — унинг Қўрқмас кемачи Абулборий эканлигини кўрди. «Бормисан, Абулборий!» — деб бақириб юборди у. «Саломат бормисиз, хожам!» — деб унга салом берди Қўрқмас кемачи. «Хайрият тирик экансан, укам!» — деб уни бағрига босди Синдбод. — Буёқларга қандай келиб қолдинг?» «Э, бунинг тарихи узун,— деди Қўрқмас кемачи. — Узингиз илонлар водийсига қандай тушиб қолдингиз?» «Менинг ҳам тарихим узун,— деди унга жавобан Синдбод. — Аввал ануви Қўрқоқни куткарайлик, бўлмаса нақ юраги ёрилиб ўлади-я...» «Бақалоқ ҳам сиз билан бирга экан-да? — деб сўради Қўрқмас кемачи. — Майли, тортиб олсак — олақолайлик», — деб арқонни пастга ташлашиди. Синдбод халоскорлари Абулборий ва унинг ёнидаги уч-тўрт шеригига ўз миннатдорчилигини билдириб, киссасидаги тошлардан берди. Ниҳоят, Қўрқоқ кемачини тортиб олишига киришдилар. Аммо бу иш осон бўлмади. Чунки бақалоқ ўлгудай семиз эди-да. Тепадагилар уни аранг чикаришиди.

Энди охирида қолган Абулҳарисни тортиб олиш керак эди. Бу иш Қўрқоқ кемачиникидан ҳам қийин бўлди. Уни кўпчилик бўлиб тортишса ҳам кўтариша олмас, зил-замбидай оғир эди. «Нима бало? — деб ҳайрон бўлди Қўрқмас кемачи. — Ахир у Абулҳасандек семиз эмасди шекилли?» Улар савдогарни анчагина жойга кўтаришганда бирдан «тарс-турс» деган товуш эшитилди. Арқон узила бошлаган эди. «Эй, Абудҳарис, нега бунчалик оғир бўлиб кетдинг? — деди пастга қараб Қўрқмас кемачи. — Огоҳ бўл, арқон узилляпти, ортиқча юкинг бўлса ташлаб юбор!» Аммо Абулҳарис миқ этмади. У жонидан ажралса ажраладики, қўйнига жойлаб олган қимматбаҳо тошларини ташламасди. Арқон яна «шарт-шурт» этди. «Тошларингни ташла, бўлмаса ўласан!» — деб қичкиришиди тортиб оловчилар. Абулҳарис эса пастдан туриб: «Мени тезроқ тортиб олинглар, гавҳарларим кўп, сизларга ҳам бераман!» — деб қичқирди. Аммо бирдан арқон шартта узил-

ди-ю, савдогар даҳшат билан дод соганича пастга қулади. Унинг очкўзлиги бошига етган эди. «Ана, ўша жавоҳирлари билан қўшмозор бўлди», — деди Қўрқмас кемачи бош чайқаб. Шериклари савдогарнинг ўлимидан ачинсалар ҳам начора — у ўзига ўзи килган эди...

Синдбод ўз халоскори бўлмиш Қўрқмас кемачидан ўша улкан балиқ воқеасидан кейин қандай тирик қолганлигини сўради. Ўша фалокат пайтида у ҳам бошқа йўловчилар қаторида сувла қолиб кетибди, сўнг бир ёғочда тармашиб олиб дengизда узоқ сузибди. Бахтига уни ўтиб бораётган қема ғатилар кўриб, қутқарип олишибди. Улар қимматбаҳо тошлар билан савдо қиливчи савдогарлар бўлиб, узоқ тоғлар орасидаги илонлар водийсига жавоҳир излаб боришаётган экан. Абулборий улар билан бирга бу ерга келибди. Жавоҳирлар водийсига тик чўққилар туфайли тушиб бўлмас, бунинг устига у ердаги даҳшатли илонлардан ҳамма қўрқар экан. «Бу ўлим водийсидан бирорта одам тирик чиққан эмас, сизларнинг бахтларингиз бор экан!» — дейишди савдогарлар сайёхларга. Водийга тушиб бўлмаганидан улар ҳйла ишлатиб, сўйилган ҳайвон гўшти парчаларини узун аркон боғлаб ташлашар, сўнг гўштга ёпишган қимматбаҳо тошларни ажратиб силишар экан. Шунда Синдбод: «Тагин гўшт ўрнига мени кўтариб олиб, зарап кўрманглар», — деб киссасидаги бор тошларни уларга берди. Савдогарлар миннатдорчилик билан силишди. Қўрқмас кемачи бир четда шумшайиб ўтирган Қўрқоқ кемачига юзланиб: «Эй, бақалоқ, сени ҳам бир қоп гўшт ўрнида зўрга тортиб чиқардик, қани бизларга ҳам атаганинг борми?» — деди. Бунга жавобан Қўрқоқ кемачи уёқ-бүёғини қараб: «И-е, мана икки товонимга иккита тош ёпишиб қолибди», — деб икки жавоҳирни Қўрқмас кемачи ва унинг шерикларига берди. Улар хурсанд бўлиб олишибди.

Гавҳар изловчилар Синдбод ва Қўрқоқ кемачига сув ва таомлар бериб, ташналиқ ва очлик азобидан халос килдилар. Сўнг бир неча бор илонлар водийсига гўшт парчаларини ташлаб, етарли гавҳар, қимматбаҳо тошлар олишгач, йўлга тушишибди. Кейин дengиз қирғоғида қолдириган кемаларига ўтириб, юртларига қайтдилар. Синдбод ҳам ватанига етиб олгач, халоскорлари ва шериклари — Қўрқмас кемачи, Қўрқоқ кемачи билан хайрлашиб, уйига қайтди. У ўз бошидан кечирган саргузаштларини, неча марта ўлимдан қолганларини ясларкан, энди тинч, осойишта умр кечираман, ҳеч қачон саёҳатга чиқмайман, деб аҳд қилди. Лекин у бу сўзниг устидан чиқа олармикан?





Иккинчи саёҳат

Шундай килиб, Синдбод сафардан қайтгач, уйида тинч, беташвиш ҳаёт кечираман, энди ҳеч қачон саёҳатга чиқмайман, деб ажд қилган эди. Аммо у сўзида қатъий тура олармиди? Ахир, ўргангандан кўнгил — ўртанса қўймас, деганларидек узок-узок ўлкаларни кезишга, турли саргузаштларни бошдан кечиришга, не-не хавфу хатарлар юзига тик қарашга ўргангандан одам уйида оёқ узатиб ўтира олармиди?

Синдбод ҳам бир неча муддат уйида истикомат килди-ю, кўнгли яна саёҳатни кумсаб қолди. Қўлидаги бор мол-мулкни сотиб яна сафарга отланди. Бахтига кемада ўзининг эски синаштаси — қадрдони Қўрқмас кемачи — Абулборийни учратиб қолди. Ў ҳам Синдбодни кўриб хурсанд бўлди. Кема, эндигина елканларини ёйиб, ийлга тушмокчи бўлиб турганида соҳил томондан бир бақалоқ киши: «Ҳай, ҳай, тўхтанглар!» — деб шовқин солиб кела бошлади. Бакалок одам кемага ҳаллослаганича чиқиб, ўзини Синдбоднинг оёғи остига отди: «Хожам, сизнинг сафарга чиқаётганингизни эшитиб, оёғимни қўлимга олиб югурдим. Хайриятки — ултурибман. Мени ҳам ола кетинг, сиз билан юрсам ҳеч нареадсан қўркмайман», — деб эгилган бошини ердан кўтарди. Синдбод унинг Қўрқоқ кемачи — Абулхасан эканлигини таниб: «Хуш келибсан, майли, биз билан суза қол», — деб у билан кўришди. Олдинги сафарида Қўрқоқ кемачи билан қанча хавф-хатарларга дуч келганини, у дастлабига қўрқоқлик қиласа ҳам, ҳар қалай, оғир синовларга бардош берганини эслаб кулди. Ўша сафардан кейин нима билан шугулланганини сўради. Қўрқоқ кемачи кемачилик билан машгул бўлганини, турли кемаларда ёлланиб ишлаганинги айтиб берди.

Синдбодлар тушган кема елканларини ёзганча сузиг кетди, саёҳатчиларнинг кўз олдиларида бир-биридан ажойиб манзаралар пайдо бўла бошлади. Улар денгизлардан денгизлар-

га, соҳиллардан соҳилларга, у шаҳардан бунисига, у юртдан бу юртга, ўлкалардан ўлкаларга ўта бошладилар. Синбод яна саёҳатга чиққандан ўзида йўқ хурсанд, дўстлари Қўрқмас ва Қўрқоқ кемачилар билан тез-тез суҳбат қуриб, ҳазил-мутойиба билан кўнглини ёзив борарди.

Одам кўнглини одам олади. Синбод одатда саёҳатга чиққанда кемадагилар билан танишиб, ошно тутинарди. Бу сафар ҳам кемада бораётганларнинг кўпчилиги билан ҳамсуҳбат бўлиб, янги танишлар ортириди, саёҳат таассуротлари билан ўртоқлашиди. Фақат бир бадқовоқ йўловчи унинг кўнглига ўтиришмади. Новчадан келган, ранги заҳил, кўз қарашлари одамга тикандек қадалувчи бу йўловчининг исми жисмига яраша — Абубаттол эди. У кўринингга заҳрини сочар, ўзича ҳаммага баҳо бериб, қўлтиғидаги қора дафтарчасига нималарнидир қайд этиб борарди. Синбод Қўрқмас кемачидан: «Бу ким?» — деб сўраганида у жаҳл билан: «Ярамас сдам», — деди, Қўрқоқ кемачи эса унинг ҳақида гапириш ўёқда турсин, номини эшиганде ёқ дир-дир титрай бошлади. Синбод Қўрқмас кемачини бир четга чақириб суриштирганда Абубаттолни жами кемачилар ёмон кўришини, у доим бирорларни пойлаб юришини, бирор нима сезса дарғагами ёки ўша жойнинг амалдор-мансабдорларигами шу заҳоти етказишни айтди. «Хуллас, хожам, бу ичиқора чақимчидан узоқроқ юрган маъқул», — деб қўйди. Синбод бу гапларга унча эътибор бермай, елка қисиб қўя қолди. Бир сафар улар Қўрқмас кемачи билан кеманинг қандай бораётганлигини, бу шароитда уни янада тезроқ юргизиш мумкинлигини сўзлашаётган эдилар, нарироқда Абубаттолнинг қулоғини динг қилиб уларнинг гапини эшитиб турганини сезиб қолишиди. Улар ҳеч гапдан хабарсиз суҳбатни давом эттиришди. Абубаттол бир оз тинглаб турди-да, қора дафтирига алланарсаларни ёзив, улардан узоқлашиди. «Хожам, сиз билан биз ҳам қора хатта тушдик», — деди Қўрқмас кемачи. «Ахир, биз бирор ёмон гапни тилга олмадик-ку?» — деб таажжубланди Синбод. «Э, Абубаттол ёмон гапни ўзи топиб қўшиб қўяди», — деди уларни тинглаб турган Қўрқоқ кемачи аланглаб.

Унинг айтгани тўғри чиқди. Эртасига кема дарғаси Синбодни ҳузурига чакириб: «Сиз икки кемачи билан менинг ҳақимда ёмон гаплар айтибсиз... Бизнинг дарға ношуд экан, дебсиз. Шундай ҳақоратли гапларни айтишга тилингиз қандай борди?» — деб дағдаға қилди. Синбод бу хилда гаплар бўлмаганини, шунчаки деңгизнинг тинчлиги тўғрисида гапиришганини айтиб, шунча ишонтирмасин, барибир дарга қулоқ солмади ва бунинг устига: «Агарда яна шу хилдаги гапларни эшигудек бўлсан кемадан тушириб юбораман!» — деб дўқ урди. Синбод ноилож унинг олдидан узр сўраб чиқди ва энди ҳар гал Абубаттолни кўрганда гапираётган гапидан таққа тўхтәйдиген бўлди. Аммо Абубаттол дарғага Синбод

шериклари билан индамай юришибди, улар сизга қарши би-
рор фитна бошламоқчи, деб чақибди. Дарға уларга яна зах-
рини сочди. Ёмонга гапирсанг бир бало, гапирмасанг — қўш
бало, деганларидек Синдбод ва унинг шериклари Абубаттол-
дан узоқроқда бўлиш чорасини ахтара бошлидилар.

Кунлардан бир куни улар денгиз ўртасида сувиз борар
эканлар, қаттиқ шамол туриб дентиз тўлқинлана бошлиди.
Кема ҳудди қозонда қайнайтгандек вақирлаган сувда ўёқдан
буёққа лапангларди, ер-осмон битта бўлиб кетгандек эди.
Дарға буни куриб фигони фалакка чиқди. У йўловчиларга
қараб: «Эй, биродарлар, яхши билингларки, бошимизга кул-
фат тушди, бу бўрон бизни фалокатлар денгизига суриб кет-
япти, қандай балоларга дуч келишимизни билмайман!» —
деб бақири. Кемачилар ҳар қанча уринишмасин, кема бош-
қарувга бўйсумай қўйди, ноилож уни денгиз ва шамол их-
тиёрига ташлаб қўйишга мажбур бўлдилар. Гўё кема ҳар
дақиқада тўйтарилиб, денгиз қаърига кетадигандай эди.
Синдбод билан Қўрқмас кемачи тишларини тишларига қў-
йиб чидашар, бир-бирларига далда бериб, кўнгилларини қў-
таришарди. Фақат Қўрқоқ кемачигина: «Мен, аҳмоқ, бо-
шимга бало орттиридим, бунақа узоққа борадиган кемага чи-
қиб нима қиласдим, тинчгина тирикчилигимни ўтказиб юр-
сам бўлмасми? Менга саёҳатни ким қўйибди, энди чўкиб
кетишим турган гап!» — деб дод-вой соларди. Бунга жавобан
Қўрқмас кемачи: «Жим, ҳадёб дод-вой солаверсанг менинг
ўзим сени денгизига улоқтираман!» — деб унга пўлписа қилас-
ди. Қўрқоқ кемачи бир оз жим қолса ҳам сал ўтмай яна оҳ-
водини бошлидии. Буни кўриб турган Абубаттол дарғага:
«Қўрқмас кемачи Абулҳасан деган кемачини денгизига чўк-
тироқчи, шу йўл билан кемадаги одамларни бир-бир ўлди-
риб, кемани эгаллаб олмоқчи, бу ишга Синдбод ҳам шерик!»,
деб чақибди. Лекин дарғанинг ўз ташвиши ўзига етарли бўл-
тани учун ҳеч нарса демади.

Довул уч кечаю уч кундуз тинмади. Нихоят, тўртинчи
куни шамол бир оз пасайди. Йўловчилар бир фалокатдан
қолганликларидан хурсанд бўлишиб, ўёқ-буёқларини тузатиша
бошлиди. Аммо кема дарғасининг дили гаш эди. У бир
осмонга, бир сувга қараб бош чайқаб: «Бўрондан кутулдик,
лекин бундан ҳам баттарига учрадик, биз — Фалокатлар ден-
гизига келиб қолдик, энди бошимизга не балолар ёгар
экан!» — деб фарёд солди: Кемачилар, йўловчилар яна ва-
химага тушиди. Лекин Қўрқмас кемачи ўзини хотиржам
тутди. «Ваҳима — душманинг ўлдоши, — деди у. — Ақл
билан иш тутсак ҳар қандай фалокатдан ҳам халос бўлиши-
миз мумкин». У шундай деди-ю, кеманинг бош устуни устига
чиқиб, атрофни кузатди.

Қош қорая бошлаганда катта бир кўршапалак учиб ке-
либ кеманинг атрофида айланади. Унинг канотлари

бир неча газ бўлиб, тумшуғи худди итларни кимнидир. Кўршапалак Кўрқмас кемачининг ёнгинасидан учидан ўтар экан унга худди одамларни кимнидир. Кўрқмас кемачи, «киш-киш» лаб уни ҳайдади. Кўршапалак «чаг!» деган хунук овоз чиқарди-ю, кема атрофида айланаверди. У кимнидир излаётганга ўхшарди. Кема саҳнида Абубаттол кўринди, у ҳам кўршапалакка қараб «чаг!» деди, кейин кўршапалак тўғри келиб унинг елкасига қўнди-да, Абубаттолнинг қулоғига бир нималар деб чағиллади. Абубаттол ҳам унга нималардир деди. Шундан сўнг кўршапалак осмонга учди-ю, қоронгулик қаърида кўздан ғойиб бўлди. Буни кемадагилардан жеч ким сезмади, фақат кузатувчи Кўрқмас кемачигина юқоридан ҳаммасини кўриб туради. «Кизиқ, Абубаттол кўршапалаклар тилини ҳам билар экан-да», — деб ўйлади Кўрқмас кемачи. Шу пайт унинг кўзлари Абубаттолнинг кўзлари билан тўқнашди, унинг соvuқ қарашлари ҳам худди кўршапалакни кидай эди. «Бу лаънатидан ҳамма нарсани кутиш мумкин», — деб ундан юзини четга бурди Кўрқмас кемачи.

Қоронги тушди, кемадагилар уйқуга кетишди, факат Кўрқмас кемачининг ўрнига турган Кўрқоқ кемачи уйгоқ эди. «Эй, бақалоқ, — деганди унга Кўрқмас кемачи, — ҳушёр бўлиб тур, агарда ухлаб-нетиб қолсанг, ўзинг-ку майли-я, бизни ҳам бирор балиқ-малиқча ем қилиб юборасан». Абулҳасан дир-дир титраб атрофга, кема ортидаги қоп-қора, ваҳимали сувга кўрқа-писа тикиларди. Ҳаммаёқ жимжит эди. Абулҳасанинг уйқу боса бошлади. Бирдан узоқдан денгизнинг ичкарисидан «мў-ў-ў!» деган овоз эшитилди. Бу овоз худди ҳўкизининг бўкиришига ўхшарди. Абулҳасан ёшлигига қишлоқда мол боқиб юрганда унинг ола ҳўкизи шундай мўъларди. «Ҳўкиз... ола ҳўкиз мўълаяпти-я... бу ерга қандай келиб қолди экан...» — деб ўйлади Кўрқоқ кемачи, кейин ўзини юпатди: «Юрса юргандир-да ўтлаб...» Бирдан у чўчиб тушди: «И-е, ахир денгизда ҳўкиз нима қиласди?» У атрофга синчилаб қулоқ сола бошлади. Бирдан яна: «Мў-ў-ў!» деган овоз эшитилди. Бу сафар товуш анча яқинроқдан келди. Кўрқоқ кемачи чидаб туролмади. «Вой-дод! Ёрдам беринглар!» — деб ваҳима билан бақириб юборди у. Кемадагилар уйғониб саҳнига югуриб чиқишиди. Кўрқоқ кемачи додлаганича денгизга ишора қилиб: «Ҳўкиз, ҳўкиз!..» деб бидирларди. Кемадагилар тушунмасдан ҳанг-манг бўлиб туришарди. «Қанақа ҳўкиз? — деди унга жаҳл билан Кўрқмас кемачи, — нима бало, ёмон туш кўрдингми? Денгизда ҳўкиз нима кильсин?» Шу пайт пастдан — яқингинадан алланарсанинг балянд овоз билан бўкиргани эшитилди. Ҳақиқатдан ҳам ҳўкизни кимнига ўхшаган бу овоздан ҳамманинг дилига кўркув тушди. Кўрқоқ кемачи кема қирғоғидан пастга қарадио: «Ана, ҳўкиз! Ҳўкиз балиқ!» — деб қичқириб юборди. Юраги

дөв берганлар у күрсатган томонга қараб сувдан чиқпіб турған узун түмшүқ ва иккита шохни күришди. У худди ҳұқизга ўхшаган шохли баһайбат балиқ әди. Синdbод умри бино бўлиб бунақа бадбашара, қўрқинчли махлукни биринчи кўриши әди. Кемадагилар нафасларини ичлариға ютганча энди нима бўларкин, ҳўқиз балиқ нима қиларкин, деб кутиб туришарди. Ҳўқиз балиқ кеманинг атрофида бир мунча вақт айланиб юрди, кейин секин-аста унга яқин кела бошлади. Мана, унинг шохи кеманинг ёнгинасида пайдо бўлди ва қаттиқ дукуллаган товуш әшитилди. Кема бир томонга ағанаб кетишига сал қолди. Йўловчилар қий-чув кўтаришди. Бундан чўчидими — ҳўқиз кўринмай кетди. Аммо кўп ўтмасдан у шеригини бошлаб келди. Энди улар икковлашиб ҳужумга ўтишди. Гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан «тарақ-туруқ» деган овоз әшитилар, кема гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга қийшаарди. Шу пайт кема дарғаси жаҳл билан ҳўқиз балиқка қараб бир тошни отди, бундан жаҳли чиққан балиқлар баттарроқ ҳужумга ўтишди. Улар бурилиб келиб қўйруқ томондан сузишди, пастда нимадир тарақлаб кетди, кемабурғич тўсин синиб кетган әди. Энди кема бутунлай бошқарилмайдиган бўлиб қолди. Фалокатлар денгизи ўз қилиқларини кўрсата бошланган әди. Кемадагилар нима қилишларини билмасдан ҳайрон әдилар. Қўрқоқ кемачи ниҳоятда қўрқанлигидан тилдан қолган, Синdbод билан Қўрқмас кемачи ҳам хийла ташвишда әдилар. Факат Абубаттолгина хотиржам әди. Қўрқмас кемачига у гўё бу фалокатдан хурсанд бўлаетгандай кўринди. Иккала ҳўқиз балиқнинг шўхлиги тобора авж олар, улар кемани худди коптоқдек ўёқдан-бўёққа стиб ўйнашарди.

«Наҳотки бундан нажот топилмаса?» — дейиши кемадагилар. Шу орада тонг ҳам оқариб кела бошлади. Атрофии зийраклик билан кузатиб келаётган Қўрқмас кемачи узоқ уфқда кўзга элас кўринган қора нуқтани илғаб қолди. «Огайнilar, ер! — деди у. — Мен ерни кўряпман!» Ҳамма енгил нафас олди, улар қуруклика етиб олишса Фалокатлар денгизининг машмашаларидан қутулишларига ишонишарди.

Аммо ер кўринган билан унга етиб олиш осон эмас әди. Иккала ҳўқиз балиқ бири қўйиб, бири кемани сузар, уларнинг зарбидан кеманинг деворлари титраб сингудек бўлар, хайрият ҳамки сув тинч учун кема ўёқдан бўёққа бориб келарди. «Ишқилиб, балиқлар кемани денгиз ичкарисига итариб кетишмасин-да!» — деб ташвиш қилди Қўрқмас кемачи ва бунинг учун бир хийла ишлатишга қарор берди. У кеманинг орқа томонига арқонга бир бўлак гўшт боғлаб ташлаб қўйди. Унинг исини билиб, ейиш учун келган балиқлар кеманинг кетидан туртиб олдинга — қирғоқ томонга сурис боришарди. Бурилиш тўсини бузилган, устунлари синиб кетган, балиқларнинг тинмай туртишидан пачоқ бўләёзган кема аста-секин қирғоқ томонга силжиб борарди. Мана,

ниҳоят қирғоқ ҳам күзга аниқроқ күрина бошлади: у тик қояли, баланд тошлардан иборат эди. Ҳўқиз балиқлар кемани тўппа-тўғри қирғоққа қараб суріб боришарди. Иш шу тахлитда кетаверса кема тошларга урилиб, парча-парча бўлиши турган гап эди. Бунинг олдини олиш учун нимадир қилиш керак эди. Қўрқмас кемачи балиқларни бир оз адостириш учун гўшт боғланган арқонни тортиб олди, энди балиқлар кемани бир оз тинч қўйишса керак, деб ўйлашганди. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди, ҳўқиз балиқлар емишни йўқотгандан ғазабланиб кемани аввалгидан ҳам қаттиқроқ тутиша бошлашди. Натижада кема бор бўйи билан қояга бориб урилди.

Қаттиқ қарсиллаган овоз эшитилди ва йўловчилардан ким тоққа қараб учиб кетди, ким сувга йиқилди. Синдбод даҳшатли зарбадан денгизга қулади, лекин совуқ сувда ўзини ўнглаб олиб, қирғоққа қараб суза бошлади. Аммо қирғоқка етай деганда тўлқинлар шартта орқага оқизиб кетди, Синдбод яна жон-жаҳди билан қирғоққа талпинди. Энди етай деганда орқадан келган кучли тўлқин уни олиб бориб тошга урди. Синдбоднинг кўз олди қоронгулашиб, сув остига чўкаётганда кимнингдир кучли кўли уни кўтариб қолди. Кўзини очганда аллаким уни қирғоққа судраб чиқармоқда эди. Синдбод ўз халоскорининг юзига тикилиб қаради. «Қалайсиз, хожам, бу — менман, Абулборийман», — деди қутқараётган одам. Синдбод ўзини ўлимдан қутқарган Қўрқмас кемачига чин дилдан миннатдорчиллик билдири. Бир оз ўтгач Синдбод анчагина ўзига келди. Пастда, денгизда кеманинг қолдиқлари сузиб юрар, икковларидан бошқа тирик жон кўринмасди. «Наҳотки, ҳеч ким тирик қолмаган бўлса?» — деб ўйлашди улар. «Анув қўрқоқ Абулхасан ҳам чўкиб кетдимикин, а?» — деб ўз шеригига ачинди Қўрқмас кемачи. Бирдан сув юзида дўппайиб сузиб юрган қоп-қора нарсага кўзлари тушди. «Анув кир тогорами, нима ўзи?» — деб қолди Қўрқмас кемачи ва бирдан: «И-е, бу бақалогимиз-ку!» — деб қичқирди ва ўзини сувга отди. У тезлик билан сузиб, сув ютганидан янайам оғирлашиб кетган Қўрқмас кемачини аранг судраб чиқди. Кейин унинг бошини пастга, оёғини баландга қилиб силқиб, ютган сувларидан халос қилди, ниҳоят Абулҳасанга жон кириб, кўзларини очди. Ҳушига келган Қўрқоқ кемачи кўзига ёш олиб ўз халоскорига миннатдорчиллик билдира кетди: «Мени яна ажал қучогидан тортиб олдинглар, энди ўла-улгунимча сизларнинг хизматингизда бўламан», — деди у.

Шу пайт кема тарафдан кимнингдир: «Войдод, қутқинглар! Ким бор, ёрдамга!» — деган товуши эшитилди. Аммо кемагача сузиб бориш осон эмас, бунинг устига унинг атроғида ҳўқиз балиқлар ҳамон иргиб юришарди. «Таваккал, бормасам бўлмайди», — деди Қўрқмас кемачи. У шундай деб ўзини денгизга отди. Балиқларнинг кўзини шамгалат қилиб

кемага етиб олди ва кеманинг ёғочларига қисиilib колган одамни олиб чиқди. Қараса у Абубаттол экан. «Оббо, — деди Қўрқмас кемачи ўзича. — Ёмонга яхшилик қилма, деган гап бор. Лекин бу ҳам инсон, қутқариш керак...» У шундай дедиу Абубаттолни елкасига кўтарганча қирғоққа қараб сузди. Кемадан энди узоқлашган эди ҳамки, ҳўқиз балиқлардан бири уларни қува кетди. Буни кўриб турган Синбод билан Қўрқоқ кемачи дўстларига ёрдамга шошилдилар. Улар балиқни чўчитиш учун бор овозлари билан бақиришар, қўлларига тош олиб балиққа қараб отишарди. Синбод отган каттагина тош балиқнинг пешонасига тегдию балиқ гангираб сузувларни таъқиб қилишдан тўхтади. Қўрқоқ кемачи отган тош эса бориб даранглаб Абубаттолга тегди. Тошнинг зэрбидан ҳушига келган Абубаттол бор овози билан сўкинишга тушди: «Ха, ярамаслар! — деди у қирғоқдагиларга мушт дўлайтириб. — Ўзим ўлай деб турибману, яна мени тошбўрон қиласанлар! Ҳали қирғоққа чиқиб олай, кўрсатиб қўяман сенларга!» Бу сўзлардан Қўрқмас кемачининг жаҳли чиқди: «И-е, яхшиликка ёмонлик экан-да? — деди у. — Ахир, улар тошни сен билан мени қутқариш учун отишиди-ку? Улар кўмак беришмаса иккаламиз ҳам ҳўқиз балиқларга ем бўлиб кетардик». «Йўқ, улар менга атайлаб тош отишаётни, чўкиб кетсин дейишаётни», — деб гудиллади Абубаттол. Қўрқмас кемачи кутгани ёмонлик бўлган бу одамга «садқайи гап» дедиу индамади. Лекин уни минг азоблар билан қирғоққа олиб чиқди, шериклари келиб кўмаклашиши, унга ёрдам кўрсатиши, ҳатто тош тегиб қонаган пешонасини боғлаб қўйишиди. Абубаттол эса миннатдорчилик билдириш ўёқда турсин, ўз халоскорларига еб қўйгудек бўлиб хўмраярди. Қўрқоқ кемачи эса билмасдан тош тегиб кетгани учун уждан ҳатто кечирим сўради.

Куруқликка сог-омон чиқиб олишган сайёхлар нима килишларини билмасдан туришарди. Шу пайт бир оз ўзига келиб олган Абубаттол бирдан иккала бармоғини оғзига тикқанича қаттиқ ҳуштак чалди. Зум ўтмай узоқда қора булут кўринди. У Синбодлар томонга тезлик билан яқинлашиб келарди. Бир вақт қарашса бу — қора булут әмас, кўршапалаклар галаси экан. Улар ёпирилиб келиб сайёхларни ўраб олишиди. Абубаттол уларга ўз тилларида бир нима деди. Улар чинқирғанларича Синбод, Қўрқмас ва Қўрқоқ кемачиларга ташланишиди. Тумшуқлари узун, худди итникига ўхшаган, кўзлари хунук бу махлуқлар уларнинг юзлари-кўзлари демай урилар, тишлишарди. Айниқса Қўрқоқ кемачининг ҳаммаёгини моматалоқ қилиб юборишиди. Шунда Қўрқмас кемачи Абубаттолга қараб: «Эй, Абубаттол, биздан нима истайсан? Биз сенга нима ёмонлик қилдик? Ол, бу бадбашара махтуқларингни!» — деди. Шу сўзларни айтиши билан кўршапалаклар Қўрқмас кемачига ташланишиди. Гўё улар одам тилини

тушунар әдилар. Бундан сүнг Абубаттол күршапалакларга нимадир деди-ю, хунуккүз махлуқлар бир оз тинчиб қолишиди.

Бу ерда тураверишдан фойда йүқ, бирон-бир емиш ва ичимлик сув топиш учун ҳаракат қилиш керак эди. Сайёхлар бунинг учун оролнинг ичкарисига юришга қарор қилишиди. Аммо улар энди ҳаракатга келган әдилар ҳамки, күршапалаклар Абубаттолнинг ишораси билан яна ҳаракатга келишиди ва сайёхларга даҳл қила бошлишди. Лекин бу сафар күршапалакларнинг қилиқлари ғалати эди. Улар одамларни «мана бу томонга юр», дегандек бир тарафга қараб туртишар, улар бошқа томонга қараб бурилишса йўлларини тўсишарди. Қўрқоқ кемачи улардан қочиб, дengиз тарафга қараб юргурган эди, бир тўп күршапалак уни талаб, яна ҳаммаёгини моматалоқ қилиб ташлади. У додлаганича шерикларига келиб қўшилди. Кўршапалаклар чийиллашганича сайёхларни туртиб оролнинг ичкарисига ҳайдаб боришарди. «Хожам, қаёққа кетяпмиз? — деб қўрқа-писа сўради Қўрқоқ кемачи. — Бу лаънати кўршапалаклар бизни қайси гўрга олиб боришаркин?» Шу пайт кўршапалаклар яна Қўрқоқ кемачига қараб ташланишиди, у бечора: «Вой ўлдим, товба қилдим!» — деб қутулди. Кўршапалакларнинг одам тилини тушунишларига шак-шубҳа йўқ эди. Шунинг учун Қўркмас кемачи Абубаттолга қараб: «Эй, Абубаттол, бу ошиоларинг бизни қаерга олиб боришаپти?» — деб сўради. «Боргандада биласан!», — деб хўмрайиб жавоб қилди Абубаттол.

Узоқдан аллақандай бир шаҳарнинг баланд, ўткир учли миноралари, қатор иморатлари кўзга ташланди. Кўршапалаклар сайёхларни ўша томонга қараб ҳайдаб боришарди. Савлатли бу шаҳар негадир кўзга совуқ, хосиятсиз кўринарди. «Эй Абубаттол, — деди Қўркмас кемачи. — Бу қандай шаҳар, қандай мамлакат?» «Боргандада кўрасан!» — деб хўмрайиб жавоб қилди у.

Кўп ўтмасдан улар шаҳарга якинлашдилар. Шаҳар баланд девор билан ўралган, муҳташам дарвозалари тақа-тақ берк эди. Кўршапалаклар бориб чийиллаб дарвозаларга урилдилар. Ичкаридан қоровулнинг: «Кимсанлар?» деган овози эшишилди. Абубаттол «Гапиринглар», дегандай сайёхларга ишора қилди. «Бизлар сайёхлармиз, кемамиз ҳалокатта учради», — деди Синдбод. «Сенлар қаерга келиб қолганларингни биласанларми?» — деб дағдаға билан сўрашди ичкаридан. «Йўқ, билмаймиз», — дейишиди сайёхлар. «Билмасанглар биллиб олинглар, сизлар дунёдаги тенги йўқ Олавернафас мамлакатидасизлар! Дунёда биздан озод, бундан фаровон мамлакат йўқ! Бу ерда бемалол нафас олишинглар мумкин. Мамлакатимиз подшоси, улуг ва жаҳонда яккаю ягона Махлуқлар махлуқига таъзим қилинглар!» — деган буйруқ бўлди ичкаридан. Қўрқоқ кемачи кўзга кўринмаган махлуққа шоша-

пиша таъзим қилди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи ҳайрон бўлиб жим тураверишди. Шу пайт дарвоза очилдию сайдоҳлар ичкарига киришди. Қўрқоқ кемачини аллақандай одамлар дабдаба билан кутиб олиб, иззат-ҳурмат билан қаёқкадир олиб кетишиди. Синдбод билан Қўрқмас кемачини эса қилич-қалқон кўтарган соқчилар ўраб олиб ҳайдаб кетишиди. Қўршапалаклар ҳамон уларнинг атрофида изгиб юришарди. Абу-баттол эса ўша кўршапалакларга қўшилиб кетдими, ишқилиб кўздан ғойиб бўлди.

Қуролли соқчилар Синдбод билан Қўрқмас кемачини шаҳарнинг кўча ва майдонлари бўйлаб ҳайдаб олиб ўтишиди. Қаердандир кўзга кўринмас товуш баланд овоз билан тинмасдан «Махлуқлар махлуғи» шаънига ҳамду сано ёғдирбо турарди. Бу овоз осмондан келяптими, ердан чиқяптими — билиб бўлмасди. Энг муҳими кўча-кўйларда учраган одамлар ҳам бу товушга қўшилиб гоҳ-гоҳ: «Яшасин! Офарин!» деб қичкириб қўйишар, қолган пайтларда эса лом-мим дейишишмасди. Сайдоҳлар бу сирлі шаҳар ва унинг одамлари билан қизиқиб таниша бордилар. Бу мамлакатнинг одамлари жуда ғалати — ҳаммаси бир хилда кийинган, негадир пешонасидан соқол қўйған эдилар. Улар гоҳ-гоҳ мақтov сўзларни айтишдан ташқари худди гунг-соқовлардек индашмас, айтган гапларини ҳам тушуниб бўлмас эди. Бу оч ва юпун одамларнинг нима билан тирикчилик килишлари, нима еб, нима ичишларини билиб бўлмасди. Қўчалар ҳувиллаган, зозор ва дўконлар бўм-бўш, шаҳар хароба эди. Аммо сайдоҳлар қаёққа қарашмасин махлуқ бўлиб махлуқ эмас, одам бўлиб одам эмас бир бадбашара қиёфа намоён эди. Тор пешоналия, хунук кўзли бу махлуқ шаҳарнинг баланд ва вахимали минораларидан, уйларнинг деворларидан кишиларга бақрайиб қараб турарди. «Хожам, бу мамлакатнинг махлуқ подшоси шу бўлса керак? — деб сўради Қўрқмас кемачи Синдбоддан атрофидаги кўршапалакларнинг кўзини шамғалат қилиб. — Бу башарадан асло яхшилик чиқмайди». «Бошга тушганини кўз кўради, Абулборий, — деди Синдбод. — Қани, бунисини ҳам кўрайлик-чи!»

Уларни шаҳарнинг катта майдонидан олиб ўтишиди. Бу ерда Махлуқнинг ниҳоятда катта ҳайкали ўрнатилган эди. Ҳайкал шу қадар баланд эдики, унга қараган одамнинг бош кийими тушиб кетарди. Ҳайкалнинг энг тепасига — тўрт томонга махлуқнинг кўзлари ўйиб битилган бўлиб, шаҳардаги одамлар қаерда бўлмасин, бу кўзлар уни кузатиб турар, уларнинг таъқибидан қочиб қутулиб бўлмас эди. Мамлакатда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро бу ҳайкални кўрганда унга таъзим қилиши ва «Яшасин Махлуқлар махлуғи! Офаринлар бўлсин!» — деб мадҳу сано ўқиши шарт экан. Кимки бундай қилмаса ёки бошқача сўзларни айтса ҳамма жойда изгиб юрувчи кўршапалаклар ундейларни дарҳол юқорига,

Махлуқнинг амалдорларига етказар, ундаи одам бир кечадаёқ гойиб бўлиб қолар, унинг қаёқка кетганини, нима бўлганини жеч ким билмас эди. Шунинг учун бу юртнинг одамлари оғзиларидан бошқача сўзлар чиқиб кетмаслиги учун лабларини махсус мослама билан қулфлаб юришар, бир-бирлари билан фақат имо-ишора орқали гаплашишарди. Шунинг учун Синдбод ҳам, Қўрқмас кемачи ҳам бирорта бу ерлик одам билан сўзлашиб, тузукроқ маълумот олишолмади.

Сайёхлар яна шуни сезишиди, бу ернинг одамлари ҳатто қўрқа-писа нафас олишаркан. «Ахир, мамлакатингларнинг номи Олавернафас, деб аталаркан, нега сизлар бемалол нафас олавермайсизлар?» — деб сўради Қўрқмас кемачи шу ердан кўрганлари — бир одамдан. Ҳалиги одам уёқ-буёққа ола-зарак бўлди-ю, секин унга: «Йўқ, аслида мамлакатимизнинг исмини Олавернафас эмас, Олманафас деса тўғрироқ бўла-ди... Сизлар ҳам эҳтиётроқ бўлиб нафас олинглар, мусофирига ўхшайсизлар, кейин аттанг деб қолманглар...» дедиую ўзини панага олди. Сайёхлар бу сўзларнинг маъносини афсуски, кейинроқ тушуниб етишли.

Мана, Олавернафас мамлакатининг бош шаҳри — Махлуқобод ҳам ортда қолди. Қуролли соқчилар Синдбод билан Қўрқмас кемачини ҳайдаб бориб шаҳардан узоқдаги ғорга қамаб қўйишиди. Ғор жуда катта, унинг биттагина оғзи бор экан, унга тушган одам қайтиб чиқмас экан. Шунинг учун ҳам бу горнинг номини Тушса чиқмас ғори деб аташаркан. Горнинг ичи жуда кенг, унда лак-лак одам чумолидай ғимирлагани ғимирлаган экан. Буларнинг бари бадбашара махлукка ёқмаган, унга ҳамду сано ўқимаган, таъзим килмаганликлари учун зинданга ташланган одамлар экан. Ғорга «йилт» этган офтоб нури тушмас, кечаси билан кундузининг фарқи йўқ — зим-зиё қоронғу экан. Шу бечоралар сингари бегуноҳдай бегуноҳ ғорга ташланган Синдбод билан Қўрқмас кемачи дастлабки кунларда жуда қийналишиди, «бизнинг айбимиз йўқ, биз оддий, ўз йўлида бораётган сайёхлармиз, бизни қўйиб юборинглар», деб ғор оғзидаги қилич-қалқонли, найза ушлатан соқчиларга бақиришиди, лекин уларнинг сўзларига жеч ким қулоқ солмади. Ғордаги одамлар: «Бекорга овора бўласизлар, ҳамма ҳаракатингиз бефойда», дегандек бош чайкашарди. Шуни айтиш керакки, одамлар горда ҳам бир-бирлари билан бемалол гаплаша олмас эдилар, чунки қоронғуликда кўзга кўринмасдан учиб юрган кўршалаклар уларнинг оғзидан чиққанини илиб юқорига етказишар, шундан кейин ҳалиги одам гордан ҳам гойиб бўларди.

Тушса чиқмас ғорида улар бадбашара Махлуқ тўғрисида анча нарсаларий билиб олишиди. Ғор маҳбуслари уларга имо-ишоралар билан кўп гапларни ҳикоя қилишиди. Бадбашара махлуқ ўзини Махлуқлар махлуғи деб аташларини хоҳлар экан, кимки уни шундай деб улуғламаса ҳолига вой экан.

Бадбашара махлуқ жудаям маккор экан, у турли қиёфаларга кира оларкан; одамлар олдиде беозор мусича қиёфасида күринаркан, гоҳ заҳарли илон бўлиб оларкан, гоҳ эса чангандор бургут қиёфасига эга бўларкан. Унинг асл қиёфасини ҳали ҳеч ким кўрмаган экан. У зўр, донюрак бургут қиёфасида юриб, мамлакатнинг олдинги подшоси — Оқил подшонинг саройига учиб кирган, унга ёқиб қолган экан. Оқил подшо уни ўзи билан олиб юаркан, кўп меҳрибонликлар кўрсатаркан. Аммо маккор махлуқ бир куни Оқил подшога човут солиб, қўзларини ўйиб, қонига бўялти ва уни ўлдириб, ўрнига ўзи подшо бўлиб олибди. Шундан бери фуқарога кун бермас экан. Олдин Оқилобод бўлган бу шаҳарни махлуқобод деб ўза номига қўйдириб олибди. Энди Махлуқнинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолибди. Бирор одам сал бошқачароқ қараса — тамом, ўша куни ёк жонидан умидини узиши керак экан. Махлуқ бундайларни ё бошини олар, ё зинданда чиритар экан.

Горда бундан ҳам баттар, қўрқинчли гапларни эшитишли: Махлуқ вақти-вақти билан инсон қонини ичаркан. Энг даҳшатлиси шу эканки, у бирор кишини қонни ичишдан олдин ўз қурбонининг йўқ айбини бўйнига олишга ва ўзига мадҳу сано ўқишга мажбур қиласкан. Махлуқлар махлуқининг рангиде қони йўқ бир вазири бўлиб, махлуқ учун қурбонларни ўзи танлаб бераркан, кейин ўзи ҳам қўшилиб ичаркан. Айтишларича, бу вазир аслида ўлик — мурда экан, аммо ана шу гоҳ-гоҳ ичадиган одам қонининг кучи билан юаркан. Махлуқнинг жаллодлари ҳеч кимни сўраб-суриштирмасдан айби борми-йўқми — ўлдиришавераркан.

Бир-биридан даҳшатлироқ кунлар ўтаверди. Улар кун ҳисобидан адашиб кетишиди, гўё умрбод шу ерда, зах, ифлос зинданда ётгандай, ҳеч қачон озод юриб, денгизларда саёҳат қилишмагандай эдилар. Лекин умид ўрга бошлайди, умидсизлик — гўрга, дейдилар. Шунинг учун ҳам улар, «бу зиндандан охири бир кун қутулармиз», деган умид билан яшашди.

Махлуқлар махлуғининг мурда вазири тез-тез горга келиб, ўз ҳукмдори учун қурбон танлаб кетарди. Мана, ниҳоят навбат Синబод билан Қўрқмас кемачига ҳам етиб келди. Қуролли соқчилар уларни Махлуқлар махлуғининг саройига олиб келишиди. Ҳеч ким бу саройнинг қанақалигини айтиб беролмас, чунки бу ерга кирган одам қайтиб чиқмас эди. Сайёҳлар «бир бошга бир ўлим», деб дадиллик билан бу муҳташам, аммо совуқ қасрга кириб бордилар.

Синబод ва Қўрқмас кемачи Махлуқлар махлуғини ўз қурбонининг қонини ичишдан олдин йўқ жиноятларга икror бўлишга ва ўз шаънига мадҳу санолар айтишга мажбур этишини зиндандаги маҳбуслардан эшитган эди. Бегуноҳ маҳбуслар: «Мени кечиришар, эҳтимол тирик қоларман», деган

умидда жаллодлар айтган, аслида бўлмаган айбу «гуноҳ»-ларини бўйинларига олишиб, тавба қилишар, махлуқнинг шаънига узундан-узоқ мақтовлар айтишар эди. Лекин улар барибир ҳалок бўлишарди. Шунинг учун Синдбод билан Қўрқмас кемачи бошларига қилич келганда ҳам ростини айтишга қарор бердилар.

Уларни мурда вазир сўроққа тутди. «Сенлар кимсанлар?» — деб сўради у такаббурлик билан. «Бизлар сайёхлармиз», — деб жавоб беришди улар. «Йўқ, сенлар сайёҳ эмас, ашаддий жиноятчисанлар», — деди мурда вазир. «Кечирасиа, биз ҳеч қандай жиноятга қўл урганимиз йўқ, кемамиз ҳалокатга учрагани туфайли бу мамлакатга келиб қолдик», — деди Синдбод. «Йўқ, сен айғоқчилик мақсадида бу мамлакатга кёлгансан, кейин улуғ махлуғимизни ўлдирмоқчи бўлтансан, — деди мурда вазир. — Яхшиликча бўйнингга ол, тавба қилиб, улуғ махлуғимизга бўйин эг, шунда озодликка чиқсан». «Биз ёлғон гапира олмаймиз», — деди Синдбод. Бунга жавобан вазир жаллодларга қараб: «Уринглар уларни, то жиноятларини бўйинларига олмагунларича ураверинглар», — деб буюрди. Икки жаллод Синдбод ва Қўрқмас кемачини савалаб кетишли. Синдбод онадан туғилиб бирордан калтак емаган эди, ҳар қандай ёмоннинг жавобини бера оларди. Аммо бу ерда — қўл-оёғи боғлиқ ҳолда нима ҳам кила оларди? Жаллодлар уни аямасдан, жон-жаҳулари билан савалашди. Аммо Синдбод ҳам, Қўрқмас кемачи ҳам гиқ этмасдан, тищларини тишларига босиб чидашли, душманлардан раҳм-шафқат сўрашмади. Олдин уларни биргаликда калтаклашиди, кейин коронгу хоналарда алоҳида-алоҳида қийнашди. Синдбод ҳеч нарсани бўйнига олмагач, мурда вазир: «Икрор бўлавер, шеригинг ҳамма нарсани айтиб берди», — деди. Шунда Синдбод: «Шеригим нима деганидан хабарим йўқ, келиб ўзимга айтсан», — деди. Шундан сўнг уларни юзлаштиришли. Аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетган Қўрқмас кемачи унга қараб: «Хожам, булар ёлғон айтишяпти, мен ҳеч нарса деганим йўқ», — деб қичқирди. Шунда Синдбод: «Азизим Абулборий, мен сенга ишонаман, лекин бу жаллодларга бас келиш қийинга ўхшайди, эди ҳийла ишлатамиз», — деб шипшиди. Қўрқмас кемачи ҳам рози бўлди. Шунда Синдбод вазирга қараб: «Майли, агарда бирорта одам бизнинг жиноятларимизга гувоҳлик берса, биз бўйнимизга оламиз», — деди. «Шундай гувоҳ бор! — деди мурда вазир ва куролли соқчиларга ишора қилди: — Гувоҳни келтиринглар!» Шу пайт оstonада Қўрқоқ кемачи кўринди. «Хўш, — деди унга мурда вазир, — қани, шерикларингнинг бу ерга айғоқчилик ва улуғ махлуғимизнинг жонига қасд қилиш учун келганликларини бирма-бир айтиб бер-чи». Қўрқоқ кемачи дағ-дағ титрарди. «Биз... биз...» — деди у тутилиб, сўнг ўзини Синдбодга отди. «Хожам, ишонманг буларга, — деди у

хұнграб йиглаб. — Мен сиалар қақингизда ҳеч бир ёмон гап айтганим йўқ! Сизлардан ажралып қолганим учун ўзимни кечиролмайман». «Хали шунақами?!

— деб унга зақрини сочди мурда вазир. — Сен ҳам буларнинг шериги экансандай Олинглар буни ҳам! Яхшилаб калтакланглар!»

Жаллодлар Қўрқоқ кемачига ташланиб, уни ҳам жонжаҳдлари билан калтаклай бошладилар. Синдбод ва Қўрқмас кемачи ҳар қандай калтакка чидаш беришганди. Қўрқоқ кемачи эса унга чидай олмай зўр бериб дод сола бошлади. Синдбод бу ҳолга чек қўйгиси келдию вазирга қараб: «Агарда тагин бирорта гувоҳ бўлганда биз айбимизни бўйнимизга олардик», — деди. «Гувоҳ бор!

— деб бўкирди юзида қони йўқ вазир. — Ануви Абубаттолни чақиринглар!» — деб буйруқ берди у ўз шотирларига. Кўп ўтмай бу ерда Абубаттол ҳозир бўлди. «Ҳўш, сен мана буларнинг қилган ёвуз жиноятларини биласанми?» — деб унга қараб бўкирди мурда вазир. «Албатта биламан, — деди Абубаттол кўзлари ёниб. — Булар дунёдаги энг ашадий жиноятчиларнинг ўзгинаси бўлади». «Қандай жиноятлар қилишган, айтиб бер!» — деб буйруқ қилди вазир. «Булар, аввало кўпчилик тушган кема чўкиб кетсин деб кечаси яширинча иккита ҳўқиз балиқни ёллаб кемани қирғоқдаги қоя тошларга олиб келиб уришди, — деди у бакрайиб туриб. — Иккинчидан, улар мени ҳам ўлдирмоқчи бўлишди, кема ҳалокати пайтида менинг бошимга тош билан уришди». «Булар улуғ махлугимиз турган жойдаги ҳавони симириб қўйиб, уни ҳавосиз, бўғилиб ўлишини исташган». «Ҳўш, энди нима дейсанлар? — деб сайёҳларга газабини сочди вазир. — Энди ифлос қилмишларингни бўйинларингга оласанларми?» «Энди бўйнимизга олишимиз мумкин, — деди Синдбод. — Лекин битта шартимиз бор». «Қанақа шарт?!» — деб бўкирди вазир. «Шартимиз шуки, — деди Синдбод, — биз бу юртнинг ҳукмдори Махлуқлар махлути олдида ўз айбимизга иқрор бўлиб, ундан кечирим сўрасак...» «Майли, бу шартларингизни бажарамиз», — деди мурда вазир ва хонанинг бир томонига тўсилган пардага ишора қилди. Парда кўтарилди, унинг ортидан одам бўлиб — одам эмас, дев бўлиб — дев эмас бир бадбашара махлуқ кўринди. У ўз қурбонларининг қаҷон айбларига иқрор бўлиб, ўз шаънига мадҳу сано ўқишлиарини ва шундан кейин уларнинг бўғизларига ўзининг ваҳший сўйлоқ тишларини ботириб, қонларини тўйиб ичишни сабрсизлик билан кутиб турарди. Мурда вазир ҳам ундан қолган қонни ичиб нафсини қондиришига шошиларди. «Қани, улуғ махлугимизга таъзим қилиб, мадҳу сано ўқимайсанларми?!» — деб бўкирди у. Синдбод қараса, энди ўлиши тайин, бошқа чора йўқ. Дўстлари билан қучоқлашиб хайрлаши. Махлуқлар чангалидан чиқиб кетолмагани, ёш умри ҳазон бўлаётгани учун афусланди. Лекин ўлими олдидан Махлуқлар махлугини ҳакорат қилиб, мардона жон

беришни истади-ю, шундай деб юборди: «Лаънат сенларга, ёвузлар!»

Шу заҳоти осмон гумбурлаб, чақмоқ чақди, ҳаммаёқ ос-тин-устин бўлиб кетди. Махлуқлар махлуғи хунук бир овоз чиқарди-ю, «лов» этиб ёниб, бир сиқим кулга айланди, мурда вазир ва бошқа жами жаллодлар кўздан гойиб бўлди. Махлуқлар махлуғининг муҳташам саройи баланд бир култепага айланди-қолди. Шу тўполонда Абубаттонинг шоша-пиша кўршапалакка айланиб учиб кетганини аранг илғаб қолиши. «Хожам, хожам!» — деб Синдбодга ташланишиди иккала кемачи. Улар шунчалик даҳшатли душмандан омон қолганиклариға ишонмас эдилар.

Уларни шод-хуррам оломон ўраб олди. Энди одамлар ҳа-қиқатан ҳам бемалол нафас олишар, бир-бирлари билан чў-чимасдан, одамларча гаплашишар, курсандчиликдан ўзларни қаерга қўйишиларини билишмасди. «Хайрият-е!» «Шундай кун ҳам келаркан-у!» деб қичқиришарди. Халойиқ ичидан бир мўйсафид чиқиб Синдбодга таъзим билан мурожаат қилди:

«Сен бизнинг халоскоримизсан. Бу лаънати Махлуқлар махлуғи бизнинг Оқилобод аталмиш юртимизни эгаллаб олиб нафас олиб бўлмайдиган Махлуқбодга айлантириди. Одамларни сеҳрлаб, оғзиларини қулфлаб ташлади. Кимки унга таъзим қилмаса, мадҳу сано ўқимаса зинданга солди, қонини ичди. Мурда вазир, жаллодлару, айғоқчи кўршапалаклардан бизга кун йўқ. Мана, кейин билсак, бу бадбашара махлуқнинг сеҳрини йўқ қилиш учун унинг кўзига тик қараб, қўрқмасдан юзига лаънат тошини отиш керак экан. Афсуски, шу кунгача бу сирни ҳеч ким билмади, шу боисдан қанчадан-қанча бегуноҳлар қурбон бўлиб кетишиди. Буни сен бажардинг, раҳмат сенга! Энди ўзинг юртимизда қол, подшомиз бўл!» — деди.

Синдбод мўйсафиднинг бу сўзлари учун миннатдорчилик билдириди ва: «Раҳмат, отахон, аммо мен юртимга кетишим керак, — деди. — Агар хоҳласаларинг мана бу Қўрқмас кемачи — Абулборийни ўзларингизга подшо қилиб ола қолинглар», — деди. Абулборий шериллари билан кетгиси келса ҳам мамлакатда тамомила адолат ўрнатиш мақсадида бу ерда подшо бўлиб қолди. Синдбод эса ёнига Қўрқоқ кемачини олиб йўлга тушди. Оқилободликлар сайёҳларни денгиз бўйигача олиб боришиб, мустаҳкам бир кемага ўтқазишиб, совғасаломлар билан кузатиб қўйишиди.

Синдбод ўз юртига етиб келгач, дўсти билан хайрлашиб, ўз хонадонига йўл олди. У энди ҳеч қаҷон ҳеч қарадай саёҳатга чиқмайман, уйимда тинчгина, осойишта ҳаёт кечираман, деб аҳд қилди. Аммо у бу сўзининг устидан чиқа олармикин, саёҳат қилмасдан тура олармикин?



Учинчи саёҳат

Шундай қилиб, Синбод уйига қайтгач, энди тинчгина умр кечираман, ҳеч қачон саёҳатга чиқмайман, ҳеч қаерга бормайман, деб ўзига сўз берди. Лекин бу сўзининг устидан чиқа олармиди? Унинг сайру саёҳатларга, турли саргузаштларга ўргангани кўнгли тинч тура олармиди? Узоқ-узоқларга парвоз қиласидиган қайси бир қуш қафасда тинч ўтира олади? Ахир, саёҳат — дилга роҳат, деб бекорга айтишмаган-ку?

Турган гапки, кўп ўтмай Синбод яна уйида зерикиб қолди. Унинг яна саёҳатга чиққиси келди. Қўлидаги мол-мулжаларни бозорга олиб чиқиб сотиб, яна денгиз саёҳатига тараддуд кўра бошлиди. Ниҳоят, қатъий қарорга келдию сафарга отланди. Жўнаб кетиш олдидан ўзининг эски кадрдони Қўрқоқ кемачини учратиб, унга ўз ниятини айтган эди, нима бўлса бўлар, мениям ола кет деб ёпишиб олди. Улар узоқ Сқиллобод мамлакатида подшо бўлиб қолган Қўрқмас кемачини кўп эслашди.

Кўп ўтмай Синбодларнинг кемаси лангарни кўтариб очиқ денгизга чиқди. Енгил шаббода эсиб турар, елканларини ёзиб олган кема бир маромда борарди. Саёҳатнинг дастлабки ҳафталари жуда тинч, осойишта ўтди: улар денгиз бўйидаги жуда кўп шаҳарларга қўнишиди, савдо-сотиқ қилиши, янги янги табиат манзараларидан баҳраманд бўлишиди. Жанубдаги соҳил шаҳарлардан бирида ажойиб ҳодиса юз берди: улар шаҳардан энди жўнаб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдиларки, қирғоқ бўйлаб чопиб келаётган бир новча йигитни кўрир қолишиди. У узоқдан: «Тўхтанглар!»—дегандек ишора қилди. Синбодга бу йигит танишдек кўринди. Қўрқоқ кемачи эса бу чақирилмаган меҳмонга ишонқирамасдан қараб турарди. «Хожам, анув бечорани қаранг, — деди у Синбодга. — Бир нарсадан қуруқ қолгандай мунча югурмаса, а?» Бирдан Қўрқоқ кемачи уни таниб қолди. «И-е, қаранг, ахир бу Абулборий-ку?»— деб бақириб юборди у. «Кўйсанг-чи, — деб унга

эътиroz билдири Синдбод. — Сен чолни кўрсанг бола дейди-
ган бўлибсан. Абулборий бу ерда нима қилин? Ахир, у узоқ
Оқилобод мамлакатида подшо-ку! Кошкӣди, биз ўзимиз бо-
риб уни бир кўриб келолсак...» Энди ҳалиги йигит кемага
якинлашиб қолган, уни аниқ кўриш мумкин эди. «Абулбо-
рий! — деб қичқириб юборди Синдбод уни таниб. — Бормисан,
азиз дўстим!» «Ассалом, хожам», — деди Қўрқмас кемами.
«Бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг?» — деб хитоб қилиди
Синдбод. «Подшоликни ташлаб кетдингми? — ўз навбатида
савол отди Қўрқоқ кемачи. «Хожам, ҳамма саволларингиз-
га бафуржга живоб бераман. Аммо аввало буюринг: кемани
тўхтатиб, кўприкни ташласинлар, мен кемага чиқай», — де-
ди йигит харсиллаб пешонасидаги терларни артар экан. Син-
боднинг илтимоси билан дарға кемани орқасига қайтарди ва
кўпрайчи ташланиб, Қўрқмас кемачи чиқариб олиниди. Эски
қадрдоиляр яна топишганларидан хурсанд эдилар. Қўп ўт-
масдан кема яна ўз йўлида давом этди. Қўрқмас кемачи бир
оз нафасини ростлаб олгач, ўша, олдинги саёҳатдан кейин ўз
бошидан ўтган воқеаларни гапириб берди. Маълумки, у Мах-
луклар махлуғи ўлгач, Оқилобод мамлакатида подшо бўлиб
қолган эди. Қўрқмас кемачи бу ерда бирмунча вақт подшо-
лик қилибди, мамлакатда тинчлик ўрнатибди, юрт хийла
обод бўлибди. «Ҳўш, шундай экан, нега мамлакатни тарк
этдинг?» — деб сўради Синдбод. «Мазза қилиб подшо бўлиб
юравермайсанми, эҳ, содда одам?» — деб унга дашном берди
Қўрқоқ кемачи. «Йўқ, мендан подшо чиқмас экан, — деди
Қўрқмас кемачи. — Ҳар куни мингта ташвиш, мингта ғавро.
Бошим қотиб кетди... Бор-е, подшолигингдан ўргилдим, ўзим-
нинг кемачилигим тузук, дедиму бир кечаси «ҳайё-жуйт» деб
жўнаб қолдим. Кемаларда ёлланиб ишладим, кейин бу ша-
ҳарга келиб қолдим. Бирдан сизларнинг кемаларингиз кел-
ганини эшитдиму буёқка қараб югурдим. Хайрият, ултуриб-
ман», — деб ўз ҳикоясини тамомлади у. Қадрдонлар яна бир-
галикда сафарга чиқаётганларидан ўзларида йўқ хурсанд
эдилар.

Кемада бораётганлар орасида Абутанбал деган кемачи
ҳам бор эди. У йўғондан келган, ниҳоятда ялқов ва бўшанг
эди. У шунчалик эринчоқ эдики, ҳатто бурнига қўнган паш-
шани ҳайдаш ҳам унга малол келарди. Абутанбал эртаю кеч
кеманинг офтобшувоқ жойида чўзилиб ётар, фақат овқат
еийш учунгина ўридан турар эди. Дарғанинг буйруқлари-
дан бирортасини бажармас, унга нима дейилса ҳам қўл сил-
таб қўяверарди. Бундан дарғанинг жаҳли чиқиб Абутанбал-
га бақирап, дўқ урар, аммо унинг парвойи фалак эди. Синд-
бод ва унинг шериклари буни кўриб ҳайратда қолишли. «Э,
хожам, бунинг олдида бизнинг бақалоқ ўлса ўлиги ортиқ
екан», — деди Қўрқмас кемачи Абутанбалга ишора қилиб.

Саёҳатчилар тушган кема уммонни ёриб борар, ҳаммаёқ

осойишта эди. Эрта тоңғдан қүөш нурини сочар, кемадаги-
ларнинг кайфи чоғ эди. Шу пайт тұстадан аллакайдан бир
хүрпайған қора қарға учеб келди-да, Абутанбалнинг ёнгина-
сига қўнди. У қарғани «кишт» деса учеб кетарди, аммо бўн-
га зринди. Бундан дадиллашган қарға кемада ўзини эркин
тута бошлади ва хоҳлаганича учеб, хоҳлаган жойига қўна
бошлади. Даастлабига унга хеч ким эътибор бермади, ден-
гизда учеб юрадиган балиқчи қушлар бўлса керак, деб ўй-
лашди. Қарға кўп ўтмасдан йўловчилардан бирининг елкаси-
га қўниб, қулогига алланарса деб қағиллади. Шу заҳоти ўша
йўловчининг ковоқлари солиниб, авзойи ўзгариб қолди, у
ўз шериклари билан қўрс муомалада бўла бошлади. Қарға
иқкінчи йўловчининг елкасига қўнди, кўп ўтмай у йўловчи
ҳам бошқача бўлиб қолди ва жаҳл қилиб, шериги билан айт-
тиша кетди. Кейин Қўрқоқ кемачининг елкасига қўниб,
унинг қулогига ҳам сайради. Қўрқоқ кемачи ўша заҳотиёқ
ўзгариб, қовоқ уйиб, мушт дўлайтганича Қўрқмас кемачи-
нинг олдига келди. «Оқилободда подшо бўлганинг ўзингга!—
деди у жаҳл билан. — Аммо нега кеккаясан? Менинг тўғ-
римда бунақа ярамас гапларни гапиргани уялмадингми?
Бор, ўша Оқилободингга жўна! Мени бунақа пастга уриб,
жакорат қилишингга йўл қўймайман. Узинг қўрқоқсан, ўзинг
пасткашсан!»

Бу сўзларни эшитган Қўрқмас кемачи ҳанг-манг бўлиб
қолди. «Хой, Абулҳасан, тўхта, сенга нима бўлди? Қачон
мен сени жақорат қилибман? Узингни бос, дўстим!» — деди
у шеригини тинчтиш мәқсадида. Аммо Қўрқоқ кемачи ҳали-
вери тинчийдиган эмасди. Шу пайт қора қарға Қўрқмас ке-
мачининг елкасига қўнди-да, унинг ҳам қулогига алланима
деб қағиллади. Шу бўлдию Қўрқмас кемачининг ҳам қўзлари
ўт бўлиб ёнди, важоҳати қўрқинчли туsgа кирди-да, Қўрқоқ
кемачига қараб ташланди: «Эй, юраксиз мурда, бир қоп
гўшт! — деди у дағдаға билан. — Биласанми мен сени нима
қиламан? Мендек олижаноб одамни жақорат қилишга қандай
тилинг борди, ярамас! Уша ифлос тилларингни суғуриб ит-
ларга едираман!» Қўрқмас кемачи кейин Синдбодга қараб
жаҳл қила бошлади: «Сен-чи? Сен ўзингни ким деб ўйлаип-
сан? Сен хожа эмас, бизнинг қонимизни ичмоқчи бўлган
йиртқич махлуқсан! Ҳали қараб тур сени ҳам бир боплаб,
терингни шилиб олмасамми!»

Синдбод бу кутилмаган муомалага қандай жавоб қилиш-
ни билмай ҳанг-манг бўлиб турган эди ҳамки, қора қарға
учиб келиб тўппа-тўғри унинг елкасига қўнди ва қулогига
одамдай пицирлай бошлади: «Қара, мана бу иккала таги
паст сенга дахл қилмоқчи, шармандангни чиқармоқчи. Се-
нинг қилган яхшиликларингни унутиб, юзингга оёқ босиши-
ди. Қараб ўтирасдан буларнинг адабини бериб қўй, аяма!»

Бу сўзларни эшитган Синдбод ҳам ғазабидан ўт бўлиб

кетдию Құрқас сағында Құрқоқ кемачиларга қаҳрини аямаң соғди. «Сен таги паст ярамаслар, менинг кимлигимни унұт-дингми? Тузимни ичиб, тузылиқта тупуряпсанларми? Қылган яхшиликларимга шуми ҳали жавоб? Құр бұласанлар! Ҳали қараб турларинг, сенларни кеманинг устунига остирма-самми?!» — деб қиңқиришта түшди у. Бир зұмда кемада қий-чұв, тұс-түполон бўлиб кетди. Йўловчилар бир-бирлари билан бақиришган, қайсилари ёқа бўғишишган, қайсилари муштлашиб оғиз-бурунлари қоп-қора қон эди. Қора қарға эса қилғылини қилиб қўйиб, ўзи аллақаёққа ғойиб бўлганди. Ниҳоят, йўловчилару кемачилар бир-бирлари билан жиққамушт бўлишганидан кема ағдарилиш ҳолатига келди. Шунда мўйса-фид дарға кеманинг баланд супасидан туриб пастдагиларга қараб қаттиқ бақириб шундай деди: «Хой, йўловчилар! Ҳой, кемачилар! Менга қулоқ солинглар! Сизлар ёвуз қора қарғанинг қурбони бўляпсизлар! У аслида қарға эмас, жин! У узок Қабоқат тогида истиқомат қиласди, унинг асл номи — Иғво! Кимки унинг сўзига кирса — ҳолига вой! Иғвога учган ҳало-катта йўлиқади. Қўзларингизни очинг, ўз-ўзингизни ҳалок этманг! Мана, ишонмасангиз, менда унинг бир дона пати қолди. Ағсуски, ўзи қўлимдан чиқиб кочиб кетди. Қаранг-лар, ҳозир шу патга ўт қўяман!»

Мўйсафид шундай дедио қўлидаги патга ўт қўйди. Ундан қуюқ тутун чиқиб ҳаммаёқни қоплади. Бир оздан сўнг тутун кўтарилигач, иғвонинг кучи кетиб, йўловчилар бир-бирларидан узр сўрай бошладилар. Биринчи бўлиб Құрқоқ кемачи Құрқас кемачидан узр сўради. Иқурқас кемачи унга қўл бердию кейин апил-тапил Синdbоднинг олдига тиз чўқди: «Мени кечиринг, хожам, лаънати иғво ақлимни ўғир-лаб қўйган эканми, сизга тил теккиздим, — деб астайдил пу-шаймон бўлди у. — Уша ярамас қарға қўлимга тушса нима қилишни ўзим билардим...» Синdbод ҳам иғвонинг гапига киргани учун ўз дўстларидан узр сўради. Улар бир-бирларига қўл беришиб ярашдилар ва энди минбаъд иғвога учмасликка қасам ичдилар.

Йўловчилар тинчиб, кема сузишда давом эта бошлади. Аммо дарға ҳамон тинчимас эди. У кема остидаги тўлқинланиб оқаётган сувга теа-тез назар ташлар экан, ташвишланиб бош чайқарди. Қўп ўтмай у соқолини юлиб, кийимларини йиртиб бақира боплади. Йўловчилар ундан: «Нима гап?» деб сўрадилар. Шунда дарға: «Эй йўловчилар, ҳолимизга вой! Иғво ғолиб келиб ҳаммани бир-бири билан уришириб қўйтанда кемамиз издан чиқиб, йўлдан адашибмиз. У нотаниш кучли оқимга тушиб колибди. Бу оқим охири Тўймадим ўп-конга олиб боради», — деб бақирди.

Бу сўзлардан кемадагилар даҳшатга тушишди. Ҳамма дод-вой солиб бақирад, баъзилар жазанага тушиб ўз эгнила-ридаги кийимларни йиртишар, юзларини тимдалашарди. Бу-

лар орасида Құрқоқ кемачининг оху фарёди алохида ажралиб туради. «Вой, мен нега яна сафарга чиқдим! — деб дод соларди у. — Ақмоқ бүлмасам, ўз жонимга яна қасд қиласманми? Ұзоқларга бормайдиган кемаларда ишласам ўламаними? Энди бекордан-бекорға гарқ бўлиб кетадиган бўлдим».

Дилига ғулгула тушса ҳам ўзини босиб келаётган Қўрқмас кемачи Қўрқоқ кемачини жеркиб ташлади: «Кўп ваҳима қиласверма! — деди унга жаҳл билан. — Сен ахир унча-мунчага чўкмайсан, ичи ҳавога тўла мешнинг чўкканини ким кўрибди? Қўрқма, мабодо чўксанг ҳам қайси балиқ, сенинг бемаза гўштингга зор бўлиб ўтирибди? Ваҳимангни бас қил».

Дўстининг дашномаларидан бир оз жим қолган Қўрқоқ кемачи кўп ўтмай яна оҳ-воҳини бошлаб юборди. Аммо кеманинг тезлиги ҳақиқатан ҳам даҳшатли эди. Кема остидаги сув худди чойидишдагидек вақирлаб қайнар, оқимнинг тезлигидан атрофни кўриб, илғаб бўлмас, ҳаммаёқ гир-тир айланар эди. Кемадагиларнинг боши айланиб, кўзи тиниб, ўринларидан туролмай йиқилиб қолиши. Ҳатто забардаст, паҳлавонсифат дарға ҳам ҳолдан тойган эди. Энди кема бутунлай бошқарилмас, асов отлардек иргишлиган ёввойи тўлқинлар ихтиёрига топшириб қўйилган эди. Буни кўриб Қўрқмас кемачи билан Синбод ҳам ташвишга тушиб қолиши. Улар дарғанинг олдига келиб, қўлтигидан кўтаришиб, ўзига келтириши. «Эй, дарға, кўзингни оч, — дейишиди унга. — Кема ҳалокат арафасида, бунинг бирор чорасини топмасак бўлмайди!» «Эй азизлар, — деди дарға кўзларини зўрга очиб, — кеманинг ҳалокатга учраши аниқ. Унинг олдини олиб бўлмайди. Ҳали ҳеч ким тўймадим ўпқондан тирик чиқсан эмас. Тақдирга тан бериб, ўзимизни тасодиф қўлига топширишдан бошқа иложимиз йўқ. Аммо қариялардан эшитган гапим бор: кимки умрида кўп гуноҳ қилган бўлса ўшани ўпқон ютиб юбораркан, кўпроқ яхшилик қилган одам эса омон қолиши мумкин экан. Пешонамизга нима битилса шуни кўрамиз!» Дарға шундай дедиую яна «шилқ» этиб ҳушидан кетди. Бу сўзларни эшитган Қўрқмас кемачи бир оз ўзига келиб Синбодга: «Хожам, қирқ йил қирғин бўлса — ажали етган ўлади, биз ҳам омон қолсак ажаб эмас!» — деди. Синбод унга қараб: «Раҳмат, дўстим, сен ёнимда бўлсанг кўнгилдан қўрқув кетади, ҳар қалай бу галги саргузаштимиз қийинроқ ўтади шекилли, ҳушёр турайлик», — деди. Қўрқмас кемачи унинг гапларини қувватлади ва узунлиги бир неча қулоч келадиган арқон топиб бир учига ўзини, иккинчи учига эса Синбодни боғлаб қўйди. Қўрқмас кемачи бу ишлар билан шуғулланганда Қўрқоқ кемачи, «вой ўлдим, вой дод!» деб бакирганича кеманинг ўёғидан буёғига қараб думаларди. «Эй, тирик хум! — деди унга Қўрқмас кемачи, — жон кепрак бўлса ҳаракатингни қил!» Буни эшитган Қўрқоқ кемачи қўрқа-писа унга ёрдамлаша бошлади. Йўловчиларнинг бар-

часи вахимага тушган бир пайтда фақат Абутанбалгина кеманинг бир чеккасида «миң» этмай ётар, гүё бу тўс-тўполонларнинг унга алоқаси йўқдек эди. Қўрқмас кемачи буни кўриб жаҳли чиқди: «Эй, Абутанбал, шу маҳалда ҳам ётаверадими киши? Турсанг-чи, мундоқ ўзингни қутқаришнинг ҳаракатини қилсанг-чи!» — деди унга. Бунга жавобан Абутанбал кўзини хиёл очиб-очмай: «Қўявер, буёғи бир гап бўлар», деб яна кўзини юмиб олди.

Кўп ўтмай кеманинг тезлиги яна ҳам ошди, аммо у энди тўғрига қараб эмас — гирдоб бўйлаб айланарди. Афтидан, кема ўша даҳшатли Тўймадим ўпқонга етиб келгандек эди. Гўё сув билан осмон остин-устин бўлиб кетганди. Кема айланма куч босими остида оғир қисирлар, унинг слканлари шамолдан шариллаб йиртилар, баланд устунлари даҳшатли қисирлаб, бирин-кетин синарди. Одамлар жонҳолатда додлашар, кеманинг қўлга илинганд жойига маҳкам ёпишишарди.

«Хожам, ҳушёр бўлинг, ҳозир кема чўқади!» — деб қичқирди. Қўрқмас кемачи. Шу ондаёқ кема чирпирак бўлиб сув остига кириб кетди, Синдбод ҳам сув остига гарқ бўлиб кетардию, лекин белига боғланган арқони сақлаб қолди. Қўзини очганда кимдир уни арқонда тортиб кетаётганилигини сезди. «Бу сафар ҳам мени Қўрқмас кемачи қутқарибди-да», деб ўйлади Синдбод. Аммо арқон уни ниҳоятда тез тортар, одамнинг сувда бунчалик тез сузиши мумкин эмас эди. Шу он ёнгинасидан: «Хожам, тирикмисиз?» — деган овоз эшишилди. Синдбод қайрилиб қарадию, худди ўзи сингари боғланган арқонга илашиб сузиб бораётган Қўрқмас кемачини кўрди. «Саломат бормисан, Абулборий! — деди Синдбод бу тасодифдан хурсанд бўлиб. — Кема чўкиб кетдими?» «Ҳа, хожам, уни ўпқон ютиб юборди, — деди Қўрқмас кемачи. — Хайрият, биз соғомон қолдик». Бирдан уларнинг ёнгинасидан сувни шалоплатиб бораётган бир нарса кўринди. Унга яқинроқ келинганди, қорайиб кўринган бу нарсанинг одам эканлиги маълум бўлди. У энди чўкиб кетай деганда Қўрқмас кемачи этагидан ушлаб қолди. Қарашса, у Қўрқоқ кемачи. У Абулборийни кўрдию жон халпида унга тармашди. Иккалалари ҳам чўкиб кетишиларига сал қолди. Қўрқмас кемачи Қўрқоқ кемачининг юзига тарсаки тортиб юборди, Абулҳасан бир оз ўзига келди. Қўрқмас кемачи белидаги арқоннинг бир учи билан уни ҳам боғлаб қўйди, шу тариқа Қўрқоқ кемачи ҳам гарқ бўлишдан қутқариб қолинди. «Р-раҳмат, азиз дўстим, мени яна ўлимдан қутқардинг», — деди Қўрқоқ кемачи қўрқувдан ҳамон қалтираб. «Абулҳасан, қандай қилиб тирик қолдинг?» — деб сўради Синдбод ундан. «Ушанда мен айтганини килиб белингга арқон боғлаб олганингда бунчалик қийналмасдинг», — деди Қўрқмас кемачи. «Т-тўғри айтасан, дўстим, — деди тишлари тақкиллаб Қўрқоқ кемачи. — Кема чўкканида ўзимни сув остида — зулумот қоронгуликда кўрдим, кейин аранг сув

юзига чикиб олдиму сузавердим, сузавердим...» «Ҳайронман, сув юзида шу меш қорнинг билан шунча тура олганингга, — деди Қўрқмас кемачи кулиб, — ахир сен аллақачон чўкиб кетишинг керак эди-ку?» «Ахир, қорним бўйм-бўш эди-да, — деди Қўрқоқ кемачи. — Тўймадим ўпқоннинг ваҳимасини эшитганимдан бери томоғимдан овқат ўтмай қолган...» «Қара-я, сени гоҳ қорнинг тўқлиги, гоҳ очлиги қутқариб колади-я», — деб ҳазилни давом эттири Қўрқмас кемачи. Ҳамон тўлқинлар баландлигидан атрофда хеч нарсани кўриб бўлмас, шу боисдан улар ўз ҳалоскорлари кимлиги, уларнинг белларига боғланган арқонни ким таранг қилиб тортиб бораётганини билишмасди. Кўп ўтмасдан тўлқинлар бир оз пастлашиб, дengиз бирмунча тинчигандай бўлди. Олд томонга қараб бораётган Қўрқмас кемачи бирдан қичқириб юборди: «Хожам, қаранг, қаранг, ахир у Абутанбал-ку! Оббо танбал-ей! У бизни судраб боряпти!» «Йўғ-е! — деди Синдбод ишонмасдан. — Ахир, у шунчалик тез суза олармиди?» «Ана, одинда ўша сузив боряпти!» — деди Қўрқмас кемачи. Синдбод иложи борича бошини юқори кўтариб қаради ва ҳакиқатан ҳам олдинда энкайганича сузив бораётган Абутанбални кўрди. «Ҳа, худди ўшанинг ўзи, — деди Синдбод ҳурсанд бўлиб, — баракалла, азamat. Сен бўлсанг уни танбал деб бекорга хафа қилардинг». «Тавба, — деди Қўрқмас кемачининг ҳайронлиги ошиб, — ахир, ўпқонга яқинлашганимизда мен унга: «Эй, танбал, жонингни қутқарсаңг-чи», десам у ётган жойида: «Бир гап бўлар», — деб қўй силтаган эди. Наҳотки, энди у шунчалик чақон бўлиб қолибди?» «Майли, бирор қирғоқка чикиб олайлик-чи, кейин нима гаилиги аниқланар», — деди Синдбод. Улар бу сафар ҳам ҳалоқатдан омон қолишганига суюнишиб, тезроқ қуруқликка чикиб олишни орзу қила бошлиши. Ахир, ер — ҳаётнинг онаси, инсон боласи ер билан тирик. Шунинг учун ҳам хоҳ осмонда, хоҳ сувда бўлсин ерни согинади, ерга интилади, оёғи ерга теккандагина кўнгли таскин топади, енгил нафас олади, яйрайди, яшнайди. О, она ер, сен инсонга ҳам бешик, ҳам абадий тобутсан. Инсон сендан келиб чиқсан ва сенинг бағрингда қолади, омон бўл, инсоннинг абадий макони!

Шундай қилиб Тўймадим ўпқондан омон қолган саёҳатчи Синдбод ва унинг дўстлари — Қўрқмас ва Қўрқоқ кемачилар белларига боғланган арқон туфайлидан олдинга қараб сирли равища сузив боришаради. Уларни ялқов кемачи Абутанбал судраб бораётими, ёки бошқами — билиб бўлмас, аммо, хайриятки — улар даҳшатли ўпқондан узоқлашиб боришаради. Тобора тинчиди бораётган дengиз ҳам шундан далолат берарди. Гоҳ гоҳ осмонда дengиз паррандалари кўриниб қолар, бу—қуруқликинг яқинлигини билдиради. Аммо қирғоқ ҳамон кўринмас, сайёқлар тинмай сузишда давом этишиди. Энди уларни Абутанбал эмас, бошқа нарса судраб бораётганилиги

аник эди, негаки, Таңбал кемачи қанчалик кучли бўлмасин, узи ва ортидан уч кишини судраб бунчалик тез ва узоқ сузиши мумкин эмас эди. Синдбод ва Қўрқмас кемачи бунга ҳайрон бўлишар, ўзларини ҳалокатдан қутқариб, аллақаёққа элтаётган сирли кучга тасанно ўқишарди. Қўрқоқ кемачи бир гал: «Бизни судраб бораётган бирорта йиртқич балиқ бўлса, кейин бизни еб қўйса», — деб бир оз ваҳима қилган эди. Қўрқмас кемачи уни тинчтиб қўйди. Абулборий бир неча бор таңбал кемачини чақириб, у билан сўзлашмоқчи бўлди, аммо денгиз шовкини бунга йўл қўймас, олдинда кетиб бораётган Абутанбал эса орқасига қайрилиб қарамас, афтидан, уларнинг сузиг келишаётганларидан бехабар эди.

Улар ўшу тахлитда уч кечаю уч кундуз сузишди. Сайёхлар ўлгудек чарчашибди, белларига боғланган арқонлари ҳаммаёқларини қийиб, шилиб юборди. Аммо илож қанча, остларида — денгиз, сал бўшашдими — чўкиб кетиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига энг қувончлиси шундаки, уларни судраб бораётган куч тўхтамай сузиг кетяпти, демак бир кунмас — бир кун қуруқликка етиб олишлари мумкин. Фақат чидаш керак, чидаш!

Уч кун ўтиб, тўртинчи куни денгиз суви илиқлаша бошлиди. Бу ҳам қуруқликнинг яқинлигидан далолат берарди. Сайёхларнинг димоқларига ер нафаси кела бошлиди. Атрофни синчилкаб кузатиб бораётган Қўрқмас кемачининг ўтқир кўзи нихоят сув юзи — уфқидаги кичкина қора нуқтани илғаб олди. «Хожам, қаранг, ер, ер!» — деди у шодлигини ичига сидиролмай. Синдбод ҳам узоқда кўзга элас-элас илғаётган қора нуқтани кўриб, кўнгли таскин топди.

Хавф-хатар энди орқада қолгач, улар ўзларини ўлимдан саклаган сирли кучнинг нималигини билишга жазм қилдилар. Бунинг учун Қўрқмас кемачи арқонни ушлаганича олдинга қараб сузиг борди-да, кейин тез орқасига қайтди: «Хожам, халоскоримизнинг кимлигини билдим, — деди у шивирлаб. — У — наҳанг балиқ!» «Наҳанг балиқ дедингми? — ишонмасдан қайтариб сўради Синдбод. — Наҳотки?» «Ҳа, худди шундай, — деди Қўрқмас кемачи, — бизнинг арқонимиз унинг белидан ўтказилган экан, шунинг учун у бизни судраб келаётган экан». «Унда Абутанбал нима қилаётган экан?» — деб ажабланиб сўради Синдбод. «У балиқнинг елкасига маҳкам ёпишиб олибди, яқинига келиб шунча чақирдим — қарамади», — деб жавоб қилди Қўрқмас кемачи. «Майли, халоскоримиз — балиқни чўчитиб юбормайлик, бизни эсон-омон қирғоққа етказиб қўйисин», — деди Синдбод ва бошқа, кўпни кўрган саёхатчилардан эшитганларини эслади. Улар узоқ уммонларда дельфин деган наҳантсимон ювощ балиқ бўлади, одамга асло зарар қилмайди, сувга чўкаётган кишини авайлаб кўтариб қирғоққа олиб чиқиб қўяди, дейишган эди. Баҳтларига уларга ҳам шундай балиқ дуч келибди.

Мана, ҳадемай қирғоққа чиқиб олишади. Улар ўзларини олиб сузив бораётган ажойиб балиққа таҳсинлар ўқишиди. Қирғоқ ҳам тобора яқинлашиб келарди. Мана, ниҳоят сайёхларнинг сёқлари ерга ҳам тегди. Улар хурсандликдан бошлиари осмонга етгудай бўлишиб, арқондан үаларини халос қилишиб, қирғоққа қараб сузив кетишиди. Ниҳоят, улар қумли қирғоққа чиқиб олиб, ўзларини ерга отишиди. Иссик қум улар учун жаннатдан ҳам аълороқ эди. Улар шу ташлаганларича қаттиқ ўйқуга кетишди. Бир қанча вақтдан кейин Синдбод кимнингдир чалган ҳуштагидан ўйғониб кетди. Денгиз томондан чириллаган овоз келарди. У ҳайрон бўлиб Қўрқмас кемачини ўйғотди. У ҳам дабдурустдан нима гаплигини тушиунмади. Ким ҳуштак чалиши мумкин? Бирдан уларнинг өсига Абутанбал тушди. У қаерда қолди экан? Балиқ қуруқликка яқинлашгандан наҳотки ўзини қирғоққа отмаган бўлса? Е чўкиб кетдимикин? Бечора, ҳалокатдан омон қолиб, қирғоққа етай деганда чўкиб кетса жуда алам қиласида. Қўрқмас кемачи денгиз юзига тикилиб туриб бирдан Синдбогла: «Хожам, қаранг, ана у!» — деб қолди. Ҳақиқатан ҳам Абутанбал қоп-қора нуқта бўлиб сув юзида сузив ѹорар, тезлигидан унинг ҳали ҳам балиқнинг елкасидан тушмаганини билиш мумкин эди. Мана, кора нуқта қирғоқ томонга яқинлашиб келди. Шу пайт сув остидан ҳуштак чалингандага ўхшаган чинкириқ эшитилди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи шундагина чинқираётган — балиқ эканлигини тушиуниши. Ҳа, балиқ ўз устидаги одамни ерга тушуромасдан уни ўйғотиш учун ёки ёрдам сўраб чинқираётган эди. «Эй, Танбал, тирикмисан! — деб денгиздаги Абутанбалга қараб бақирди Қўрқмас кемачи ҳовучларини кўвача қилиб. — Тушмайсанми энди! Жуда толиб олисан-да ювощ хачирни! Иzzатингни билиб тезроқ тушсанг-чи! Бир кўтариб урса нима қиласан?» Аммо у ҳар қанча бақирмасин Танбал кемачи миқ этмасди. «И-е, бу ялқовга бир бало бўлганга ўхшайди!» — деди Қўрқмас кемачи Синдбоднинг «ҳой, шошма»сига қарамасдан ўзини сувга отди. У жон-жаҳди билан сузив бориб балиққа яқинлашиб-да, Абутанбални шарт елкасига опичлаб қирғоққа қараб сувди. Балиқ эса худди «раҳмат, хайр», дегандай яна бир овоз чиқардию денгизга шўнгигб кетди. Қўрқмас кемачи Абутанбални қирғоққа олиб чиқиб, қумга ётқизди. Қарангки, Абутанбал кўзларини юмганича бемалол ухлаб ётарди. «Нима бало, тирикми ўзи?» — деб хуноб бўлди Қўрқмас кемачи. У Абутанбални силкиб кўрди, сув сепиб кўрди — миқ этмади. Аммо унинг юраги уриб турар, гоҳ-гоҳ хуррак ҳам отиб қўярди. Бирдан Қўрқмас кемачининг ёдига бир нарса тушдию Абутанбалнинг қулогига эгилиб туриб: «Эй, Абутанбал, ухлаганинг етар; тур, овқат еб олгин», — деб пичирлади. Шу пайт Абутанбалнинг кўзлари «ярқ» этиб очилиб кетди. «Овқат? Қани овқат?» — деб сўради у дарров уйғониб. «Хайрият ти-

рик экансан, танбал, — деди Құрқмас кемачи, — биз сени ўлдига чиқарып қүяёзгандик». «Роса ухлабман-а, — деди Абутанбал күзларини үқалаб. — И-е, қаерда турибмиз, кема қани?» «Энди кемани тушингда күрасан, — деди Құрқмас кемачи. — Шунча кундан бери ухлаб ётғанмидинг?» «Ха, — деди Абутанбал, — кемамиз жуда тез юриб кетиб, ҳамма вахимага тушганда мен бемалол ухлайвергандым, тушимда бир отга миниб роса сайр қылдым, күзимни очсан — сизларни күриб турибман, — деб ҳикоясини тугатди у. — Сизлар бу ерга қандай келиб қолдинглар?» «Ұша сен минған отнинг аравасида келиб қолдик, — деди Құрқмас кемачи киноя билан. — Биз шунча ташвиш қилиб ётибмизу, сен эсанг...» У Абутанбалта юз берган воқеаларни бирма-бир айтиб берди, унинг ҳайронликдан оғзи очилиб қолди. Энди маълум бўлишича, кема ҳалокати пайтида балиқ олдин Абутанбални ўз елкасига миндириб олган, кейин эса чўкиб кетаётган Синдбод билан Құрқмас кемачилар боғланган арқонни кўриб қолиб, елкасига илиб сузган. «Ха, нима бўлса кўрдик, тирик қолдик, энди бу ердан кетиб, ўз юртимизга эсон-омон етиб олишни ўйладик, — деди Синдбод.— Қизиқ, қаерга келиб қолдик экан, а?»

Сайёхлар қирғоқда бирмунча вақт дам олиб хордиқ чиқаришган, энди бундан кейин қилинадиган ишларни ўйлади бошлилди. Денгиз лабида ўтираверган билан бирор натижа чиқиши гумон, бирор емиш топиш учун орол ичкарисига кириш керак. Уларнинг нигоҳи бу кимсасиз, нотаниш оролга қаратилган эди. Бечора сайёхларни бу ерда қандай хавф-хатарлар кутаётган экан? Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деган гап бор, бегона жойда ҳар балога дуч келиш мумкин. Шуни ўйлаб сайёхларнинг ичкарига кириб боришга юраклари бетламасди. Айниқса Құрқоқ кемачининг юраги така-пука бўла бошлиди. «Оғайнilar, бу оролга қадам босмаганимиз маъқул, — деди у. — Негадир бу ер кўзимга ёмон кўриняпти». «Бекоргинани айтисан, бақалоқ, — деди унга Құрқмас кемачи. — Шунча жойга келиб бу оролни кўрмай кетамизми?» Кейин искиланаётган Құрқоқ кемачига қараб қўшиб қўйди: «Елғиз ўзинг қолсанг — бирор йиртқичга ем бўлишинг аниқ». Бу гапни эшитган Құрқоқ кемачи шоша-пиша уларга қўшилди. Фақат Абутанбалгина қумга ёнбошлаганича ўрнидан турмасди. «Ха, сен-чи, юрмайсанми?»— деди унга Құрқмас кемачи. «Бораверинглар, мен бормайман», — деди Абутанбал ҳамон уйқусираб. «Бормасанг борма, лекин денгиз бўйида қолсанг очингдан ўласан», — деди Құрқмас кемачи, сўнг шеприкларига қараб: «Қани, кетдик!» — деди. Улар орол ичкарисига қараб юра бошлаган эдилар ҳамки, Абутанбал ҳам ўрнидан турди-да, инқиллаб-синқиллаб уларга Эргашди.

Оролда зор ҳам учмас, ҳаммаёқ — кўз етгунча бийдай сахро эди. Сайёхлар қаёққа қараб юришларини билмасдан бир оз тараддуздланиб туриб қолишиди. Шу пайт узоқ уфқда

бир нарса қорайиб күринди, ўткир күзли Құрқас кемачи унинг катта бир дарахт эканлигини аниқлади. Шу дарахтта қараб юришга қарор қилишди. Қүринган тоғнинг йироги йүк, деганларидек юра-юра ниҳоят ўша дарахтга етиб келиши. Баланд ўсган номаътум дарахтда шигил-шигил мевалар пішиб ётарди. Құрқоқ кемачи шерикларига қарамасдан шартта дарахтта тирмашиб чиқди-да, меваларни тушира бошлади. Узоқ кунлар давомида очиқкан Синдбод билан Құрқас кемачи ҳам мевалардан бир оз тамадди қилишди. Пастда қолған Абутанбал эса улардан тұқилған меваларни териб ереди. Шунда ғалати воқеа юз берди. Құрқоқ кемачи дарахтдан тушди-да, шерикларининг олдига керилганича келиб гапира кетди: «Биласизларми, мен кимман, — деди у. — Дунёдаги әнг паҳлавон, әнг ботир ва құрқас одамман. Менга ҳеч нарса чүт әмас, керак бўлса арслонингдан ҳам құрқмайман, шеригингдан ҳам. Мен ҳатто аждахони ҳам калласини шартта узуб ташлайман. Мен подшодан ҳам құрқмайман. Мен дунёдаги әнг ақлли, әнг доно одамман...»

Синдбод билан Құрқас кемачи унинг бу сўзларини эшишиб ҳайрон бўлиши. Ахир, чумчук пир этса юраги шир эта-диган бу одам қандай қилиб бунақа довюрак бўлиб қолди экан? Бу жумбоқни ўйлаб туришганда бирдан Құрқас кемачи ҳам сўз бошлиб қолди: «Биласизларми, мен ҳам чакана одам әмасман, — деди у мағрурлик билан. — Мен қилган ишларни айтаверсам, эҳже, кун ботиб тонг отади. Мен битта жимжилогим билан тоғни ҳам ағдариб ташлай оламан. Хоҳласам денгизнинг бор сувини бир симиришда ичиб ташлайман...» Үз дўстининг бу хилда алжишидан ҳайрон бўлиб турган Синдбоднинг ҳам тиллари қичиб ўзидан-ўзи гапира бошлиди: «Биласизларми, мен кимман? — деб кўкрагига урди у. — Дунёдаги әнг зўр сайсҳ мен бўламан. Мен ер куррасининг у чеккасидан бу чеккасигача кезиб чиққанман. Менга ҳеч нарса чүт әмас. Хоҳласам денгизларни кечиб, дарёлардан ҳатлаб ўтиб кетавераман...» Абутанбал ҳам ёнбошлиб ётган жойида гапга қўшилди: «Сенлар мени танбал дейсанлар, аслида мендан ишчан, мендан чақон одам йўқ! Билиб қўйларинг, ҳа!» — деди у шерикларига гердайиб.

Сайёхлар то чарчаганларича жавраб мақтаниши ва ниҳоят ҳолдан тойиб, кўп гапиришдан тиллари шишиб ўша сирли дарахт остига йиқилиб қолиши.

Улар зрталаб уйқудан уйғонишию кеча юз берган қизиқ воқеани эслай бошлаши. «Бу қандай сир экан? — деб ўйлашди улар. — Нега ҳаммамиз бунчалик мақтанчоқ, вайсақи бўлиб қолдик?» Улар ўйлаб ўйларига етмай туришган әдилар ҳамки, Құрқоқ кемачи шоша-лиса мевалардан ея бошлади. Қўп ўтмасдан у яна худди кечагидай мақтанчоқ бўлди-қолди. У кўкрагига уриб ўзини афсонавий қаҳрамонлардан ҳам кучлироқман, ҳеч нарсадан құрқмайман, хоҳла-

сам арслоннинг ҳам оғзини ёриб ташлайман, деб мақтана бошлади, аммо шу пайт бир нима «ширт» этган эди ҳамки, «вой-дод» лаб қочиб кольди. Шунда Синдбод билан Қўрқмас кемачи бу ҳолнинг сабаби ўзлари еган мева эканлигини билдилар ва бу мақтанчоқлик дарахти олдидан иложи борича тезароқ кетиш тараддусига тушдилар. Фақат Абутанбалгини дарахт соясида қимирлагиси келмади. «Келинглар, мен шу ерда ётатурай, қайтишларингда ола кетарсизлар», — деб ёнбошлаб олди у. Шериклари шунча қисташса ҳам ўрнидан турмади. Ноилож танбал кемачини шу ерда қолдириб ўзлари орол ичкарисига қараб кетишиди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юришиб сайёҳлар бир сув қиргогига бориб қолдилар. Мақтанчоқлик дарахти мевасидан роса еб ўлгудек чаңқаган Қўрқоқ кемачи шерикларига ҳам қарамасдан шоша-пиша сувдан ича бошлади. Шу пайт унда галати ўзгариш содир бўла бошлади: Қўрқоқ кемачи тинмасдан қиқирилаб кулар, турли беўхшов қилиқлар қиласади. Синдбод билан Қўрқмас кемачи унинг бу масхарабозликларини кўриб, ҳайрон бўлиб туришди, аммо ниҳоятда ташналикларидан ўзларини сувдан тиёлмадилар. Аммо сувдан бир неча ҳовуч ичишлари билан улар ҳам галати ҳолатга тушдилар: ўз-ўзидан кулгилари кистаб. «ҳо-ҳо» лай бошлашди, беихтиёр турли беўхшов ҳаракатлар килиб, бир-бирлари билан болалардек ҳазиллашишга тушишди. Учовлари бир-бирлари билан ошишар, бақириб ашула айтишар, ўйнига тушишарди. Улар шу хилда тўполон қила-кила ҳолдан тойиб ухлаб кетишиди. Эрталаб эса бутун аъзойи баданлари лохас бўлган, бошлари оғриган ҳолда уйғонишиди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи ўзларини тентак қилган нарса — ичган сувлари эканлигини сезишиди ва эрталабданоқ сувдан тўйиб ичиб олганлиги учун яна ғирт масхарабозга айланган Қўрқоқ кемачини олдиларига солганча бу Тентаксув соҳилларидан узоқлашишга карор беришиди.

Шу тахлитда улар йўл юриб борарканлар, бирдан бир одамга дуч келиб қолишиди. Сайёҳлар бу кимсасиз оролда инсон зотини учратишганидан ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, ҳалиги одамга яқинлашдилар. У расмана одамга ўҳшаса ҳам лекин қилиқлари ғалати эди. Ороллик сайёҳларнинг саволларига тузук-қуруқ жавоб бериш ўрнига ҳадеб илжаяр ва «ҳа, шундай», дегандек калласини қимирлатарди холос. Синдбод ундан: «Бу қанақа орол?» — деб сўраганда ҳалиги одам илжайиб калласини қимирлатди, бошқа саволларга ҳам шундай килди. Сайёҳлар, «э, аттанг, бу одам телба бўлса керак», деб ўйлашди. Ҳалиги одам индамасдан илжайганича йўлига қараб кетди. Аммо сайёҳлар учратган бошқа одамлар ҳам шу тахлит, гарангсимон әдилар. Далаларда буғдой бўлиб буғдой эмас, арпа бўлиб арпа эмас — аллақандай экинларни экиб юрган дехқонлар билан, қирларда қўй бўлиб қўй-

мас, эчки бўлиб эчкимас галати жонворларни боқиб юрган чўпонлар билан ҳам гаплашишга уринишди. Аммо улар ҳам «тўғри», «зўр» деган сўзларни таクロлаб бошларини иргаганларича илжайишарди. Синдбод синчиклаб қараб уларнинг қулоқларини мум билан маҳкам беркитиб юришларини сезиб қолди. Аммо уларнинг нега бундай қилишларини ҳеч ким билмасди.

«Бу қанакаси бўлди?»— деб таажжубда қолишиди сайёхлар. «Биродарлар, келинглар бу гаранглар ютидан тезроқ кетайлик, — деди Қўрқоқ кемачи. — Яна бир балога гирифтор бўлмайлик». «Шошма-чи, бақалоқ, бунисини ҳам кўрайлик-чи», — деди Қўрқмас кемачи. Синдбод ҳам унинг гапларини маъқуллади. Бу аснода улар оролнинг қоқ ўртасидағи катта бир шаҳарга кириб келишиди. Шаҳарда уй бўлиб уймас, каталак бўлиб каталакмас, аллақандай кўримсиз, бир хилдаги иморатлар қалашиб ётарди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида баланд қаср туради. Айтидан, бу ерда орол подшоси яшарди. Синдбод сўраб-суриширай деса шаҳарликлар ҳам худди олдин учратган кишиларида тузук-қуруқ гапиришмас, ҳаммасининг қулоги томбитган, илжайиб калла қимирлатишдан бошқасини билишмасди.

Шу пайт қаср дарвозалари очилдию ичкаридан бир тўп аъёнлар тантана билан чиқиб келишиди. Уларнинг бошида думдумалоқ, хум калла, тиржайган юзли, башанг кийинган одам келарди. Шаҳар фуқароси уни ергача таъзим билан кутиб олди. Ҳар тарафдан: «Донолар доносига офарин!» «Булбулигўёларнинг булбулигўёси яшасин!» деган хитоблар янгради. Синдбод ва унинг шериклари бу одам орол подшоси эканлигини сезишиди.

Орол подшоси шу пайт майдон ўртасига келдию сўзга тушиб кетди. У чунонам гапирдики, сайёхларнинг қулоқлари қоматга келди. Шаҳарликлар эса ҳадеб уни олқишилар, қарсаклар чалишар, «тўғри», «зўр», «бажарамиз», деб каллаларини қимирлатишарди. Синдбод уларнинг аслида қулоқлари берк, подшонинг гапларини эса шунчаки маъқуллашаётганиларини тушунди.

«Бу жуда вайсаки подшо экан-ку, а? — деди Қўрқоқ кемачи, — тезроқ бу ердан кетайлик, бўлмаса ҳолимизгавой бўлади». Аммо шу пайт подшонинг кўзи уларга тушдию имоишора билан яқинроқ келишга буюрди. Сайёхлар ноилож унинг олдига келишиди. Орол подшоси уларга қараб гапира кетди. Энди қочиб қолишининг иложи йўқ эди, чунки уларни подшонинг аъёнлари ўраб туришарди. Сайёхларга подшонинг гапларини эшитиб тураверишдан бошқа илож қолмаган эди. Синдбод оролликларнинг нега қулоқларига мум тиқиб беркитиб юришлари сабабини энди тушунди. Чунки, подшонинг бир зум тинмасдан вайсашини эшитавериб ақлдан озиш ҳеч

тап эмас эди. Подшо эса ўзини эшитувчилар топилганидан хурсанд бўлиб вайсагандан вайсарди.

Вайсақи подшо майдонда кечгача жавранди-да, ўз қасрига қараб йўл олди. Синдбод ва унинг шериклари энди қутулдик, деб туришганди, подшо уларни ҳам ўз қасрига таклиф қилиб қолди. «Йўқ», дейишга илож қанча, улар ҳам қасрга киришиди. Қаср дарвозасига етай деганларида Кўрқоқ кемачи бирдан ўзини четта олиб, одамлар орасига яшириниб гойиб бўлди. «Оббо бакалог-ей, бизни ташлаб кетди-я, — деди Кўрқомас кемачи. — Кўрқоқ қўрқоқлигини қилди-да...» «Майли, қўйавер, — деди Синдбод, — барибир бизсиз қаёқка ҳам борарди, кейин ўзи қайтиб келади...»

Қасрда сайёҳларни яхши кутиб олишди, едиришди, ичиришди, нима дейиписа муҳайё килишди. Аммо подшонинг вайсашларини эшитавериш жуда ҳам оғир эди. Подшо уларга бир гапирганда уч кечаю уч кундуз гапирди, аммо сира тўхтатй демасди. Подшонинг гапини қайтариш гуноҳи азим, сайёҳлар олдинига сабр-тоқат билан эшитишли, аммо бу тўхтовсиз «нутқ»ларни тинглайвериб қулоқлари қоматга келиб, қаттиқ азоблана бошладилар. «Дунёга келиб жуда кўп нарсаларни кўрдим, аммо бунақа вайсақини биринчи кўришим, — деди Кўрқомас кемачи Синдбодга. — Кўрқоқ кемачи қочиб қутулиб зап иш қилган экан-да...» «Майли, сабр қилиб турайлик-чи, бунинг ҳам чораси топилиб қолар», — деди Синдбод.

Шу зайлда қунлар кетидан қунлар ўтди, вайсақи подшонинг вайсақлиги тобора ошиб борарди. Синдбод билан Кўрқомас кемачи бу вайсашларни эшитавериб ўлар ҳолатга келишибди. Қочиб кетай дейишса — иложи йўқ: дарвоза қулф, ҳаммаёқда соқчилар. «Хожам, мен ортиқ чидолмайман, — деди Кўрқомас кемачи. — Шунча хавф-хатарлардан ўтиб-ўтиб, бир вайсақининг гапидан жинни бўлиб ўлмасак эди. Кўрқоқ Абулҳасан қаерларда юрган экан, а?»

Кўрқомас кемачи шундай дейиши билан қасрнинг баланд, доим қулф дарвозаси тақиллаб қолди. Қуролли соқчилар дарвозани очишганда ичкарига эшак мингандан узун соқолли бир мўйсафид кириб келди. У кира солиб эшагини мақтаб кетди: бунақаси оламда йўқмиш, жуда ақлли, жуда доношиш, учқурлиқда тулипор отлар ҳам унга етолмасмиш. Чолнинг гапларини эшитган Вайсақи подшо вайсашдан тўхтади-о эшакка қизиқиб қолди, уни миниб кўрмоқчи бўлди. Эгаси рози бўлди. Вайсақи подшо эшакнинг яқинига келиб унга мимишга чоғланди. Аммо у эшакка ўнг эмас — тескари минаман, деб туриб олди. Бунга ҳайрон бўлган аъёнларига эшакка минишнинг энг «янги» ва «илфор» усувлари тўғрисида бир кечаю бир кундуз жавради, улар ҳам ноилож рози бўлишди ва Вайсақи подшо шартта келиб эшакка тескари мишиб олди. Бундан чўчиб кетган махлуқ шаталоқ отиб дарвоздан чиқиб қочди, шаҳар кўчаларида қий-чув, қийқирпик

бошланиб кетди. Ўз подшоларининг эшакка тескари миниб юрганини кўрган оролликлар қотиб-котиб кула бошладилар, ҳаммаёқ бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди. Одамлар қулоқларидан мумларини олиб ташлашиб, бир-бирига подшони кўрсатишиб: «Вой тентак подшо-ей, вой вайсақи-ей!» — деб кулишарди. Эшак эгаси бўлган узун соқол мўйсафид Синдбод билан Қўрқмас кемачини етаклаганича дарвозадан чиқиб қочишиди. Анча жойга борганларидан кейин у соқолини шартта юлиб олиб ташлади. Синдбод билан Қўрқмас кемачининг олдига илжайтанича Қўрқоқ кемачи — Абулҳасан турарди. «Вой, бақалог-ей, сенмисан?» — деб уни бағрига босди Қўрқмас кемачи. «Сен бизнинг халоскоримизсан, минг раҳмат сенга!» — деб унинг елкасига қоқиб қўйди Синдбод. «Хўш, вайсақи подшондан қутулишнинг бу усулини қаердан топдинг?» — деб сўради Қўрқмас кемачи. «Сизлар вайсақи подшога асир бўлиб қолганларингдан сўнг мен сизларни қандай қилиб қутқариш йўлларини изладим, — деди Қўрқоқ кемачи. — Охири ўйлаб-ўйлаб кекса бувимнинг мен кўп гапирганимда «Кўп гап — эшакка юк!» — деб койиб беришлари эсимга тушди. Кейин битта эшак топдиму, қасрга кириб бордим. Сўнг нима бўлганини ўзларингиз кўрдингиз, — деди кулиб Қўрқоқ кемачи. — Вайсақи подшо шармандайи шармисор бўлди, энди бошқа жаврамайди, вайсаса ҳам халқ қулоқ солмайди, эшитмайди. Вайсақилик ҳам иллат, бу иллатнинг бирдан-бир давоси — халқ кулгуси». «Баракалла сенга, — дейишиди унга Синдбод билан Қўрқмас кемачи. — Хўш, энди нима қилализ?» «Энди зудлик билан йўлга тушамиз, юртимизга кетамиз, — деди Абулҳасан. — Денгиз қирғогида бир кема бизни маҳтал бўлиб кутиб турибди...» «Яша, азамат, бўёғининг ҳам ғамини еб қўйганман дегин!» — деб шеригининг елкасига қоқди Қўрқмас кемачи. Абулҳасаннинг топқирлигидан Синдбод ҳам жуда курсанд бўлиб, ўз миннатдорчилигини билдириди.

Улар йўл-йўлакай катта дараҳт соясида қолиб кетган Абутанбалдан хабар олиб ўтишиди. У қандай ёнбошлиган бўлса — шундайича ётарди. «Оббо танбал-ей, тирикмисан, — деди унга Қўрқмас кемачи. — Дунёни сув босса ҳам тўпигингдан келмайди-я. Шунча ишлар бўлиб ўтди, сен бўлсанг тарааллабедод қилиб ётибсан-а. Маза-маза — бегамники экан-да!» Абутанбал эса бу сўзларга парво ҳам қилмади. «Дунёда агар бўлай десанг шод — бўл такасалтанг!» — деб мингирилаб қўйди холос. Шериклари бу танбал бегона юртда қолиб кетмасин, деб уни опичлаб кўтариб йўлга тушишиди.

Сайёхлар шу тахлитда ўз юртларига қараб йўл олдилар ва соғ-омон етиб келдилар. Синдбод дўстлари билан хайрлашиб ўз уйига кириб келди ва энди бундан буён ҳеч қаёққа саёҳатга чиқмасликка, уйда қимиirlамасдан оёқ узатиб умр ўтказишга сўз берди. Аммо у бу сўзида тура олармиカン?



Тўртинчи саёҳат

Орзусиз кўнгил — булбулсиз чамандир. Синдбод ҳам саёҳатдан кайтгандан кейин ҳамма одамлар сингари тинч, беташвиш турмуш кечиришга шунча ҳаракат қиласа ҳам кўнглининг бир чеккасидан яна саёҳат қилиш орзуси аrimасди. У денгиз бўйига келганда узоқ-узокларга жўнаб кетаётган кемаларга шунча қарамайман деса ҳам қаар, уларнинг орқасидан ҳавас билан кузатиб қоларди. Уйига боргандা ҳам, ётганда ҳам, турганда ҳам ўша кемалар кўз олдидан кетмасди. Нихоят бўлмади — у саёҳатсиз туролмаслигини сезди-да, янги сафарга чикиш тараддудини кўра бошлиди. Маблағ йигди, сафарда бирга бўлиш учун дўстлари Қўрқмас кемачи Абулборий ва Қўркоқ кемачи Абулхасанларни суриштириб топди. Нихоят, сафар жабдуқлари ҳозирландию улар тушган кема йўлга равона бўлди.

Кемадагилар орасида Абутавозе деган кемачи Синдбод-нинг эътиборини ўзига тортиди. У кимни кўрса тавозе билан таъзим қилас, ким нима деса шунга «хўп бўлади», деб икки букиларди. Абутавозе, айниқса, дарғанинг олдида доим гирдикапалак эди. Синдбод бу одамнинг хуштакаллумлигидан, ширин сўзлигидан мамниути бўлса ҳам унинг бўлар-бўлмасга эгилиб-букилишидан энсаси қотарди.

Синдбодлар тушган етти елканли, ҳашаматли кема денгизда салобат билан сузуб борар, йўловчиларнинг кайфияти аъло даражада эди. Узокда ям-яшил киргоқлар кўриниб турар, сайёҳлар обод шаҳарлар, кўм-кўк далалар, қирлар, хурмозорлар олдидан ўтиб боришарди. Қуруқлик — Ер ўзининг ажойиб гўзаллиги, жозибаси билан кишиларнинг қалбларини ром этарди. Аммо олдинда янги уфклар, кашф этилмаган ерлар, нотаниш манзиллар кутарди. Шу боисдан саёҳатчилар кемаси бепоён уммон қўйнига, сирли сарҳадлар, кутилмаган саргузаштлар томонга бурилди.

Үлар олти кечаю олти кундуз тинч, осойишта сузиши. Еттинчи куни тепада — бош устун устида кузатувчилик қилиб бораётган Құрқас кемачи бирдан: «Рўпарадан кема келяпти!» — деб қичқирди. Йўловчилар нотаниш кемани кўриш учун шошилишди, аммо дарга негадир ташвишга тушиб қолди. «Денгизнинг бу кенгилкларида қатнов жуда кам бўлади, — деди у йўловчиларга. — Бу қандай кема бўлди экан? Бунда бир сир бўлиши керак».

Кузатувчи эса рўпарадан келаётган кема тўғрисида: — «У тўппа-тўғри биз томонга жуда катта тезлик билан яқинлашиб келяпти. Ичиде одамлар кўринмайди», — деб матъуломтлар бериб турди. Бу хабар дарғанинг ташвишини янада ошириди. «Ха, бу оддий кемага ўхшамайди, — деди у. — Бу сирли учрашув бизни бир балога гирифтор қимласайди». Шунда Абулҳасан питирлаб қолди: «Биз бошқа томонга бурилсак бўлмайдими?» — деди у дарғага. Аммо Абулборий уни жеркиб берди: «Жим ўтиранг-чи, бақалоқ! — деди у. — Ахир, бу қанақа кема, ичиде кимлар бор — кўрайлик-да!» Синdbод ҳам бу гапга қўшилди.

Кўп ўтмай сирли кема анча яқин келди. Кеманинг денгиз шамолларида парча-парча бўлиб йиртилиб кетган елканлари, гирчиллаб, ўёқ-буёққа лапанглаб келаётган устунлари даҳшат соларди. Сирли кема Синdbодларнинг олдидан тегайтегай деб ғизиллаб ўтиб кетди. У бўм-бўш эди, аммо яқин келганда ўша тарафдан: «Оҳ! Оҳ! Оҳ!» деган даҳшатли товшулар эшитилди. Саёҳатчилар нима гаплигини анлагунарича сирли кема бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Кема дарғаси ерга ўтириб олиб, йиғлай бошлади: «Эй йўловчилар! Бу — арвоҳлар кемаси, у билан учрашган одам бир балога йўлиқмасдан қолмайди!»

Синdbод ва бошқа йўловчилар дарғани юпатиб, кўнглини кўтаришга тушдилар. Ундан: «Бунчалик безовта бўлшигинизнинг сабаби нимада, бу кеманинг ёвуз сприни айтиб берсангиз», — деб илтимос қилишди. «Эй биродарлар, бу кема тўғрисида кўп эшитганман, — деб ҳикоясини бошлади дарға. — У қачонлардан бери учраган йўловчиларга даҳшат солиб денгизларда кезиб юради. Унинг йўловчилари одамлар эмас — арвоҳлар! Бу кема қаердану ундаги арвоҳларнинг кимлигини ҳеч ким билмайди!» — деди дарға. «Хўш, кема-ку ўтиб кетди, энди у бизга қандай хавфу-хатар солиши мумкин?» — деб сўради Қўрқоқ кемачи даг-даг титраб. «Боя айтдим-ку, бу арвоҳлар кемаси, унга учраган одам албатта бир балога гирифтор бўлади», — деб ўз ҳикоясини тугатди дарға. Бу гаплардан Қўрқоқ кемачининг қўрқуви баттар ошиб, жазаваси тутиб қолди. У «оҳ-воҳ» қилганича кеманинг ўёғидан буёғига борар, ҳадеб: «Нега бу сафарга чиқдим-а?..» — деб жаврарди. «Эй, бақалоқ, мунча ваҳима қимласанг! — деди унга Қўрқас кемачи. — Ё ўша кема ёнимиздан ўтиб қол-

са сени даст күтариб арвоҳларнинг ёнига отиб юборайми? Важоҳатингни кўриб арвоҳлар ҳам кемаларини ташлаб қочишиша керак!» Қўрқоқ кемачи унга жавобан: «Не-не фалокатларга дуч келмаганиман — руҳ қушининг оёғига илашиб-учдим, илонларнинг оғзидан тирик чиқдим, ўпқонга ютилмадим, энди бир кўрмаганим — арвоҳлар қолувди... Ҳали қараб тур, бир балойи азимга дуч келамиз», — деб ҳамон ўзини боссолмасди. Абутавозе ҳам қўлларини қовуштирганича гоҳ Қўрқоқ кемачининг оғзига қарап, гоҳ Қўрқмас кемачининг олдига келиб икки букилиб, «гапларингиз тўғри», деб маъқулларди. Арвоҳлар кемасига дуч келишгандан кейин йўловчилар жуда безовта бўлиб қолишли. Улар кема хоналаридан чиқмай қўрқа-писа ётишар, чиққанда ҳам «бирор фалокат яқинлашмаяптимикин?» деб денгизга олазарак бўлиб қарашарди.

Аммо ўша кун тиич ўтди. Кеч кириб, ҳамма уйқуга кетди. Кема денгизнинг ўртасида шитоб билан сузив борарди. Ҳаммаёқ жимжит, гоҳ-гоҳ тўлқиннинг кема четига урилиб шапиллагани эштийларди холос. Туннинг қора пардаси ҳаммаёқка ўз тўрини ёйган эди. Ярим кечаси тўсатдан аллакимнинг «А-а-а!» — деган даҳшатли қичкириги эштилди. Ҳамма ваҳима билан югуриб кема саҳнига чиқди. Саҳн бўм-бўш, ҳеч нарсанинг изи ҳам сезилмасди. Кемадагилар кимнинг нима сабабдан бақирганини ҳам билишмасди. Йўловчилар бирмабир кўздан кечириб чиқилгач, ораларида Қўрқоқ кемачи — Абулҳасаннинг йўқлигини сезиб қолишли. Ҳаммаёқ қидириб чиқилди, аммо бақалоқ ҳеч ерда йўқ эди. У сирли равишда гойиб бўлганди.

«Оббо бақалоғ-еї, қаёққа йўқолдийкин-а,— деб хуноб бўларди Қўрқмас кемачи. — Е ваҳимадан жинни бўлиб ўзини сувга ташладимикин?» Ҳарчанд қидиришмасин, бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Уни чўкиб кетганга чиқаришли. Қуни билан йўловчиларнинг кўнгилларига қил ҳам сиғмасдан, ковоқларидан қор ёғиб юришли. Қўрқоқ кемачининг сирли ҳалокати ҳамманинг дилини хуфтон қилган эди. Аммо ўша кун ҳам осойишта ўтди. Кема, сув юзида қушдай енгил сузив борар, тинчгина турган денгизда ҳеч қандай хавф-хатар йўқдай эди. Йўловчилар барибир таҳлика остида уйқуга кетишиди. Ярим кечасига бориб яна аллакимнинг «А-а-а!» деган даҳшатли қичкириги эштилди. Яна йўловчилар ваҳима билан кема саҳнига тувиллаб югуриб чиқишли. Яна саҳн бўм-бўш, ҳамма нарса жойида эди. Одамлар бирмабир санаб чиқилди: энди кемачилардан Абутавозе йўқ эди. Ҳеч кимга зарари тегмасдан нуқул таъзимда турадиган одам ҳам худди Қўрқоқ кемачидай сирли равишида гойиб бўлган эди.

«Ана, айтмовдимми? — деб бош чайқади дарфа. — Буларнинг ҳаммаси ўша арвоҳлар кемаси туфайли бўляпти. Ҳали бошимизга кўп ёмон кунларни солади бу лаънати кема!».

Бу сўзлардан йўловчиларнинг қўрқуви баттар ортди. Улар кемадаги ўз хоналарига кирганларида тиқ этган тоушга қулоқ солиб, тунни уйқусиз ўтказиши. Тонг отди, сокин дентизу унда бемалол сузид бораётганликларини кураб кемадатилар бир оз таскин топишиди ва ҳамма ўз иши билан машғул бўлди. Аммо кеч кириб, қоронғу тушиши билан йўловчиларни ваҳима боса бошлади, улар номаълум хавф-хатарни кутишиб, бир-бирларининг пинжларига киришганини рича изажа қоқмай ўтиришарди.

Бу сафар тунги даҳшатли қичқириқ кеманинг бурун тарафидан эшитилди. «А-а-а-а!»—деб яна жон-жаҳди билан қичқирди кимдир. Кемадагилар ўша томонга югуришиди. Аммо бу ер ҳам жимжит, ҳамма нарса ўз ўнчи а эди. Сим бақирганини суриншира кетишиди. Матълум булишича, бу унда кема дарғаси йўқолган эди. Бу ҳаммани ғижоятда ашвишга солди. «Дарғасиз энди нима қиласиз, ҳолмиз ве кечади?— деб оҳ-воҳ қилишиди йўловчилар. — Ҷунинг бир чорасини топиш керак, бўлмаса ҳаммамиз битта-биттадан денгиз қаърига кетамиз шекилли!» «Наҳотки бу ишни ўша кемадаги арвоҳлар қилаётган бўлса?— деб мулоҳаза юнита бошлади Қўрқмас кемачи. — Ахир, дарға уларни ўлган одамлар арвоҳи деганди шекилли?» «Ҳа, арвоҳларни одам унглаганини сира эшитмаганман,— деди унга жавобан Сандбод. — Бу ерда бошқа сир бўлиши керак». Улар бугун тнда ухламасдан пистирма қўйиб пойлашга қарор бердилар. Бунинг учун Қўрқмас кемачи ҳийла ишлатини таклиф қиди: ўзини кеманинг бош устунига боғлаб қўйиншиларни, бошқалар эса ухламасдан ўтиришларини маслаҳат берди. Йи ювчилар бунга рози бўлишиди. Ҳар эҳтимолга карши ҳар ким бирор қурол билан тайёр туриши лозимлигини тайинлашиди. Ҳар ким қўлига илинган нарсани олиб, ўз хоналарида сим пусиб ўтиришиди.

Қўрқмас кемачи кеманинг бош устунига боғланганинг турар, фалокатнинг қайси томондан келишини бўлмасдан ашивишда эди. Мана, ҳаммаёқни қоронғулук босди. Атроф ү имжитлик, фақат кема тўшига урилган сув беозор шапиллар эди. Гўё ҳеч қандай хавф-хатар йўқдек эди. Қўрқмас кеманинг аста-секин уйқу боса бошлади. Энди кўзи илинган эди, унга гўё Қўрқоқ кемачи кўринингандай бўлди. У зўр бериб: «Дўстим, мени қутқар», — деб ёлбораётгандай эди. Қўрқмас кемачи шоша-пиша кўзларини очди, кемада ҳеч ким йўқ эди. Уни яна уйқу босди, аммо ухлаб қолиши сира-сира мумкин эмас, негаки кемада тирик қолган барча йўловчиларнинг умидлари унда. Шунинг учун Қўрқмас кемачи уйқуни енгишга уринди. Бунинг учун у кичкина пичноқчаси билан жимжилогининг учини кесиб қон чиқарди-да, туз селиб олди. Жимжилоги оғриб ачий бошлади, шу билан у кўзларини босиб келаётган уйқуни қувди.

Вакт алламаҳалга яқинлашганда кимдир унинг елкасини силагандек бўлди. «Шу бемаҳалда ким экан бундай ҳазиллашадиган?»— деб ўйлади Қўрқмас кемачи. Аммо қўл тобора узалиб унинг томогига етиб келди ва шу заҳоти уни бўға бошлиди. Қўрқмас кемачи даҳшатдан бақириб юборди. Ҳалиги қўл унинг гавдасини айлантириб ўраганича тортиб кетмоқчи бўлди, аммо кемачи устунга маҳкам боғлаб қўйилгани учун ажратиб ололмади. Қўрқмас кемачи оғриқ ва даҳшатдан жон-жаҳди билан бақирганича қўлидаги пичокчасини ўзини ўраб, бўғиб турган йўғон қўлта санҷди, аллакандай вишиллаган овоз эшитилди, кандайдир суюклик унинг устига қўйилиб, ҳаммаёғини шалаббо килди. Кейин нимадир шалоплаб денгизга тушиб кетди.

Бақириқ овозига одамлар етиб келишганда бошдан-ёқ қора қонга белангаи Қўрқмас кемачини кўришди. Кема саҳни — ҳаммаёқ қўланса ҳидли қора қон эди. Қўрқмас кемачи соппа-соғ бўлса ҳам оғриқ ва ҳаяжондан соқов бўлиб колгандай эди. «Хўш, нима гап?»— деб сўрашди ундан йўловчилар. Қўрқмас кемачи бўлган ҳодисани айтиб берди. Шунда кемадаги кўпни кўрган мўйсафид йўловчиғоят ташвиш билан бош чайқади. «Кемага баҳайбат саккизоёқ ҳужум қилиби, — деди у. — Бир неча кундан бери биттадан йўловчини тортиб кетаётган ҳам ўша экан. Ағсуски, бу гал у яраланибди. Дунёда ярадор йиртқичдан даҳшатлироқ нарса йўқ. Энди у бизга ҳужум қилиб, ўч олишга уринади, ҳушёр бўлинглар!»— деди қария. У ўз гапини тугатишга улгурмаган эди ҳамки, денгиз томондан узуи, шилимшиқ қўл келиб бечора мўйсафидни шундоқкина тортиб олиб кетди. Кемадагилар ваҳима билан турли томонга тирқираб қочишиди. Аммо анди кеманинг ҳамма томонидан ана шундай юнг босган, қоп-қора, буришган, шилимшиқ қўллар чўзилиб келар, қўлга тушган одамни шундоқкина ўраб, денгизга тортиб кетарди. Кемага йиртқич саккизоёқлар ҳужум бошлаган эди. Довюракроқ йўловчилар пичноқ, қилич ва бошқа ўткирроқ қуроллар билан саккизоёқларнинг ҳужумини даф қилишар, уларнинг бир-икки қўлини қиркиб ташлашга ҳам муваффақ бўлишган эди. Кесилган қисқичлардан қоп-қора, қўланса ҳидли қон шариллаб оқиб ётар, аммо яраланган йиртқичлар бошқа — соғ қўлларини ишга солиб, одамларга жон-жаҳдлари билан ҳужум қилишарди. Ҳамон кеманинг устунига боғланган ҳолда турган Қўрқмас кемачи ўзига човут солаётган саккизоёқлар ҳужумини қўлидаги пичноқчаси билан даф қилар экан, Синдбодни: «Хожам, ҳушёр бўлинг, ана, яна биттаси ўрмалаб келяпти, ана, қўлини чўзди!»— деб хавфдан огоҳлантириб турди. Синдбод ҳам саккизоёқларга чапдастлик билан чап берар экан, келиб Қўрқмас кемачининг ёнига туриб олди. Бу томондан келган ҳужумни Қўрқмас кемачи, орқадан келгандарни эса Синдбод даф қилиб турди. Аммо кучлар тенг эмас

эди. Денгиздан яна түп-түп саккизоёқлар чиқиб келишар, биттаси ўлдирилса иккинчиси тайёр эди. Аҳвол оғирлигини күрган Құрқас кемачи қўлидаги пичоги билан устунга боғлаб турган арқонларни кесди-да, юқорига тармашди. «Хожам, тепага кўтарилинг!» — деб Синдбодга ёрдам қўлини чўзди у. Улар устунларга тармашиб юқорига кўтарилилдилар. Пастда, кеманинг саҳнида сон-саноқсиз саккизоёқлар тужгон ўйнарди, уларнинг кўплигидан кема ҳам лапанглаб, уёқбуёққа оға бошлади. Бирор баҳайбат саккизоёқ денгиздан келиб кемага осилиб чиқа бошлаганды кема ўша томонга қийшайар, кейин иккинчи томонга оғиб аранг ўзига келарди. Кема ҳар чайқалганды Синдбод билан Құрқас кемачининг ахволи танг бўларди. Улар кеманинг узун устунидан учиб кетмаслик учун уни маҳкам қучоқлаб олишган, эди бирон жойдан нажот келмаслигини яхши билишарди. Бирдан Құрқас кемачи саккизоёқларнинг бир галаси устунга тирмашиб улар томонга кўтарилаёттанини кўрди. «Хожам, ҳушёр бўлинг, бадбахтлар буёққа ҳам чиқишияти», — деди у. Яқинлатшиб қолган бир-икки саккизоёқнинг ҳужумини даф қилишди. Аммо ўлжанинг ҳидини олган йиртқичлар бир-бираини босиб янчиди улар томонга ҳамла қилишарди. Сайёҳларга чўзилган ўғлаб ифлос, қоп-қора, шилимшиқ қўллар етай-етай деб қолди, — деди Құрқас кемачи. — Энди бирдан-бир йўл — денгизга сакраш. Эҳтимол, сувда улар бизни тополмас...» «Майли, пешонамииздан кўрдик!», — деди Синдбод. Улар юракларини ҳовучлаганларича пастга — қайнаб турган денгизга қарашди. Пастга сакраш жуда қўрқинчли эди. Лекин илож қанча — бирдан-бир қутулиш йўли шу, йўқса мана бу лаънати ёпишқоқ қўлларга тушиб ҳалок бўлиш турган гап. «Сакра!» — деб буйруқ берди Синдбод Құрқас кемачига. У пастга қараб шўнгиди. Абулборийнинг оркасидан Синдбод ҳам кўзини чирт юмдию ўзини пастга отди.

Жуда баландликдан тушгани учун Синдбод денгизга чуқур шўнгигиб кетди, оғзига сув кириб, нафаси қайтиб ўлаёзи, шу боисдан питирлаб юқорига талпинди ва бир амаллаб сув юзасига чиқиб олди. Биринчи қарагани — кема бўлди, чунки ундан узоқлашсаларгина одамхўр саккизоёқлардан қутулиш мумкин эди. Хайриятки, кемани узоқроқда кўрди, ён-атрофда ҳеч қандай йиртқич йўқ, денгиз ҳам анчагина тинч эди. Шундай бўлса ҳам Синдбод кемадан узоқлашиш, очофат саккизоёқлардан халос бўлиш учун жон-жаҳди билан сузиб кетди. Кейин бирдан унинг эсига Құрқас кемачи тушди, у қаерда экан, а? Синдбод сув юзидан бир оз бошини кўтариб: «Абулборий!» — деб чақириди. Шунда узоқдан: «Хожам, буёққа, буёққа!» — деган жавобни эшилдию ўша томонга сувди. Узоқда, сув юзида Құрқас кемачининг қора нуқтадай бўлиб кўринаётган бопини илғаб олди. У ҳам Синдбод томонга

сузиб келарди. Күп ўтмасдан улар бир-бирларига яқинлашиб қолишиди.

Икки дүст узоқ сузиши, саккизоёқлар әгаллаб олган ўз кемаларидан анча узоқлашиб, уни бутунлай күздан йўқотиб қўйишиди. Дастреб ўлимдан қутулганларига хурсанд бўлишган бўлса-да, аста-секин уларни яна ваҳима боса бошлади. Чунки одам ҳар қанча уста сузуви бўлса ҳам сувда имкондан ортиқ тура олмайди, бунинг устига бепоён уммонда яна бирор йиртқичга дуч келиб қолиш хавфи ҳам йўқ эмас эди. Шунинг учун уларнинг кўзлари бирор нажот излаб чор атрофга жондирашарди. Тонг ҳам яқинлашиб уфқ томондан қуёш бўзарип кўтарилиб келарди. «Хожам, ана ўёқка қаранг!» — деб қолди кўзлари ўткироқ Абулборий шарқ томонни ишора қилиб. Ҳали эндигина оқаришаётган уфқда аллақандай қора нуқта кўрингандай бўлди. Чиқмаган жондан умид, деганларидек Синдбод билан Қўрқмас кемачи ўша томонга қараб суза бошладилар. Қўрқмас кемачи тез-тез сув юзасида қаддини ростлаб ҳалиги нуқтани қидириб топар, орқада қолиб кетаётган Синдбодга: «Хожам, буёққа, буёққа», — деб далда бериб бораарди. Шу билан бирликда у ўзлари кўрган қора нуқта тобора катталашиб бораётганини, тўғрироғи у ҳам шу томонга қараб ҳаракат қилаётганини сезиб қолди. «Бирорта йўловчи кема бўлса-я!» — деган умид туғилди Қўрқмас кемачида ва Синдбодга қараб: «Хожам, кема биз томонга қараб келаяти», — деди. «Тагин ўзимизнинг кемамиз бўлмасин», — деди Синдбод. «Йўқ, бу бошқа кема», — деди Қўрқмас кемачи ва синчиклаб қарашда давом этди. Кўп ўтмасдан ҳалиги кема анча катталашиб кўринди, у тўппатўғри улар томонга физиллаб сузиб келарди. Ана, унинг устунлари, елканлари кўзга яқъол кўрина бошлади. Аммо бу кема бошқачароқ эди... «Хожам... бу... ўша кема», — деди Қўрқмас кемачи ҳамон ундан кўзини узмасдан. «Қайси... ўша кема?» — деб ундан қайтариб сўради Синдбод. «Ўша... арвоҳлар кемаси-да...» деб жавоб қилди Қўрқмас кемачи. Бу сўзни эшишган Синдбоднинг этлари жимирилашиб кетди. Бу орада кема уларга жудаям яқинлашиб қолди: мана унинг ўёқдан буёққа лапанглаб турган чириган устунлари, минг парча бўлиб шалвираб осилиб қолган елканлари шундокқина кўриниб қолди. Ҳа, бу ўша — арвоҳлар кемаси эканлигига шубҳа йўқ эди. У бутун сирли даҳшатини намоён қилганчча сайёҳларнинг ёнгинасидан ўтиб бораарди. «Хожам... бошқа иложимиз йўқ, бу кемага чиқиб олмасак чўкиб кетишимиз аниқ», — деди Абулборий. «Майли, уриниб кўр», — деб рухсат берди Синдбод. Қўрқмас кемачи физиллаб кетиб бораётган кемани тўхтатиш йўлини топиш учун олдинига, «ёрдам беринглар», — деб бақирмоқчи бўлди. Лекин арвоҳларни ёрдамга чақиришдан ор қилди шекилли, кеманинг ён-верисини синчиклаб кўздан кечирапкан, пастга осилиб турган бир

арқонни күриб қолди. Үнга маҳкам тармашдию бир учини Синбодга узатди. «Маҳкам ушлаб туриңг, хожам, мен чиқиб, кейин сизни тортиб оламан!» — деди у. Сүңг абжирлик билан арқонга сөкеларини ўраб юхорига күтарили. Кейин кемага ўтдио тез орада Синбодни ҳам тортиб олди.

Улар кемага чиқишига қилишларини, қаёққа юришларини билмасдан туриб қолиши. Мана, ўша... арвоҳлар кемаси. Унинг қачон қурилгани, қай вақтлардан бери дengизларда қўрқинчли шарпадек сузиб юрганини ҳеч ким билмайди. Кеманинг баланд, аммо эскириб қолган устунлари ваҳимали гичирлар, ўнгиб кетган, парча-парча йиртилган елканлар худди улкан калхатлар қанотидай шамолда патилларди. Эндинга отиб келаётган тонгнинг гира-шира ёруғида кема гаҳни бўм-бўш ва ваҳимали кўриниар, ҳаммаёқ кимсасиз, ҳувиллаган эди. Димоққа ачимтил могоҳ ҳиди гупиллаб уриларди. Лекин елканлари йиртиқ, бошқарувсиз бу кема ўз-ўзидан дengизда гизиллаб сузиб борарди. «Кеманинг эгалари кўринмайдими?» — деб пичирлади Қўрқмас кемачи Синбодга. Синбод ҳам ҳайратдан қотиб қолгандай эди. Бирдан Абулборий Синбодни енгил туртди. «Уни қаранг, хожам», — деди у кеманинг бошқарув супаси томонини ишора қилиб. Синбод қарадио даҳшатдан қичкириб юборишига сал қолди. Кеманинг ёғочдан ясалган бошқарув чамбарагини маҳкам ушлаганича кимдир турарди, аммо унинг қимир этмай, овоз чиқармай туришидан — унинг тирик одам эмаслиги аниқ эди. Ҳақиқатдан бу кемани — қоқ устихонга айланай деб қолган мурда бошқарив борарди. Унинг чангасимон қўл суяклари чамбаракка ёпишганича қотиб қолган, узоқларга тикилиб турган кўзларнинг ўрни эса бўм-бўш чуқурликдан иборат эди. Лекин унинг қоқ суяклари кемани бир маромда ушлаб турар, шунданми кема тўғрига қараб сузиб борарди.

Синбод билан Қўрқмас кемачи ўлик даргадан кўзларини узиб бошқа томонга қараган эдилар — ҳамма томонда қотиб ўтирган жуда кўп мурдаларни кўришди. Ким чўзилиб ётар, ким деворга суянганича қотиб қолган, баъзи бирлари эса кўк-ракларига санчилган пичноқлари билан қийшайиб қолишиган эди. Афтидан, кемада қаттиқ уруш-жанжал бўлгану ундаги одамлар бир-бирларини турли қуроллар билан ўлдиришган. Мурдаларнинг қиёфасидан улар қароқчилик билан шуғулланганга ўхшарди. Бу қонли воқеа бўлиб ўтганига анча бўлган, илло мурдаларнинг кўпларий ириб-чириб кетган, устларидаги кийимлари илвираб, осилиб турарди.

Арвоҳлар кемасидаги манзара қанчалик даҳшатли бўлмасин, Синбод билан Қўрқмас кемачи дengизга ғарқ бўлмасдан бу ерга чиқиб олганликларидан ҳарқалай мамнун эдилар. Улар ўз кемаларида саккизоёқлар билан олиша-олиша, кейин аса сувда узоқ сузганларидан ниҳоятда чарчаган,

оёқ устида зўрга туришарди. Шу боисдан улар кема саҳнинг мурдалардан ҳолироқ жойига ўтириб нафасларини ростламоқчи бўлишди. Аммо улар шу қадар ҳолдан тойган эдиларки, хеч нарсага қарамасдан бир-бирларига суюнганларича тошдек қотиб ухлаб қолишиди. Бир пайт Синдбод аллақандай оёқ товушларидан уйғониб кетди, шартта кўзини очиб қараса — кема саҳни одамлар билан тўла эди. Синдбод шоша-пеша Қўрқмас кемачини уйғотди. У ҳам кўзларини уқалаб, атрофга қараганча қотиб қолди: арвоҳлар тўп-тўп бўлишиб саҳида дайдиб юришар, гоҳ уёқса, гоҳ буёққа бориб келишар, ўзларича нималарнидир тўлдирашарди. Улар вакти вакти билан бараварига «Оҳ! Оҳ! Оҳ!» деб қўйишарди. Албатта бундай манзарапи кўриб сайёҳларнинг уйқуси қочди, улар нима қилишларини билмасдан туриб қолишиди. Лекин арвоҳлар уларнинг ёнгинасидан ўтиб кетишича ҳам эътибор беришмасди. Арвоҳлар кундузи донг қотиб ётганларидан кўра ҳозир даҳшатлироқ, уларнинг сувклари юрганда шақир-шуқур овоз чиқарар, жағлари қимиirlар, корачиқсиз кўз чаноқлари хунук ялтиради. Синдбод билан Абулборий бу манзарапи чурк этмасдан кузатиб туришарди. «Хожам, анувларни қаранг, сал бошқачароқми?» — деди Қўрқмас кемачи арвоҳлар орасидаги иккита шарпани кўрсатиб. Ҳакиқатан ҳам бу икки шарпа жуда секинлик билан орқасига қараб тисарилар, улардан бири эса ҳадеб учраган арвоҳга таъзим қиласди. Сайёҳлар бу антиқа арвоҳларни кузатиб туришаркан, улардан бири — дум-думалоқ, хўппасемиз арвоҳ тисарилганича Қўрқмас кемачининг олдига яқинлашиб келди-да, унинг оёғини босиб олди. У оёғини тортиб олмоқчи бўлганда ҳалиги арвоҳ ағдарилиб тушди-да, жон-жаҳди билан алланима деб бақириб юборди. У шунчалик қаттиқ бақирдики, ҳатто ўз дарди билан дайдиб юрган арвоҳлар ҳам чўчиб кетгандек бўлишди. Улар ҳалиги семиз арвоҳни ўраб олишди, бақалоқ арвоҳ чўнтагидан нимадир олиб уларга қараб отди ва шунда... мўъжиза юз берди: арвоҳлардан бири тилга кириб: «Хайрият, шунча йиллар кутдим-а!» — деб юборди. Буни эшитган семиз арвоҳ гурсиллаб йиқилиб тушди. У тўппа-тўғри келиб Қўрқмас кемачининг устига ағанади ва Абулборий шунда семиз арвоҳни таниб қолди — у Қўрқоқ кемачи — Абулҳасан эди. «Бақалоқ, сенмисан, кўзингни оч!» — деди Қўрқмас кемачи Абулҳасаннинг бошини кўтариб. Таниш овозни эшитиб Қўрқоқ кемачи кўзларини очди ва Абулборийни кўриб қўрқувданми ё хурсандчиликданми — йиглаб юборди. Кейин унинг ёнида Синдбодни кўриб, буларнинг арвоҳ эмас, тирик одамлар — ўз дўстлари эканлигига ишонч ҳосил қиласди. Бу орада кўринган арвоҳга таъзим қилиб келаётган арвоҳ ҳам — мурда эмас — Абутавозе эканлиги маълум бўлди. Тўрттала дўст бир-бирлари билан қучоқ очиб кўришдилар. «Хайрият, тирик экансизлар, хожам», —

деди Абулҳасан кўзларида ёш билан. «Бўлган воқеаларни кейин айтиб берарсан, ҳозир мана буларнинг чора-тадбирини кўрайлик», — деб уни юпатди Қўрқмас кемачи. Ҳаммалари тилга кириб кетган ҳақиқий арвоҳга қараши. У кеманинг саҳнида чўзилиб ётар, аммо худди тирик инсонлардай гапи-пар эди. «Хайрият, шу кунга етдим, — деди у ва худди тирикдай Қўрқоқ кемачига қараб таъзим қилди: — Раҳмат сизга...» Аммо йигилганлар унинг нима учун миннатдорчилик билдираётганини тушуни масди. «Мен сизларга ҳаммасини тушунитириб бераман, — деди арвоҳ қаддини кўтариб.— Қўриб турибсизларки, биалар ҳозирда арвоҳлармиз. Лекин қачонлардир одамлар эдик!— Арвоҳнинг кўз ўринидаги чукури ялтираб кетгандек бўлди. — Аммо биз ватанларимизни ташлаб, қароқчиллик йўлига кирдик, гуноҳга ботдик, одам ўлдирдик, талончиллик қилдик, шунинг учун жуда оғир жазога мустаҳиқ бўлдик. Бизлар аллақачонлар ўлиб бўлганмиз, лекин ҳамон руҳимиз тентираб юрибди. Сабаби — биз учун фақат бир нарса — она ватанимиз тупроғи етишмайди, шунинг учун сарсону саргардонмиз. Мана бу одам, — деб Қўрқмас кемачини кўрсатди ҳалиги арвоҳ, — менга мисли йўқ яхшилик қилди — она ватаним тупроғини бошимдан сочди. Мен энди ҳақиқатан ҳам ўлиб, руҳим безовта бўлмасдан абадий уйқуга кетаман... Раҳмат сенга, эй яхши одам!» Арвоҳ шундай дедию жим бўлиб қолди. Энди унинг бутун вужудида тақдирдан розилик аломатлари зоҳир эди. Бу воқеани кўрганлар лом-мим дёёлмай колиши. «Бақалоқ, сен бўнга нима сепувдинг, а?» — сўради Қўрқмас кемачи. «Жудаям яқинимга келиб қолганидан қўрқиб кетиб, чўнтағимдаги бир сиқим қумни юзига сочиб юборувдим...» — деди Қўрқмас кемачи.

Аммо бу воқеадан кейин бошқа арвоҳлар безовта бўлиб колиши. Улар ҳам, «бизларга ҳам ватанимиз тупроғини топиб беринглар», дегандек сайёҳларни ўраб олиб, кеманинг бир четига суриб кела бошлаши. «Оббо, энди бу бало бормиди? — деди Қўрқмас кемачи, сўнг Қўрқоқ кемачига юзланди: — Бақалоқ, чўнтағингда куминг қолганми?» «Йўқ, тамом бўлибди», — деди Қўрқоқ кемачи. Бошқаларнинг чўнтақлари ҳам қуп-қуруқ эди. Арвоҳлар эса тобора ўраб келишарди. Бирдан Қўрқмас кемачининг кўзи кема четида тўнтирилиб ётган эски бир қайиқقا тушди. «Қайиқ, хожам, биз кутулдик!» — деди у ва тўрталалари қайиқка ёпишиши. Қўрқмас кемачи қайиқ остидаги борми-йўқ тупроқдан олиб арвоҳларга караб сочди. Шу йўл билан уларнинг кўзларини шамғалат қилишиди, қайиқни сувга тушириб, бирин-кетин унга сакраб тушиши. «Абулҳасан, эшкакка қара!» — деб буйруқ берди Қўрқмас кемачи ва улар тез орада арвоҳлар кемасидан узоклашиши. Арвоҳлар ўз кемаларида ғимиллаганларича қолиши. «Хайрият, қутулдик, а? — деди Қўрқмас кемачи.— Бўлмаса бу мурдалардан ҳамма нарсани кутиш мумкин

эди...» «Афсус, тупроқдан күпроқ олволмаган эканмиз», — деб ачинди Құрқоқ кемачи. «Йўқ, буларга фақат ўз ватанинг тупрогигина эм бўлади, — деди Синдбод, — афсуски, ҳар бирига ўз ватанининг тупрогини олиб келиб сочишга имконимиз йўқ». «Менга қаранглар, — деди Қўрқмас кемачи, — ҳозир аллақандай арвоҳларнинг ғамини еб ўтирадиган вақт эмас. Агар ўзимиз тезроқ қуруқликка чиқиб олмасак ё биз ҳам ўшалардек арвоҳларга айланамиз, ёки очофат саккизоёқларга ем бўламиз...» «Айтгандай, сизлар бу очофатлардан кандай омон қолдинглар?» — деб сўради Синдбод Қўрқоқ кемачи билан Абутавозедан. «Мени иккита саккизоёқ талашиб қолишиша бўладими? — деб ҳикоя қилди Қўрқоқ кемачи. — Шу тўполон орасида мен уларнинг қўлидан секин сирғалиб қочиб қолдим...» «Қўйсанг-чи, у сени ялаб кўргану бемазалитингни сезиб ташлаб юборган бўлса керак», — деб унга ҳазиллаши Қўрқмас кемачи. «Балки шундайдир, — деди Қўрқоқ кемачи пинагини бузмай. — Аммо менинг ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ эди. Жон-жаждим билан сузиб, улардан кочдим. Бир пайт энди қаёққа сувсам экан, деб турсам бахтимга ёнгинамдан бир кема ўтиб қолди. Мен, хайрият, йўловчи кема келиб қолди, деб суюниб, қичқириб одамларни ёрдамга чақира бошладим. Лекин ҳеч ким жавоб бермади. Шунда кемадан тушиб турган бир арқонни кўриб қолдим. Унга тармашиб чиқсам, не кўз билан кўрайки — арвоҳлар кемаси...» «Хўш, манави Абутавозени қаердан топиб олдинг?» — деб сўради Қўрқмас кемачи. «Ўзим кемада дир-дир титраб турсам кимдир «қутқаринглар» деб бақирияпти. Қарасам — Абутавозега ўхшади, униям арқон ташлаб тортиб олдим. Кемага чиқиб олиб дир-дир титрайди-ей, кўринган арвоҳга таъзим қиласидими-ей...» «Ҳа, кўрдик, ўзингнинг қўрқмаганингни, — деди Қўрқмас кемачи, сўнг Абутавозега юзланди: — Хайрият, лаънати очофатлар сени ютиб юборишмапти...» «Ишқилиб, камсукумлик яхши-да, — деди Абутавозе. — Ўша кечаси бир қўл келиб мени тортиб кетди, энди ўлдим деб турсам — у мени оғзига яқин олиб бордю кейин қўйиб юборди...» «Балки букилиб турган бўлсанг саккизоёқнинг оғзига сиғмагандирсан?» — деб ҳазиллашиб қўйди Қўрқмас кемачи. Хуллас, улар йиртқичлар ҳужумидан, кейин эса арвоҳлар сиқувидан сог-омон қолганларидан ўзларida йўқ хурсанд эдилар. Энди денгиз тутқунлигидан ҳам қутулиш учун тўртовлон эшкакка зўр бердилар.

Улар уч кечаю уч кундуз қайиқда сузишли. Тўртинчи куни узоқ уфқда нотаниш соҳил кўзларига элас-элас кўринди. Сайёҳлар ўша соҳилга жон кўзлари билан тикилишиди. Ана ўша ерга етиб олишса омон қолишиди, денгиз асоратидан ҳам ҳар хил йиртқичлар хавфидан қутулишади.

Ниҳоят, узоқ оразиқиб кутилган дақиқалар келди. Уларнинг қайиқлари ҳум тепалардан иборат соҳилга келиб тўх-

тади. Саёҳатчиларнинг қуруқ ерга тушгандан кейинги биринчи орзулари — мириқиб ухлаш эди. Улар қирғоқ бўйида ўсган бир дараҳтнинг соясига таппа ташлашдию қотиб ухлаб қолишиди.

Синдбод қандайдир ўткир типларнинг бўйнига ботаётгани, ўзини кимдир судраб кетаётганидан сапчиб уйғонди. У ўзига човут солган йиртқични кўраман, деб қўзларини катта очиб атрофга қаради. Лекин ҳеч қандай йиртқич кўринмади. Бўйнига қадалган ўткир тишлар катталиги одам жимжилогидай қеладиган чумолиники бўлиб чиқди. У баданига ёпишган чумолиларни жаҳл билан териб ташлар экан, «шерикларимнинг ҳоли не кечди», деб ўйлади. Қўрқмас кемачи ҳам чумолилар чақишидан уйғониб кетган, лекин Қўрқоқ кемачи жойида йўқ эди. Шоша-пиша уни излай кетишиди, ҳув наридаги чумоли ини оғзидан топишиди. Чумолилар уни шундан шунгача судраб кетишиса ҳам уйқусидан уйғонмабди. «Тур-е, бақалоқ, шунча балолардан омон қолиб келиб-келиб чумолига ем бўлишингга сал қолибди-я», — деди Қўрқмас кемачи уни туртиб уйғотаркан. Қўрқоқ кемачи уйғондию, ўзини шундай ширин машғулотдан маҳрум қилган бу лаънати чумолиларнинг бошини чўрт-чўрт уза бошлади. Лекин чумолилар бўш қеладиган эмас эди. Саёҳатчилар ўзларига ёпишган қисқичлари даҳшатли бу ҳашоратлардан аранг халос бўлиб, бу жойдан қочишиди. Аммо нарироққа боришгач, бу очофат чумолиларнинг кучига қойил қолишиди: улар бутун бошли филларни ҳам судраб, бир зумда талаб еб кетишаркан. Бу чумолилар сира тўйдим демас, нимаики кўришса ўшанга ёпишиб, инларига ташиш пайида эканлар.

Кўп ўтмасдан узоида бир шаҳар кўринди. Саёҳатчилар ниҳоят одамларга дуч келишганидан ўзларида йўқ хурсанд здилар. Ахир, одам — одам билан тирик, деб бекорга айтмаганлар-да. Синдбод бу ерликлар билан суҳбатлашиб бу мамлакатнинг номини, подшоси кимлигини билиб олди. Шуниси қизиқки, бу мамлакатнинг номи — Олган-олганники экан, подшоси ҳам шунга мос — Олавер подшо экан. Йўловчилар бунақа антиқа номни сира эшитмаганликларидан олдин ҳайрон бўлиб туришиди, кейин одамларнинг қилиқларини кўриб, бунинг сабабини тушуниб олишиди. Одамлар йўл-йўлакай қўлларига нима илинса олиб кетаверишар, бунга ҳеч ким тўсқинлик қилмас экан. «Подшойинглар буни ман қилмайдими, ўғриларга жазо бермайдими?» — деб сўради Синдбод. «Йўғ-е, бизда кимки кўпроқ нарса ўмарса ўша энг ҳурматли одам ҳисобланади, — деб жавоб қилишиди оролликлар. — Подшомиз унга мукофотлар беради, баланд мартабаларга кўтаради. Яшасин, Олавер подшо!» — деб ўз сўзларини тугатишиди улар.

Шаҳарга кираверишида ердан бошланиб боши осмонга етадиган бир ҳайкал турарди. «Бу кимнинг ҳайкали?» — деб

сўрашди сайёжлар. «Улуг Олавер подшомизники. Олавер подшоға шон-шарафлар бўлсин!» — деб хитоб қилишди оролликлар. Қарашса подшонинг бунақа ҳайкаллари ҳаммаёқда тўлиб-тошиб ётиби.

Йўловчилар мұхташам дарвозалардан ўтиб, шаҳар ичкарисига кириб борар эканлар, бу юртдаги ажойиботларни кўриб ёқаларини ушлашарди: Олган-олганникилар жуда ғалати қиёфада әдилар: уларнинг баъзилари олдинга эгилиб, буқчайиб юришса, бошқалари эса оркада қаққайиб юришар, тўғри юрган одам кўринмасди. «Хожам, буларнинг ҳаммаси белангимикин, а, бирортаси ҳам қаддини ростлаб юрмайди-я», — деди Қўрқмас кемачи Синдбодга. «Йўқ, бу ерда бошқа сир борга ўхшайди, шошимасак билиб олармиз», — деди Синдбод.

Лекин бу мамлакат Абутавозега жуда қўл келди. У доимо икки букилиб юрганидан шу оролликларга ўхшади-қўйди. Абутавозе бу ерда ўз тавозесини яна ҳам ошириб юборди: у икки қўлини кўксига қўйганча ярим букилиб юрар, тоҳ ўнг, тоҳ чапга қараб, кўрган одамига илжайиб таъзим қилиб борарди. Буни кўриб Қўрқоқ кемачи ҳам бир оз эгилиб олди. «Келинглар, бизлар ҳам сал эгилиб юра қолайлик, бу оролликларнинг важкоҳати ёмон», — деди у қўрқа-писа. «Эй, бақалоқ, мунча қўрқасан, қаддингни кўтариб юр, сени еб қўйишармиди?!» — деб уни койиб берди Абулборий.

Сайёхларнинг келгани орол подшосига маълум бўлибди шекилли, уларни подшо саройига таклиф қилишди. Сарой дарвозасидан — турган гапки Абутавозе эгилиб-букилиб, Қўрқоқ кемачи қўрқа-писа, Синдбод билан Қўрқмас кемачи эса қадларини тўғри тутганларича кириб келишди. Саройда уларга муносабат ҳам шунга қараб бўлди: сарой аъёнлари Абутавозега алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиши. «Марҳамат, марҳамат, келсиллар», — деб уни юқорига олишди, тўрга ўтказиши, зиёфатлар қилишди, зарбоф чопонлар кийгазиши. Синдбод билан унинг шерикларига эса ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамади, улар бир бурчакда қолиб кетиши. Аммо улар «қани, бу машмашалар нима билан тугаркин», деб сабр-тоқат билан кутиши. Кўп ўтмасдан уларнинг олдига Абутавозе келди. Лекин у энди олдинга эгилиб эмас, орқасига қаққайиб турарди. «Ҳа, — деди унга Қўрқмас кемачи. — Ҳозиргина икки букилиб турган одам бунча кекаймасанг!» «Ишинг бўлмасин, тати паст, сен ким билан гаплаштаётганингни билансинми? — деди гердайиб Абутавозе. — Мен — кимсан — Олавер подшонинг арбобларидан бўламан. Ўйнашматин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, деганлар. Тагин адабингни бериб қўймайин!» — деб дагдага қила кетди Абутавозе. Кечагина кўринганга эгилиб таъзим қилиб юрган бир кимсанинг бу хилдаги керилиши ҳаммани таажжубга солди. Қўрқоқ кемачи буни кўриб «дағ-дағ» титрай бошлиди, аммо Қўрқмас кемачининг бу беодобликдан жаҳли чиқди: «И-е, бу гаплар сен-

дан чиқяптими, сертаъзим? — деди у ғазаб билан. — Бошқаларнинг олдида икки букилиб, бизнинг олдимизга келиб кеккаясанми? Жўна, келган жойингга!» — деди у. «Сен безори мени — Олавер подшонинг суюкли фуқаросини ҳақорат қиласанми? — деб қичқирди Абутавозе қўлларини пахса қилиб. — Мен сенга кўрсатиб қўйман! Сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан!» Абутавозе билан Қўрқмас кемачи ўтасидаги бу даҳанаки жангни Синдбод тўхтатиб қўйди. «Қўй, унга эътибор берма, — деди Синдбод Қўрқмас кемачига. — Бу ерда бир гап бор. Менимча у сеҳрланганга ўхшайди. Йўқса дарров бунақа ўзгариб қолмасди. Қараб турайлик-чи, буёги нима билан тугар экан?» Синдбод шундай дедик Қўрқмас кемачига кўз қисиб қўйди, сўнг Абутавозега қараб: «Эй, улуғ арбоб, ҳамма гапларингиз ўроқдан ҳам тўғри; сиз яхши, сиздан ҳамма нарса яхши», — деб хушомад қилган бўлди. Бу сўзлардан Абутавозе яна ҳам талтайиб кетди. «Шунақа бўлсин, — деди у қўйлини пахса қилиб. — Улуғ Олавер подшонинг сояи давлатларида яшаб қолиш керак».

Шундай қилиб, Синдбод билан унинг шериклари Олавер подшо саройининг сирларини аста-секин билиб олишиди. Бу ерда ҳамма нарса чаппасига айтилар экан. «Оқ»ни «қора», «қора»ни эса «оқ» дейиши керак экан. Ўғри-тўғри саналаркан, тўғрини эса ғирт ўғри деб жазолашаркан. Одамлар олдинга букилиб ёки орқага қаққайиб юришга мажбур эканлар, гавдасини тик тутиб, тўғри юрганга кун йўқ экан, ундайларни уриб, қамаб, зиндонларда чиритиб юборишаркан. Буни эшитган Қўрқоқ кемачи шерикларига қараб титраб-қақшаб: «Келинглар, бизлар ҳам эгилсак эгила қолайлик», — деди. «Бош эгий яшагандан тик туриб ўлмоқ афзал», — деди унга Қўрқмас кемачи мағрурлик билан. Аммо Қўрқоқ кемачи Олавер подшо одамларнинг уларга жуда ёмон кўз билан қарашаётганидан юраги така-пука бўлиб: «Ана қараб туришибди, жеч бўлмаса бир марта эгилайлик», — деб илтижо килди. «Бир марта эгилсанг — тамом, ундан кейин эгилаверасан», — деди Қўрқмас кемачи қаддини гоз тутиб. Синдбод ҳам тик тураверди, заррача ҳам эгилмади. Фақат Қўрқоқ кемачи гоҳ эгилиб, гоҳ туриб — аросатда эди.

Олавер подшонинг аъёнлари эгилмаганларни кўриб ғазабга тушишиди. Улар бир-бирларига сайёҳларни кўрсатиб, алланарсаларни пи chirлашар, бегуноҳ йўловчиларни гажиб ташлашга тайёр эдилар. Синдбод ва унинг шериклари бошига оғир кунлар тушиши муқаррар эди. Аммо шу аснода юз берган воқеа уларни азоб-уқубатлардан ҳалос қилди.

Олавер подшонинг бир одати бор эди: у тақинчоқларни яхши кўради. Кўзмунчоқми, тугмами, чойнакнинг қопқогими — нимаики кўрса бўйнига осиб оларди. Бора-бора унинг тақинчоқларга иштаҳаси яна ҳам ошиб борди, энди у майда тақинчоқларни писанд қилмай қўйди. У бўйнига катта, оғир

нарсаларни осишга киришди. Подшо тақинчоқлар қанчалик катта бұлса үзини шунчалик улуғвор деб биларди. Үнинг йүғон бүйніга осилган тақинчоқларнинг оғирлигидан зұрга қадам босса ҳам бас, түйдім, демасди. Охири үнинг истаги билан тегирмон тошидан ҳам каттароқ тақиңчоқ тайерланды. Олавер подшо бу улкан тақинчоқни бүйніга илиб бир қадам боссан әди ҳамки, тегирмон тоши ғилдираб, думалаб подшони ҳам жарликка судраб кетди. Ясанчоқ подшо барча жаңигр-жунгир тақинчоқлари билан жарлыкнинг чуқур қаърига қулади. Оғир тош думалаганда факат Олавер подшогина әмас, үнинг барча аъёнларини ҳам босиб, мажақлаб кетди. Ҳамма-сқ түс-түполон бўлиб кетди, кий-чув кўтарилиди, чақмоқ чақиб момакалдироқ гумбурлади. Дабдабабоз подшо тавқи лаънат тоши остида мажақландио үнинг сеҳри ҳам тугади. Подшо саройининг ҳам кули кўкка соврилди. Олавер подшо ва үнинг лаганбардорлари асоратидан қутулган одамлар енгил нафас олишди. Синdbod билан Қўрқмас кемачи бундан фойдаланиб, ўз юртларига қайтиш тараддуудига тушишди. Қўрқоқ кемачи ҳам уларга қўшилди, у шерикларидан: «Мени кечиринглар, яна қўрқоклик қилдим-а», — деб узр сўради. «Эй, бақалоқ, сен қачон мард бўлувдинг? — деб кесатди Қўрқмас кемачи, кейин дўстининг елкасига қоқди: — Ҳа, сен қўрқоклик қилдинг, лекин сотқинлик қилганинг йўқ, майли-қани олдимизга туш, кетдик», — деди.

Улар анча жойга етганларида орқаларидан: «Тўхтанглар, мени ҳам олиб кетинглар», — деган товушни эшитишди. Қайрилиб қарашса ўзлари томонга ҳарсиллаб югуриб келәётган икки букилган букирини кўришди. «Кимсан?» — деб сўрашди ундан. «Мен — Абутавоземан, — деди ҳалиги қадди эгик одам йигламсираб, — мени кечиринглар, хато қилдим». «Қани, қаддингни кўтар-чи», — деди Қўрқмас кемачи үнинг юзини кўриб таниш учун. «Кўтара олмайман, — деди ҳасрат билан Абутавозе. — Лаънати Олавер подшонинг макри билан шундай бўлиб қолдим». «Йўқ, сен азалдан шундай эдинг, — деди истеҳзо билан Қўрқмас кемачи. — Сенинг фақат белингишина әмас, дилинг ҳам эгик әди. Афуски, сен абадий шундайличинча қоласан...»

Абутавозе бу даҳшатли, аммо одил ҳукмни эшитиб ҳўнг-ҳўнг йиглади. Аммо барибир фойдаси йўқ, вақти ўтган әди. У умрининг охиригача шундайлигича қолди.

Синdbod ва үнинг дўстлари денгиз бўйига келиб бир кемани ёллашди ўз юртларига равона бўлишди. Етиб келишгач, шунчалик балолардан омон қолганликларидан хурсанд бўлишиб, хайр-хўлашиб ҳар ким ўз уйига қараб йўл олди. Синdbod ҳам хонадоннига келдию, «энди бас, етар, шунча сарсон-саргардонликларни кўрдим, энди уйимдан ҳеч қаерга жилмайман», — деб ўзига сўз берди. Қани, у ўз сўзида тура олармикин ёки йўқми кўрайлик-чи?..



Бешинчи саёҳат

Ҳа, Синдбод, «шунча сарсон-саргардон бўлганим етар, энди уйимдан ҳеч қаерга чиқмайман», дегани рост эди. Лекин кунлар ўтиб, у яна саёҳатга чиқишини қумсағ қолди, хаёлида турли режалар тузга бошлиди, яна кемага ўтирсаму кўрмаган жойларни кўрсам, деб ўйлай бошлиди. Турган гапки, бу сафарга яна ўзининг не-не чиғириқлардан ўтган содиқ дўстларк — Қўрқмас кемачи Абулборий ва Қўрқоқ кемачи Абулҳасанлар билан биргаликда чиқди. Қўрқмас кемачи йиллар ўтса ҳам ҳамон ўша-ўша — ўқтам ва чапдаст эди. Қўрқоқ кемачи эса яна ҳам тўлишиб, этига эт қўшилган бўлса-да, ҳамон дўстларига содиқ эди. Синдбод дўстларини янги сафарга таклиф қилганда улар деб ғози бўлишиди, чунки саёҳатсиз, саргузаштларсиз одам тез қариб, сўлиб қолишини яхши билардилар.

Мана, дўстлар тушган кема яна янги кенгликлар, янги саргузаштлар, янги хавф-хатарлар томонига дадил сузид борарди. Инсон ўзи шунақа, ҳеч қачон бир ерда тинч туролмайди, доим излангани изланган, интилгани интилган. Бу сафар саёҳатчиларни нималар кутаётган экан?

Синдбод ва унинг дўстлари ана шу хаёллар билан банд эдилар. Аммо кемадаги кўпчилик йўловчилар ўз ишлари билан банд, баъзилари эса денгиздан эсаётган фир-фир шаббодаданро ҳозат қилиб мудраб боришарди. Кемачилар орасида оёқ-қўли чаққонгина, елиб-югуриб юрадиган бир йигит бор эди. Унинг исми жуда қизиқ — Абуҳашпаш экан. Сабаби — у ўзига буюрилган ишни жуда шошқалоқлик билан бажаарар экан. Дарға ва бошқалар бир тарафдан унинг тезкорлигидан хурсанд бўлишса, иккинчи тарафдан шошилиб, чала-чулла иш қилишидан ранжир эканлар. Қунлардан бир куни кема дарғаси Абуҳашпаш атрофни кузатиб боришини буюрди. Бир оздан сўнг Абуҳашпаш дарғанинг олдига югуриб келиб, «рў-

парадан кема күринди», деб хабар қилди. «Қанақа кема?»— деб сүради дарға ундан. Абуҳашпаш яна югуриб бориб, шу заҳотиёқ орқасига қайтди-да: «Ёғоч кема»,— деб жавоб қилди. «Кема ёғочдан бўлмай тиллодан бўладими?— деб уни жеркиб ташлади дарға. — Мен сендан кема каттами ё кичикими, деб сўраяпман». Абуҳашпаш яна кузатув кўпригига лўкиллаб югорди. «Анча катта кема»,— деб хабар қилди у дарғага. «Қаёққа қараб келяпти?»— деб сўради дарға дарғага заб бўлиб. Абуҳашпаш югуриб бориб яна югуриб қайтиб келди: «Тўғри биз томонга».

Дарға эса Абуҳашпашнинг акси бўлиб, ўтакетган бегам одам эди. У ўрнидан қўзғолиб уёқ-буёққа қарагунча рўпарадан келаётган кема жуда яқинлашиб ҳолди. Буни кўрган Қўрқоқ кемачи: «Вой, ўлдик!» — деб бақириб юборди. Шу пайт Қўрқомас кемачи югуриб бориб кемани буриб юборди, рўпарадан келаётган кема уларнинг ёғинасидан тегар-тегмас бўлиб ўтиб кетди. Хайриятки, тўқнашув бўлмади, акс ҳолда улар асфаласофилинга кетишлари турган гап эди.

Яна бир куни Қўрқомас кемачи ташвиш билан келиб қолди. «Хожам, оёғингиз остига бир қаранг, нимани кўряпсиз?»— деб сўради у. Синдбод оёғи остида бир оз ҳўл бўлган тахтани кўрди. «Ҳўл тахтани кўряпман»,— деб жавоб қилди у. «Тахта нега ҳўллигини ўйладингизми?»— деб яна сўради Қўрқомас кемачи. «Кема сувда юргандан кейин тахтаси ҳўл бўлади-да»,— деб жавоб қилди Синдбод. «Иўқ, бу — кеманинг ости дарз кетганидан,— деди Қўрқомас кемачи. — Буннинг дарҳол кема даргасига билдириш керак». Кема даргаси эса Қўрқомас кемачининг гапларини ёшидтило: «Хаҳ, арзимагач дарзга шунчагапми», деб Абуҳашпашни чақириб, унга дарзни бартараф этишини топшириди. Абуҳашпаш ҳам ҳаш-паш дегунча дарзни «тузатди». Аммо шошганнинг иши ўнгмас деганларидек, дарз батамом беркитилмаган, кемага сув кириши да давом этарди. Кўп ўтмай кеманинг пастки юххонасини сув боғди. Кемада тўс-тўполон кўтарилди, йўловчишлар ваҳимага тушиб қолишиди, ҳозиргина тинч турган кема саҳни ғала-ғовур бўлиб кетди. Кемачилар сув йўлни тўсишга уриндилар, аммо вафт ўтган, дарз катталашган, кеманинг юххонаси сувга тўлган эди. «Хожам, аҳвол чатоқ,— деди Қўрқомас кемачи,— ҳали замон кема чўкиб кетади. Тезроқ қутулиш чорасини кўрайлик». Аммо бегам бўлсанг — бекам бўл, деганларидек бу кеманинг қайицларига ҳам Абуҳашпаш қаргани учун ҳаммаси илма-тешик эди. Шундай қилиб, кема чўка бошлади.

Ҳар галти кема ҳалокатларида бир мўъжиза билан қутулиб қоладиган Синдбод ва унинг шериклари бу сафар ҳеч нарса қилишга улгуриша олишмади: таги ёрилиб, сувга тўлган кема шувиллаганича денгиз тубига чўқди, кўп одамларни лопиллаган тўлқин оқизиб кетди, айримлари даҳшатдан ўз-

ларини сувга отиб ҳалок бўлишди. Фақат Синдбод билан Қўрқмас кемачи устунларни маҳкам қучоқлаганларича кема билан бирга чўкишди. «Наҳотки шунча бало-қазолардан омон колиб, шу арзимаган дарз туфайли чўкиб кетаверсак?» — деб ўйлади Синдбод. Унинг ёнгинасида турган Қўрқмас кемачининг хаёлидан ҳам шу гаплар ўтган эди. Аммо бошқа илож йўқ, улар нима килишларини билмасдан карахт здилар. Сайёхлар ниҳоятда даҳшатли дақиқаларни бошдан кечирдилар: ҳаммаёкни шувиллаганича сув босди, бутун атроф қоронгулашиб кетди, пастдан чанг-тўзондек лойқа кўтарилиди. «Эйди тамом», — деб ўйлади Синдбод. Аммо шу пайт мўъжиза юз берди: кеманинг ости бир нарсага тақиллаб тегдию у қандай чўккан бўлса шундай тезлик билан юқорига кўтарила бошлади. Кўп ўтмасдан кема касир-кусир қилганча сув юзи га чиқди. Ҳушидан кетган Синдбодни кимдир елкасидан силтаб ўзига келтирди. У кўзини очиб, рўпарасида турган Қўрқмас кемачини кўрди: «Хожам, кўзингизни очинг, калайсиз? — деб меҳрибонлик кўрсатди Қўрқмас кемачи. — Каранг, мўъжиза — кемамиз сув юзига қайтиб чиқди!» Синдбод бу сафар ҳам тирик қолганига шукр қилиб, тўйиб-тўйиб нафас ола бошлади. Кема саҳнида улардан бошқа ҳеч ким йўқ, афтидан ҳалокат пайтида ҳаммани сув ювиб кетган эди. Фақат нарироқда бир одам қорни мешдек шишиб ётарди. «И-е, бу бақалогимиз-ку! — деди унга кўзи тушган Қўрқмас кемачи. — Бай, бай, бу очофат кўп сув ютиб қўйганга ўхшайди. Тезроқ чорасини кўрайлик, бўлмаса бу қурмагур ўлиб-нетиб қолмасин».

Қўрқмас кемачи шундай дедиую Қўрқоқ кемачини оёғини осмондан килиб даст кўтарганича уч-тўрт силкиди. Қўрқоқ кемачи бир оз қимирлаб қўйди. Шунда Қўрқмас кемачи уни кемага ётқизиб қўйди. Бир оз ўтгач Қўрқоқ кемачи кўзини очди. «Тирилдингми, бақалоқ? — деди унга Қўрқмас кемачи. — Кемамизни ўз оғирлигинг билан чўқтиришга чўқтириб юбориб яна бемалол чўзилиб ётишингни қара-я!» «Наҳотки биз омон қолдик, а, — деди Қўрқоқ кемачи, — ё нариги дунёдамизми?» «Сени билмадиму, лекин биз нариги дунёга бориб қайтдик», — деди Қўрқмас кемачи. Ўзининг тирик қолганига ҳали ҳам унчалик ишонқирамаган Қўрқоқ кемачи ўрнидан туриб, атрофга қарап экан: «И-е, денгиз жуда пастда қолиб кетибди-ку!» — деб ҳайрон бўлди ва: «Кемамиз ниманинг устида турибди ўзи?» — деб сўраб қолди. «Ҳа, дарвоқе, тирик қолганимиздан қувониб, буёғини суриштирумабмиз-ку?» — деди Қўрқмас кемачи. Улар ўза кемаларининг аллақандай катта бир тоз устида турганини, денгиз сатҳи эса ҳув пастда қолиб кетганини кўришди. «Вулкон бўлиб тоз ўсиб чиқаётган экан, кемамиз шунга тўғри келибди», — деб тахмин қилди Қўрқмас кемачи. «И-е, кемамиз юрятти-ку, тоз ҳам юрадими?» — деб қолди Қўрқоқ кемачи. Ҳақиқатдан ҳам кема остидаги тоз

сувда сузиб борарди. Бу уларнинг ҳайронлигини янада ошириди. «Дунёда қандай мўъжизалар бўлмайди!— деди Синдбод.— Энг муҳими — тирик қолдик, яна биргамиз. Кемани қаранглар-чи, тирик қолганлар бормикан?»

Шу пайт кема сарустуни тепасидан кимдир: «Мана, биз бормиз-да!»— деб овоз қилди. Сайёхлар овоз чиқсан томонга қарашди: Абуҳашпаш устуннинг учига маҳкам ёпишиб турарди. «Ҳа?»— дейишиди унга. «Ҳаш-паш дегунча чўқдим ҳам, чиқдим ҳам»,— деди у илжайиб. «Туш бўёққа»,— дейишиди унга. Абуҳашпаш гизиллаб тушди. У кема чўқаётганидан жонҳолатда кема устуннинг учига чиқиб кетган экан. Кейин улар яна ким тирик экан, деб ҳаммаёқни қараб чиқишиди. Афсуски, улардан бошқа бирорта ҳам тирик жон қолмаган эди. Сайёхлар арзимаган дарз туфайлидан ҳалок бўлиб кетишган дўстларига ачинишиди. «Бўлар иш бўлиди, ўлганлар ўлибди, энди тирикларнинг ғамини ейишимиз керак,— деди Синдбод.— Бу сирли тоғ бизни қаёққа олиб борар экан?» «Саломат бўлсак буни ҳам кўрамиз-да, хожам»,— деди Қўрқмас кемачи.

Бу аснода уларнинг кемалари ўрнашиб қолган дум-думалоқ, сирли тоғ денгизда сузиша давом этарди. Шу зайлда бир кечаю бир кундуз ўтди. Қўёш аямай нурини сочар, сайёхларни очлик ва айниқса ташалик ёмон қийнарди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи тишларини тишларига босиб чидашиб келарди, фақат Қўрқоқ кемачи бетоқатланиб «оҳ-воҳ» қила бошлади. «Сув, бир қултумгина сув беринглар,— деб зорланаради у.— Денгиз суви бўлса ҳам майлига...» Унга Абуҳашпаш ҳам қўшилди. «Жуда сувсаб қолган бўлсаларинг битталалингни арқонга боғлаб туширамиз, томоқларингизни ҳам ҳўллайсизлар»,— дейишиди уларга. Аммо белига арқон тутиб пастга тушишга келганда Қўрқоқ кемачи ўламан саттор — кўнмади. «Мен сув ичмасам ҳам майли»,— деб туриб олди. Ноилож Абуҳашпашни туширишга тўғри келди. Кеманинг елканидаги узун арқонни олиб унинг белига боғлашди. «Фақат ҳозир бўлиб туринглар, мен торт деганимда тортиб оласизлар»,— деб шерикларини огоҳлантириди Абуҳашпаш. Абуҳашпаш арқонга осилиб пастга туша бошлади. Аммо кўп ўтмасдан унинг: «Тортинглар! Тез тортинглар!»— деган ваҳимали овози эшитилди. «Оббо, бу шошқалоққа нима бало бўлдийкин?»— деди Қўрқмас кемачи, уни тортиб олмшаркан, Абуҳашпашнинг кўзлари қўрқувдан ола-кула бўлиб кетган эди. Буни кўриб Қўрқоқ кемачининг қўрқоқлиги ҳам ҳуруж қила кетди. «Вой ўлдик!»— деб бақириб юборди у. «Жим бўл, бақалоқ!— деб уни жеркиб берди Қўрқмас кемачи, сўнг Абуҳашпашга юзланди:— Нима гап, тинчликми?» «Т-т-тирик экан!»— деди Абуҳашпаш қўрқанидан дудуқланиб. «Ўзингни бос, нима тирик экан?»— деб сўради ундан Қўрқмас ке-

мачи. «Т-т-тогимиз...» — деди Абуҳашпаш тиши-тишига тегмасдан. «Канақасига тирик бўлади?» — деб сўради Қўрқмас кемачи. «Ахир, тоғ ҳам тирик бўладими?» — деди Қўрқоқ кемачи қўрқа-писа. «Билмадим, — деди Абуҳашпаш, фақат қимирилаганини кўрдим холос». «Ниманинг қимирилаганини?» — деб қайтариб сўради Синдбод. «Билмадим», — деган жавоб бўлди Абуҳашпашдан. Кейин у: «Нималигини билгани туша қолай бўлмаса», — деди. Унинг белига арқон боғлаб яна туширишди. Бир оздан сўнг яна тортиб олишди. «Қимирилаётган оёқ экан», — деди Абуҳашпаш. «Ниманинг оёғи экан?» — деб сўрашди ундан. «Билмадим», — деди Абуҳашпаш. Қимирилаётган ниманинг оёғи эканлигини аниқлаш учун уни яна пастга туширишга тўғри келди. Охири у: «Тошбақанинг оёғига ўхшайди», — деди. «Демак, биз сузуб бораётган нарса тоғ эмас — тошбақа экан-да?» «Шунақага ўхшайди», — деди Абуҳашпаш. «Наҳанг балиққа миниб сувзган эдик, энди тошбақанинг устида саёҳат қиласидан бўлибмиз-да», — деди Синдбод. Қўрқоқ кемачи бирдан узоқни кўрсатиб: «Ана боши!» — деб юборди. Улар узоқда алоҳида бир чўққидай бўлиб сувдан чиқиб сузуб бораётган думалоқ нарсани кўришди. Шу тарзда улар ўз осталаридағи сирли тоғнинг улкан денгиз тошбақаси эканлигини ва баҳтли тасодиф натижасида уларнинг кемаси тўпна-тўғри денгиз тубидан ухлаб ётган тошбақанинг устига чўқканлигини, у уйғониб кетиб сув юзига сузуб чиқканини билиб олишди. Энди уларнинг тақдири ана шу маҳлукка боғлиқ: қаерга боради, қаерда туради, агарда тошбақа яна денгиз остига шўнгигиси келиб қолса — тамом, вассалом. «Энди нима қиласмиш?» — деди Қўрқоқ кемачи ҳамон дағ-даг титраб. «Элдан олдин ваҳима кўтариб нима қиласан, бақалоқ! Тошбақа ҳам сенга ўхшаган қориндор экан, дабдурустдан шўнгигиб кетавермас ё сени аяр», — деди Қўрқмас кемачи ҳазиллашиб. Аммо Қўрқоқ кемачининг ҳазилга тоби йўқ, ранги учган эди. «Нене балолардан омон қолдик, бу сафар ҳам бирон илож топилар, тўғри айтяпманми, хожам?» — деди Қўрқмас кемачи. Синдбод ҳаётга доим яхши умид билан каровчи бу йигитнинг гапларини маъқуллаб, унга қараб жилмайиб қўйди.

Улар шу тахлит улкан денгиз тошбақаси устида ўз саёҳатларини давом эттиридилар. Абулборий кема ёғочларидан илгак ясад, арқонга боғлаб сувга ташлаб, балиқ овлашни ўрганиб олди. Гоҳ-гоҳ кемага учар балиқлар ҳам шапиллаб тушиб қоларди. Йўловчилар балиқларни офтобга тоблаб, чала пишириб ейишарди. Фақат сув масаласида бир оз қийналишиди, аммо бир кечаси яхшигина ёмғир ёғди, сайёҳлар елканни ёйиб, бутун қолган идишларга сув фамлаб олишди. Хуллас, тошбақа бирор қалтис ҳаракат қилмаса унинг устида бемалол сайр этиши мумкин эди.

Кунлардан бир кун атрофни зийраклик билан кузатиб келётган Қўрқмас кемачи бирдан: «Ер, ер кўриняпти!» — деб

бақири. Ҳамма у күрсатган томонга қаради ва узоқ уфқда тасмасимон қол-қора нарсаны күриб ўзларida йүқ хурсанд бўлишди. Шуниси қувончли эдикли, уларнинг тошбақалари ҳам худди ўша томонга қараб сузарди. Шунинг учун қирғоқ тобора яқинлашиб келарди. Мана, ниҳоят теп-текис қумли қирғоқ кўзга ташланди. Тошбақа тўғри қирғоққа қараб сузди. Шунда Қўрқмас кемачи бирдан: «Хожам, бу тирик тоғифиз қирғоққа чиқмоқчи шекилли, ҳушёр бўлиб турайлик, тагин кемамиз ағанаб кетмасин», — деб қолди. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмасдан тошбақа қирғоққа тармаша бошлади тоғ қийшайиб, кема қасир-қусир қилиб орқага сурилди. Ҳайриятки, қирғоқ унчалик тик эмас экан, тошбақа унга чиқиб олиб лапанглаганича нарига юриб кетди. Унинг устидаги йўловчилар тараддудда қолиши: мана улар ўзлари кутган қурқлийка етиб келиши, аммо тушайлик дейишса — жуда баланд, сакраб бўлмайди, тошбақа эса тўхтай демасди. «Таваккал, — деди Қўрқмас кемачи, — денгизда суздик, қани қуруқлийда ҳам юриб кўрайлик-чи, каерга олиб бораркин?»

Тошбақалар қуруқлийда ҳам худди денгиздагидек бемалол кетиб борарди. Унинг устидан узоқ-узоқлар кўриниб турарди. Тўрт томон қум тепаликлари эди, тошбақа уларни сралаб борар, тўхтай демасди. «Бу юрар тоғ бизни қаёққа олиб борар экан, а? — деб ташвиш қилиб қолди Қўрқоқ кемачи. — Лаънати тошбақа бизни саҳронинг ўртасига олиб бориб ташламасайди». «Вой бақалоғ-ей, шундай экан, аста тушиб тошбақангнинг қулоғига «тепангла биз бормиз, ё тўхта, ё тузыкроқ жойга олиб бор», деб қўйсанг-чи», — деб ҳазиллашди унга Қўрқмас кемачи. Аммо Синдбод билан у ҳам тошбақанинг ҳаракатларидан анча ташвишга тушиб қолиши ганди. «Мен бу тошбақанинг мақсадига тушундим, — деб қолди бирдан Қўрқмас кемачи. — У тухум қўйгани кетяпти. Тошбақа ўз тухумини сувдан узоққа қўймайди, у бирорта денгиз ёки қўлнинг қирғогига қўяди, демак, биз чучук сувли жойга етиб борсак керак!» Аммо тошбақа қанча юрмасин, бирорта салқинроқ жой учрамасди. Абуҳашпаш тоҳ-тоҳ: «Ана кўл!» «Ана дарё!» — деб бақириб қолар, аммо яхшилаб қаравалганда у сароб бўлиб чиқарди.

Улар йўл юриши, йўл юрса ҳам мўл юриши, ниҳоят қум тепаликлиридан ўтишиб, кўм-кўк ўсимликлар ўсиб ётган далалярга етиб келиши. «Ҳайрият, саҳродан қутулдик, — дейишиди йўловчилар, — энди соя-салқин ерлар бошланди, яқинорада сувга етиб олсак ҳам ажаб эмас...»

Лекин оғзи ошга етганда боши тошга тегибди, деганларидек бирдан кутилмаган ҳодиса юз берди. Кўм-кўк ўтлар оралаб бораётган тошбақа кўп ўтмасдан ўзини бошқача тута бошлади. У дир-дир қалтирас, ҳудди гарансигандай ўзини ўёқдан буёққа ташларди. Шундай пайтда унинг устида бораётган кема ҳам қисирлаб, ўёқ-буёққа қийшайиб ағанагун-

дай бўларди. «Нима бало, юрар тоғимиз чарчадимикин?»— деди Қўрқоқ кемачи. «Бирор нарса бўлганга ўхшайди,— деди Қўрқмас кемачи,— ҳар эҳтимолга қарши ҳушёр туришимиз керак». У бекорга ташвиш қилмаган экан, тошбақа уёқка бўёққа лапанглаб яна бир оз юрди-да, кейин таққа тўхтади. Сайёҳлар нима қилишларини билмасдан тараддууда қолишиди. «Чарчагандир-да, балки юриб кетар»,— дейишиди дастлаб. Лекин тошбақа юрай демасди, у жонҳолатда типирчиларди. «Менимча, бир илож қилиб пастга тушганимиз дуруст»,— деди Қўрқмас кемачи. У яна арқонларни бир-бирига боғлаб ўзи пастга тушди, кейин шу йўл билан Синбод тушди. Абу-ҳашпаш эса чидаб туролмасдан ўзини пастга отди. Қўрқоқ кемачи тепада имиллаб турган эди ҳамки, тошбақа секин-аста бир томонга ағдарила бошлади. «Бақалоқ, тезроқ туш!»— деб унга бақирди Қўрқмас кемачи. Аммо Қўрқоқ кемачи шошилиб оёги арқонга ўралиб қолди, бу аснода эса тошбақа бор бўйи билан ёнбошга ағдарилди ва натижада Қўрқоқ кемачи оёги осмондан келиб осилиб қолди. У зўр бериб питирлар ва: «Абулборий, қаердасан? Ердам бер, дўстим,вой, ўляпман!»— деб бақирарди. «Сабр қил, бақалоқ!— деди унга Қўрқмас кемачи.— Ҳозир сенга ёрдам бераман!» У тошбақа-нинг нариги ёнбошига ўтди-да, ағдарилиб ётган кеманинг устунини кўтариб келиб Қўрқоқ кемачининг остига тиклади. «Ёғочга тармаш!»— деб қичқирди у ва бечора Қўрқоқ кемачи ҳам бир амаллаб пастга тушиб олди. Энди йўловчилар тўқистугал эдилар. Аммо уларни ўлимдан қутқариб қолган халоскорлари — улкан тошбақанинг оёги осмондан бўлганича тошдек қотиб ўлиб ётганини кўриб дил-дилдан ачиндилар. «Шунча денгизда сузуб, шунча саҳрода юриб ўлмаган бу беозор маҳлуқ нега кўм-кўк далада ўлди экан, а?— деди Синбод шерикларига. — Е унга бу ернинг ҳавоси ёқмадимикин?» Шунга таажжубланиб турган Қўрқмас кемачи бирдан ўрнидан шарт туриб кетди: «Хожам, хожам, тез бу ердан кетайлик!»— деди у шошилиб. «Ҳа, нима гап?»— деди Синбод. «Бу ўтлоқ... заҳарланган!— деди Қўрқмас кемачи.— Мана буни қаранг!— У ўт орасида чўзилиб ўлиб ётган кичкина бир қуёнинг мурдасини кўрсатди. — Бу ер хоҳ катта, хоҳ кичик — ҳар қандай тирик жонни ўлдиради!» Ҳақиқатан ҳам бу беозоргина бўлиб, кўм-кўк яшнаб турган даладан аллақандай ачимтил ҳид келарди. «Ҳа, тездан бу ердан кетамиз!»— деди Синбод ва улар йўлга тушишиди. «Қизиқ, бу бепоён далаға заҳар қаердан келиб қолди экан-а?»— деб ўйлашарди улар. Аммо сайёҳлар бу саволга жаноб топиша олмади.

Бирдан Қўрқоқ кемачи осмонни кўреатиб титраб-қақшаб: «Қ-қаранглар, қаранглар!»— деб қолди. Шунда саёҳатчилар ўзлари томонга яқинлашиб келаётган бир тўп катта қорақушларни кўриб қолишиди. Улар қанотларини қимир этмасдан ёйғанларича оғизларидан бурқситиб заҳар сочиб келишарди.

«Темир қанотлар!— деб юборди Қўрқмас кемачи уларни кўриб.— Хожам, тез бу ердан кетайлик!» Улар жон-жаҳдлари билан қушлардан қоча бошлашди. Абуҳашпаш эса ҳаш-паш дегунча аллақанча жойга бориб қолган эди. Фақат Қўрқоқ кемачи чополмасдан қаловланиб йиқилиб тушди ва қушлар унинг устидан ўз заҳарларини сочиб ўтишди. Қўрқмас кемачи чополмасдан қаловланиб йиқилиб тушди ва қушлар кемачи ҳушсиз ётар, атрофидаги экинлардан қушлар сешиб кетган заҳарнинг қўланса ҳиди анқиб туради. «Сенга нима бўлди?»— деб Қўрқоқ кемачининг бошини кўтарди Қўрқмас кемачи. Абулҳасан кўзини очдию: «Сув-в»,— деди. Афсуски, сув йўқ эди. «Дўстим, бир оз чида, албатта сувга етиб борамиз»,— деди Қўрқмас кемачи ва Қўрқоқ кемачини орқасига опичлаб олди. Синдбод ҳам унинг орқасидан борар экан, ҳалиги қушлар қувиб етишмасин, деб тез-тез хавотир билан осмонга қараб қўярди. Аммо темир қанот қушлар ҳамон ўша кўм-кўк экинзорлар устида айланиб, ўз заҳарларини пуркаш эдилар.

Узоқда ёлғиз ўсган бир дарахт кўринди. «Шу томонга борайлик,— деди Синдбод Қўрқмас кемачига.— Ҳарқалай, унинг соясида бир оз ҳордиқ чиқарамиз». Қўрқмас кемачи унинг таклифига кўнди. Кўп ўтмасдан улар ўша дарахт остига етиб келишди. «Хайрият,— деди Қўрқмас кемачи,— оролда дарахт деган нарса ҳам ўсаркан-а. Эй, бақалоқ, кўзларингни оч, мана бу дарахтнинг соясида мазза қилиб дам оламиз»,— деб Қўрқоқ кемачини ерга қўйди. Абулҳасан кўзини очдию яна юмди. «Қани соя?— деди у,— бу дарахтнинг сояси йўқ-ку?» «Нега йўқ экан?»— деб қайтариб сўради Қўрқмас кемачи ва дарахтга қараб ҳайрон бўлиб қолди: чинорга ўхшаган қадди баланд дарахтнинг бирорта ҳам япроғи йўқ эди, япроқлар ўрнида эса каттакичик тиканлар ялтираб кўринарди. Яхшироқ тикилиб қарашса, дарахт танаси ҳам, шохлари ҳам, тиканлари ҳам — бошдан-оёқ темирдан экан. Шунинг учун ҳам унинг сояси йўқ эди. «Оббо, бу қанақаси, а?— деди Қўрқмас кемачи пешонасини тириштириб,— умрим бино бўлиб соясиз дарахтни биринчи кўришим...» У шундай деб турган эди ҳамки чўзилиб ётган Қўрқоқ кемачи осмонни кўрсатиб: «Т-т-темир қанотлар!»— деб бақириб юборди. Бир гала ўша қора қушлар шу томонга учиб келишпарди. Улар жуда яқинлашиб қолишган, энди дарахт тагидан чиқиб, яйдоқ далага қочишинг фойдаси йўқ эди. «Буёқ!»— деди Қўрқмас кемачи ва улар дарахтнинг йўғон танаси остига яшириндилар. Темир қанотлар пастлаб келиб дарахтга «жаранг-жулинг» қилиб қўнишди. Уларнинг панжалари ботиб бораётган қуёш нурида совуқ ялтирас, кўзлари ўт бўлиб ёнарди. Улар оддий қушлар сингари сайрашмас, гувиллаб келиб қўнгандан кейин жим бўлиб қолишаркан. Хайриятки, қушлар сайёҳларни сезишма-

ди. Улар нафасларини ичларига ютганларича ётишарди. Ярим кечага борганда улар құшларнинг күзларини шамғалат қилиб жұнаб қолиши. Абұхашлаш шошилиб кетиб борар, Құрқоқ кемачи эса инқиллаганича судралиб келарди. Улар паст-баланд далалар, кирлар ошиб боришаради. Шарқдан қуёш күтарилай деганда ўша машъум темир дарахтдан анча узоклашиб кетишганди. «Энди қаёққа юрсак экан?»— деб ўйланиб қолди Құрқмас кемачи. Улар қаердан бўлмасин ичимлик сув ахтариб топишлари керак. Сув қадрини даштда юргандан сўра, деган эканлар қадимгилар. «Мана шу ёқда катта кўлми, денгизми бўлиши керак, мен тепадан кўрганман, шуёққа юрайлик!»— деб шерикларини бошлиб бораради Құрқмас кемачи. Аммо сув кўринмасди. Айниқса, Құрқоқ кемачининг аҳволи тобора ёмонлаша бораради, у шерикларидан оркада қолмасликка шунча ҳаракат қиласа ҳам юролмасдан қийналар, жиққа терга ботиб кетган, боши айланиб, кўзи тинар эди. Шу аснода улар аллақандай экинзордан ўтиша бошлиши. Далада гирдуғумдай келадиган думалоқ мевалар қаторлашиб ётарди. «И-е, бу харбуза-ку, — деди Құрқмас кемачи, — жуда серсув бўлади». У шундай дедио, каттагинасидан биттасини олиб бир уриб ёрди, ичидан қип-қизил гўшти ўрнига аллақандай кўкимтири нарса чиқди, ўртасидан эса бир сиқим оппоқ туз чиқди. Меванинг таъми ниҳоятда шўр эди, сайёхлар уни ташналик билан ейиши, айниқса, Абұхашлаш ҳаш-паш дегунча ярмидан кўпрогини тушириб қўйди, лекин кўп ўтмасдан кўнгли беҳузур бўлиб уёқдан-буёққа югуришга тушди. Синdbod билан Құрқмас кемачининг ҳам кўнгиллари айниб, ўзларини ёмон сеза бошлиши. «Қизиқ, бу экинлар пиштандан кейин тузини ҳам ичига солиб қўйишишканда, лекин ким солса ҳам тузини ошириб юборибди», — деди Құрқмас кемачи. Энди бирдан-бир илож — бу ердан тезроқ кетиш эди. Сайёхлар яна шитоб билан йўлга тушдилар. Абұхашлаш қорнини қўллари билан маҳкам ғижимлаганича олдинда гизиллаб бораради.

Сайёхлар сув излаб кўп йўл босиши. Қатор-қатор қилиб узун эгатларга экиб қўйилтган, еб ҳам, ҳатто гулинини ҳидлаб ҳам бўлмайдиган аллақандай экинзорлардан ўтиши. Темир-қанот құшлар бу экинзорлар устида ҳам парвоз қилиб, заҳарларини пуркаётганликларини кўришди. «Бечора тошбақамиз худди шунақа ўсимликни ҳидлаб ўлди, тезроқ бу ердан жұнаб қолайлик», — дейишидио сайёхлар қадамларини тезлатиши. Бирдан узоқда оппоқ шаҳар кўринди. Унинг атрофи ҳам, баланд-паст уйлари ҳам кўзни камаштирас даражада оппоқ эди. Турган гапки, бу — йўловчиларни ташвишга солди. «Ўша томонга юрайлик», — деди Құрқмас кемачи. «Йўқ, жуда галати кўриняпти, бориб бирор балога гирифтор бўлмайлик», — деб каршилик кўрсатди Құрқоқ кемачи. «Келиб-келиб энди шундан қўрқамизми?» — деди Синdbod. Улар оқ шаҳарга қа-

раб юришди. Аммо яқинлашган сари ҳалиғи манзара ўзгариб борарди. Етиб келишганда бу ерда ҳеч қандай шаҳар йўқлиги маълум бўлди: оппоқ оқариб кўринган нарса бутун атрофга—дала-жирларда ёйилиб ётган оппоқ тузли шўр тупроқ бўлиб чиқди. Ҳаммаёқ ана шу оппоқ қатлам билан қопланниб ётарди.

Қўрқоқ кемачи бекорга ташвишланмаган экан, бирдан кўтарилиган кучли шамол еру кўкни қоплаб олди. Ҳаммаёққа оппоқ чанг тўзгиб, тўс-тўполон бўлиб кетди. Сайёхлар бир-бирларини йўқотиб кўшишди. Улар оппоқ тўзон ичидаги лишиди, оғиз-бурунларига шўр тупроқ тўлди. Гўё ер билан осмон битта бўлиб кетгандай эди. «Хожам, қаердасиз?»— деб бақирди Қўрқмас кемачи. «Мен бу ердаман, Абулборий!»— деб қичқирди Синдбод. Улар шундоқкина — ёнма-ён туришса ҳам бир-бирларини кўришмасди. Қўлинини олдинга чўзиб келаётган Қўрқмас кемачи Синдбодни топиб олди. Аммо Қўрқоқ кемачи билан Абуҳашпаш ҳеч қаерда йўқ эдилар.

Қўтарилиган оқ туз бўрони бир кечаю бир кундуз давом этди. Қўрқмас кемачи билан Синдбод шамолда учиб кетмаслик учун бир-бирларини маҳкам ушлаганларича мук тушиб ётиб олишиди. Нихоят, шўрбўрон ҳам тинди. Улар ўзларини босиб қолган оғир туз қатламини зўрга қўтариб қадларини ростлашди. Ҳаммаёқ яна оппоқ эди. Сайёхлар нима қилишларини, энди қаерга боришларини билмасдан туриб қолишиди.

Бирдан узокдан аллақандай қўнгироқ садоси эшитилди. Уткиркўз Қўрқмас кемачи ўша томонга тикилиб қарадио: «Карвон келяпти!»— деб қичқирди. Ҳакиқатан ҳам кўп ўтмасдан ўша тарафдан тевалар тизими кўринди. Олдинда одатдагидай эшак минган карвонбоши келарди. Сайёхлар уларнинг йўлига пешваз чиқишиди. Карвонбоши уларнинг саломларига алиқ олиб, ҳол-аҳвол сўради. Сайёхлар ўз бошлиридан кечирганларини қисқача айтиб беришди. Мўйсафид уларнинг аҳволига ачинди, нон-сув берди, кейин теваларидан бирига миндириб олди. Карвон хийла узун бўлиб, уларда, эркаклардан ташқари хотин-халажлар, болалар ҳам бор эди. Синдбод одоб юзасидан карвонбошидан: «Йўл бўлсин?»— деб сўради. «Бошимиз оқдан ёққа»,— деб гамгин жавоб қилди карвонбоши. Улар жим йўлга тушишиди. Саркарвон теванинг бўйнидаги қўнгироқ оппоқ шўр даланинг совуқ сукунатини бузиб, «қалдир-қалдир» қилиб борарди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи оғир фалокатдан омон қолганликларига хурсанд бўлсалар ҳам Абулҳасан билан Абуҳашпаш кўриниб қолармикин, леган умидда чор-атрофга аланглаб қараб боришарди. Аммо шерикларидан ному нишон йўқ эди.

Умрни ҳасрат қисқартиради, йўлни суҳбат, дейдилар. Йўл йўлакай карвонбоши ўз уругининг бошига тушган кулфатларни бирма-бир айтиб берди. Улар турган жойда бир вақтлар катта, кўм-кўк серсув уммон бўлган экан. Улар ана шу сув

бүйіда йилқи боқиб, балиқ тутиб тирикчилик қилас эканлар. Нима бўлибдию уммон суви бирдан қурий бошлабди. Ҳаш-паш дегунча ҳайхотдай денгиз қурибди-қолибди. Йилқилас сувсизликдан қирилиб кетибди, балиқ зоти қурибди. «Бир қултум сувга зор бўлиб болалар, ёш гўдаклар кирилиб кетяпти, халқимизни сақлаб қолиш учун бошимиз оккан ёқса кўчиди кетяпмиз», — деди бечора мўйсафид кўзларига ёш олиб. «Шундай катта уммон нима сабабдан курир экан, а?» — деб сўраши сайёҳлар қариядан. «Узунқулоқ гапларга караганда бир жодугар уммонга оқиб келадиган дарёларнинг сувини афсун билан тўсиб, тескарига оқизганмиш, ўч ким бу жодугарнинг сеҳрини ҳайтара олмасмиш», — деди карвонбоши. «Қанийди, ўша лаънати жодугар қўлимга тушсаю парча-парча қилиб ташласам!» — деб қўлларини мушт қилиб гижинди Қўрқмас кемачи.

Карвон шўр босган бийдай сахро бўйлаб кетиб борарди. Учинчи куни улар бир дўнгтепа олдиди тўхташди. «Шу ерда қадимги қудуқ бўларди, кўмилиб кетмадимикин», — деди карвонбоши ва қўлида челаги билан қудуққа қараб юрди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи ҳам унга эргашишди. Қария қудуққа эгилиб қарадио унинг ичиди аллақандай бир шарпа сезди. «Бу ерда ким бор? — деди қария қудуққа эгилиб. — Инсу жин бўлсанг — даф бўл, одам боласи бўлсанг — жавоб қил». Шу пайт қудуқ ичидан «М-м-мен, қ-қ-қ...» деган товуш эштилди. «Тузукроқ гапирсанг-чи, ё соковмисан?» — деди қария ҳайрон бўлиб. «М-м-мен, с-с-син...» деган товуш чиқди ичкаридан. «Эй одам, — деб қичкирди карвонбоши. — Гапирсанг гапир, йўқса сени ташлаб кетворамиз, қолаверасан қоронғу қудуқда бир ўзинг!» Шунда қудуқ ичидан жонжакҳи билан айтилган: «Мен Синдбоднинг шериги Қўрқоқ кемачи Абулҳасакман!» — деган овоз аниқ эшилди. Буни эшитган Қўрқмас кемачи қудуқка қараб: «Абулҳасан, сенмисан? Бормисан, бақалофим!», — деб қичкирди. Қариянинг қўлидаги челак боғланган арқонни ташлашиб. Қўрқоқ кемачини анил-тапил тортиб олишди. Қўрқоқ кемачи чиқасолиб ўзини шерикларининг қучогига отди, улар билан йиглаб қўришди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи Абулҳасанинг кўнглига далда бериб, бир оз ўзига келтиришди. Кейин бу ерга қандай келиб, қудуққа қандай тушиб колганини сўраши. «Ўша қаттиқ шамол мени чирпирак килиб учиригб келиб шу қудуққа тикиб ташлабди, — деб ўз босидан ўтганларни ҳикоя кила кетди Қўрқоқ кемачи. — Қудуқдан чиқаман деб шу уриндим чиқа олмадим. Энди ўлдим, деб ўллагандим сизларнинг товушларингизни эшитиб колдим...» — деди у хурсандлигидан дам йиглаб, дам кулиб. Абулҳасан бу фалокатдан омон қолганидан боши осмонда эди. «Хайрият ҳамки қудуққа қум тушиб, кўмилиб қолган экан, бўлмаса нақ чўкиб кетардим-а», — деди Қўрқоқ кемачи.

чи. «Поёни йўқ дengizларда чўкмаган келиб-келиб шу кафт-дек қудуқда ғарқ бўлармидинг? — деди Қўрқмас кемачи. — Нафасингни иссиқроқ қил, бақалоқ! Ҳа, айтгандай, ҳалиги... Абуҳашшашни кўрмадингми?» «Йўқ», — деди Абулҳасан. — Аммо уни ҳам шамол учирив кетгандир». Шундай қилиб, Абуҳашшаш ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ — зим гойиб бўлган эди.

Карвондагилар сайёхларнинг шериги топилганидан суюн-салар ҳам қудуқда сув йўқлигидан ҳафсалалари пир бўлиб яна йўлга тушишди. Қўрқоқ кемачи ҳам, турган гапки, уларга хамроҳ бўлди.

Йўлда улар шўр туз тўфонидан ярим кўмилган хароба бир кишлоқдан ўтишди. Деворлари ағанаб, эшиклари қийшаш-иб ётган бир кулба олдидан ўтиб кетишаётганде Қўрқмас кемачининг кўзига кичкина бир думалоқ кўзгу кўринди. У «асқотиб қолар», деб кўзгуни киссасига солиб кўйди. Син-бодлар қўшилган карвон йўл юра-юра бир ботқоқликдан чи-қиб қолди. «И-е, — деди карвонбоши, — илгари бу ерда бунақа ботқоқликлар йўқ эди-ю... Бу ҳам ўша жодугарнинг ишига ўхшайди. Дарёни тескари оқизганининг оқибати бу».

Карвон ботқоқликдан зўрга ўтиб олди. Нихоят, улар бу оролнинг подшоси яшайдиган шаҳарга яқинлашиб қолишди. Бу ерда Соя пошшо деган подшо ҳукмронлик қиларкан. У аслида соя экану, лекин сеҳрининг кучи билан турли қиёфа-га кирап, ўзини жуда баҳодир, жуда доно, сахий қилиб кўр-сатаркан. Вақти-вақти билан подшо, «бугун фуқароларимга осмондан чалпак ёғади», деб эълон қиларкан, ўша куни одамлар иштаҳа билан оғизларини очиб осмонга қараб ту-ришса осмондан чалпак эмас қоғоз ёғаркан. Аммо уни хеч ким қоғоз дея олмас экан, аксинча, «ана, чалпак ёғяпти, подшомизга оғарин!» — деб чапак чалишлари керак экан. Кимки бунинг аксини қилса унинг ҳолигавой экан, Соя под-шонинг соясимон аъёнлари уни ўртага олиб турткилаб, тупта-тузук одамни сояга айлантириб қўйишаракан. Соя пошшо жу-да ўткир сеҳргар экан, ҳамманинг кўзи олдидага боғларни саҳ-роларга, саҳроларни эса ботқоқлик тўқайларга айлантириб қўяр экан. Бу шаҳарда ҳамма нарсани тескарисига айтиш одат тусиға кирган экан. Улар масалан, меҳмонни «келинг», дейиш ўрнига «кетинг», «саломатмисиз?» дейиш ўрнига «қа-лай, касалгина бўлиб юрибсизми?» деб сўрашаркан. Буни сайёхлар шаҳар дарвозасидан кириш пайтидаёқ билиб олиш-ди. Уларга шаҳар дарбонлари: «Кетинглар, мезбонлар!» — дейишди. Синбод ва унинг шериклари бундай кутиб олиниш-ларидан ҳанг-манг бўлиб туришганда карвонбоши чол: «Э, меҳмонлар, парво қилманлар, бу ерда ҳамма нарса тескари-сига юритилади, шунинг учун ҳам дарёлар тескарисига оқиб, дengизлар саҳрого, саҳролар эса дengизага айланяпти-да», — деди. Сайёхлар индамасдан ичкарига киришди. Шаҳарда

одамлар тўғрига қараб эмас — ортларига қараб юришаркан. Буни кўрган Қўрқоқ кемачи шерикларига қараб: «Ие, буларда бир гап бор. Келинглар, биз ҳам шуларга ўхшаб тескари юрамиз», — деб таклиф қилиб қолди. Бундан Қўрқмас кемачининг жаҳли чиқди: «Бекоргинани айтибсан, бақалоқ, — деди у. — Шу пайтгача одамга ўхшаб юрдикми бундан кейин ҳам шундай бўлади!» — дедио дадил юриб кетди. Сайёҳларнинг келгани ва бу хилда юришлари кўп ўтмасдан Соя пошшонинг қулогига етибди ва подшонинг буйруғи билан уларни саройга таклиф қилишди. Аммо бу ердаги одатга кўра ҳамма нарсани тескари қилишди: олдин Қўрқоқ кемачини Қўрқмас кемачи деб иззат-ҳурмат билан қабул қилишди, Қўрқмас кемачини эса Қўрқоқ деб пастда уришди. Синдбодга эса хизматкор деб умуман эътибор беришмади. Ҳа, бу саройда нодон ҳурматдау доно кулфатда эди. Бу ерда ямоқчилар шоир, шоирлар эса ямоқчи хизматида эдилар.

Соя пошишо ва унинг аъёнлари ёруғликдан, офтоб нуридан ўлгудек қўрқишаради. Негаки, офтоб уларни ҳакиқий одам эмас — соя эканликларини билдириб қўярди-да. Шунинг учун улар доим катта қора соябон остида юришар, ўзларига «ялт» этган нурни туширишмасди. Қунлардан бир куни Соя пошишо ва унинг аъёнлари сарой олдида туриб халққа ўзларини кўз-кўз қилишаётганларида Қўрқмас кемачи «бор, таваккал», дедио кўлидаги кўзгунни қуёшга тўғрилаб туриб тикини Соя пошишо ва унинг аъёнларига қаратди. Офтобнинг ўткир нури Соя пошишо ва унинг соясимон аъёнларини кесиб ўтди. Шу он мўъжиза юз берди: Соя пошишо ва унинг аъёнлари худди қилич билан қирқилган алафлардек шилкиллаб тушишди. Ҳамма нарса аслига қайти: одамлар тўғри юрадиган бўлди, дарёлар ўз ўзани бўйлаб оқа бошлиди. «Рахмат сизларга, — деди мўйсафид карвоёнбоши, — сизлар ютилизни жодугар Соя пошшонинг макридан қутқардингиз. Унинг жодусини ҳақиқат нури енгди!»

Ғуридим дарё юртнинг аслига қайтиб, яна боғ-бўстонга айлангаётганлигини кўрган сайёҳлар энди ўз юртларига қайтиш тараффудига тушиб қолишди. Аммо Абуҳашпаш ҳеч қардан топилмади. Шошқалоқни шамол учирганича бадар кетди.

Синдбод ва унинг шериклари не азоблар билан ўз юртларига қайтиб боришди. Синдбод энди ҳар кандай саёҳатнинг баҳридан ўтамен, деб сўз берди. Лекин, қани, кўрайлик-чи, у ўз сўзининг устидан чиқа олармикан?





Олтинчи саёҳат

Ўз уйида тинч, осойишта ҳаёт кечираётган Синдбод бир куни нима бўлдию майда-чуйда харид қилгани бозорга тушди ва иттифоқо бу ерда Қўрқмас кемачини учратиб қолди. Эски қадрдонлар бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришилар. Синдбод Қўрқмас кемачидан ҳол-аҳвол сўради, нима билан машғул эканини суриштириди. «Э, хожам, касбимиз кемачилик бўлгандан кейин нима қиласардик — кемадамиз-да,— деди Қўрқмас кемачи ва Синдбоддан сўради: — Ўзингиз-чи?» Синдбод бу саволга жавоб тополмай ўйланиб қолди. Қўрқмас кемачи бошига савол бермади. У эндиғина хайрлашиб кетай деб турганда Синдбоднинг ўзи яна саволга тутди: «Ҳозир қаёқка кетаётиссан?» — Шунда Қўрқмас кемачи у тушган кема жанубий уммонлар бўйлаб сафарга йўл олаётганини айтди: «Эй, хожам, мен сизнинг ушбу сафарга қизиқаётганилигингиши сезиб турибман. Эрталаб йўлга тушамиз, яхшиси биз билан юра қолинг, яна биргаликда саёҳат қиласайлик, кўрмаган жойларни кўрайлик», — деди. Шунда Синдбод ўзининг ўйлаб кўришини айтди ва эрталабгача муҳлат сўради. Уйига қайтино уйлаб-ўйлаб туни билан кўз юммади ва эрта сааҳардан жабдуқларини ҳозирлаганича Қўрқмас кемачилар кемасида ҳозир бўлди.

Синдбодлар тушган етти елканли бу яп-янги кема кўп ўтмасдан лангарини кўтардию бепоён дengиз бўйлаб сузиб кетди. Мўътадил эсиб турган шамол ёрдамида у сувнинг текис сиртини кесганича ғизиллаб бораради. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам саёҳатнинг биринчи ҳафтаси тинчгина, фавқулодда воқеаларсиз ўтди. Факат йўл-йўлакай тўхтаб ўтган соҳил шашарларидан бирида Қўрқоқ кемачи — Абулҳасанни учратиб қолишиди. У шу ердаги кемалардан бирида хизмат қиласар экан. Қўрқмас кемачи уни кўрибоқ: «Ҳа, бақалоқ, бормисан, бизнинг кемага ўтсанг-чи!» — деган эди, Қўрқоқ кемачи бу

таклифга бажону дил рози бўлди ва уч қадрдан саёҳатчилар яна ҳамроҳликда йўлга тушишди.

Еттинчи кунга ўтганда кеманинг сарустуни тепасига боғланган кажавада туриб денгиз сатҳини кузатиб бораётган Кўрқмас кемачи бирдан: «Олдинда—сувда аллақандай думалоқ нарсани кўряпман!»— деб қолди. Ҳамма ўша томонга қаради, аммо сувдан дўппайиб чиқиб турган нарсанинг нималигини билиша олмади. Бир оздан сўнг Қўрқмас кемачи: «Ҳалиги нарса чап томонга ўтди»,— деб хабар қилди. Ҳакикатан ҳам дўппайган нарса энди кеманинг чап томонидан кўринарди. Кўп ўтмай кузатувчи тарафдан: «Ҳалиги нарса ўнг томонда кўриняпти»,— деган хабар бўлди. Энди у бошқа томонга ўтган эди. Аммо номаълум нарса анча узоқда эди. Бир оз ўтгач кемачи бирдан: «Ҳозир бўлинглар, ҳалиги нарса яқинлашиб келяпти»,— деб қолди. Кемадагилар хийла ташвишга тушиб қолишли. Ҳар сафардагицек биринчи булиб Кўрқоқ кемачи ҳикиллашга туши: «Оғайнилар, кемани орқага қайтара колайлик!— деди у. — Нима қиласиз кўра-билитуриб бир балонинг устига бостириб бориб?» «Жим бўл, бакалоқ, нима, сенинг жонинг ҳамманикidan ширироқми?— деб уни койиб берди Қўрқмас кемачи. — Бориб кўрайлик-чи, биз билан бекинмачоқ ўйнаётган бу нима бўлди экан?» Синдбод ҳам унинг гапини маъқуллади, кема тўхтамасдан олга қараб юрди.

Бирдан узоқда кўриниб турган дўппайган нарса йўқ бўлдию «шўли» этиб яқингинадан шўнгигиб чиқди. Уни кўриб кемадагилар бараварига «Воҳ!» — деб юбориши. Кеманинг ёнгинасидан узун бўйинли, думалоқ бошли, кўзлари катта-катта бир нотаниш махлуқ бақрайиб турарди. Унинг бўйни илонникидай бўлса ҳам афт-башараси худди одамнига ўхшар, аммо йирикроқ, бурни япаски, қошсиз кўзлари худди кўзойнак тутиб олгандек дум-думалоқ эди. Махлуқ кемани ва ундаги одамларни қизиқиб кузатар, худди тияникига ўхшаган бўйнидаги хумкалла боши уёқ-буёққа секин буриларди. Албаттаки, бундай номаълум махлуқни йўловчилар биринчи кўришлари эди. Шунинг учун унинг хунук башараси кўпларнинг ўтакасини ёраёди. Қўрқоқ кемачи жон-жаҳди билан: «Вой дод, ўлдим!»— деб бақириб юборди. Махлуқ эса уларга тикилиб, кузатиб турди-да, бирдан: «Э, мендан кўрқманглар»,— дегандай бир кўзини қисиб қўйди ва сув остига шўнгигиб кетди. Одамлар: «Хайрият-ей»,— деб энди ўзларига келабошлаган эдилар ҳамки ҳалиги махлуқ бирдан кеманинг у ёнбошидан сувдан бош чиқазди, бу ерда ҳам кемадагиларни анча вақт томоша қилгач, яна кўзини қисиб-қисиб қўйди ва сув остига шўнгигиб, кўринмай кетди. Кейин яна кеманинг бу томонидан шўнгигиб чиқди, хуллас у тоғ ўнг, тоғ чап томондан кўринар, ҳар сафар одамларга қараб дўстона кўз қисиб қўйди. Кемадагилар бу чақирилмаган меҳмон — номаълум

махлукка анча ўрганиб қолишиди, уни олдиларига чақиришиб, нон, озиқ-овқат ташлаб кўришиди. Ҳатто унга Нотанишхон деб исм ҳам қўйиб олишиди. Нотанишхон ташланган нон, озиқ-овқатларга қарамас, лекин одамларнинг туришлари, хатти-ҳаракатларини синчиклаб кузатар, кемадан сира ажралигиси келмасди.

Аммо кеманинг дарғаси Абужаҳл деган тажанг, гирт жоҳил киши эди. У номаълум махлук пайдо бўлган кундан бошлиб: «Бу башарайи бедаво бир балога дучор қиласида»,— деб гудулланар, Нотанишхонга қараб мушт дўлайтирад, «Йўқол, кет», деб қўлига тушган нарсани отарди. Бу гал у номаълум махлук билмасдан кемага яқин келиб колганда кемачилар чангагини олиб отди, қайрилма учли ўтири чангак бориб махлукнинг кўзига тегди, у худди одамдек ўкирдида, сув остига шўнғиб кетди, сув юзи қип-қизил қонга бўялди. «Бир беозор махлукни бекорга яраладинг, энди бир балога дучор бўламиз»,— дейишиди кемадагилар Абужаҳлга. Аммо кемачилар бошлиги бўш келмади: «Аллақандай бир махлукдан қўрқиб ўтирамани, боплаб кўзини кўр қилдим»,— деб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Шу пайт кеманинг ёнгинасидан номаълум махлук узун бўйинни чўзид келдида газаб билан Абужаҳлнинг юзига тупурди, дарга: «Вой кўзим!» деганича орқасига қулади, номсиз махлук эса аста-секин сувга шўнғидио шу кетганча кўринмай кетди. Дарғани ўёқ-буёқ қилиб ўзига келтиришиди, у тирик қолдию, аммо икки кўзидан айрилди. Кемадагилар бу воқеадан гоят таъсиirlаниб, дарғани дам койиб, дам унга ачинишди, аммо вақт ўтган эди.

Кема ўз йўлида давом этди. Аммо дарға кўр бўлгани учун унинг йўли тўғрими, нотўғрими — билib бўлмасди. Абужаҳл эса ҳамон дарғаликни даъво қиласар, ўтирган жойида ҳеч нарсани кўрмасдан, «кемани ўёққа бур, бўёққа бур», деб кўрсатма бергани берган эди. Одамлар «кўрнинг кўрсатмаси нима бўларди, охири бир кор-ҳолга олиб борадида», деб безовта бўла бошлиди. Худди шундай ҳам бўлди: атрофни кузатиб бораётган Қўрқоқ кемачи бирдан: «Олдинда чақмоқ чақиб, ўт чиқапти!»— деб қолди. Йўловчилар дув этиб кема кетаётган тарафга қарашди: ҳув олдинда «қарс-қурс» момақалдириқ гумбурлар, «ялт-юлт» этиб чақмоқ чақарди. Одамлар: «И-е, бу кандай бало бўлди?»— деб бошлири қотди. Абулҳасанинг қўрқоқлиги хуруж қилиб «вой-вой, ўлдим» лашга тушди. Лекин кўр дарга: «Чақмоқ? Қанақча чақмоқ?» деб сўраб-суриштириб бир фикрга келиб кўрсатма бергунча кема ўша ўт чиқаётган жойга яқинлашиб қолди. Бу жуда қизиқ ва қўрқинчли манзара эди: куппа-кундуз куни сув бетида «қарс-қурс» қилиб чақмоқ чақар ва кўзларни қамаштириб ўт чиқарди. Йўловчилар бу ғалати манзарани кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишиди, улар бу ўтнинг қаердан чиқаётганлигини билишга қизиқишиарди. Бўлаётган ҳодисани синчиклаб кузатиб

турган Құрқас кемачи бирдан: «Балиқ, булар балиқ әкан!» — деб қичкирди. Қарашса иккита катта, бейшов балиқ бир-бiri билан хезланишар, бир-бирига ташланғанда чақмоқ қақилиб, ўт чикарди. Синdbod илгари күп саёхат қылған кемачилардан олис деңгизларда чақмоқ ўт чиқарадиган балиқлар бўлади, деб эшиганди, мана энди ўзи куриб турибди. Йўловчилар бу текин томошага анграйғанларича балиқларниг кемага яқинлашганини сезмай қолишиди. Мана кеманинг шундоқини бурни остида ўт чақнади: балиқлар яна бир-бирларига ташланишиди. Улардан чиққан чақмоқ таъсирида кема дириллаб қалтираб кетди. Ана, балиқлардан бири ўз душманига қараб чақмоқ ўт йўналтириди, иккинчи балиқ чап бериб қолди, лекин ўт кемага келиб тегдию унинг чап ёнбоши ёна бошлади. Иккинчи балиқ бу томонда туриб душманига чақмоқ ўт отди — бундан кеманинг ўнг ёнбоши ёна бошлади. Икки томондан кетган ўт бир зумда кемани қоплаб олди, кемада қий-чув бошланди, вахимага тушган йўловчилардан ким уёқдан-буёқка юргурган, ким ўзини сувга ташлаган... Қўрқоқ кемачи эса ўзини кўйгани жой топмасдан тинмай питирларди. Қўрқас кемачи Синdbodнинг олдига келди-да, хотиржамлик билан: «Хожам, қаранг, яна кема ҳалокати-я... Жуда жонга тегди-да бунақа ҳалокатлар,— деди. — Келинг, энди бунинг бир чорасини кўрайлик, бўлмаса бу кўр дарганинг касрига қолиб ёниб кетишимиш ҳам ҳеч гап әмас». Улар кеманинг ёнига bogлаб қўйиладиган кичик қайиққа секин тушиб ўтиришиди. Шу пайт ҳаллослаганича Қўрқоқ кемачи етиб келиб ўзини «шап!» этиб қайиққа ташлади. «Ҳа, бақалоқ,— деди унга Қўрқас кемачи,— мунча шошилмасанг? Сени бу ерга ҳеч ким таклиф қилмовди шекилли?» «Э, ошина, бунақа пайтда ҳазилга бало борми? Ҳани, хайда тезроқ қайиқни!» — деди ҳансираф Қўрқоқ кемачи. Қўрқас кемачи истеҳзо билан кулиб қайиқни энди юргизмоқчи бўлиб турган эди ҳамки, кема четидан аллакимнинг: «Тўхтанглар, тўхтанглар, мени ҳам олиб кетинглар!» — деб инграгани эшитилди. Мундоқ қарашса — кема дарғаси Абужажл. «Оббо жоҳил-ей,— деди Қўрқас кемачи,— ўзинг ёқкан ўтга ўзинг қоврилавер, деб ташлаб кетаверсак ҳам бўлардии, лекин ҳарқалай одам, олмасак бўлмайди», — деб кўр даргани кемадан кўтариб олди. «Энди жўнамасак бўлмайди, кема ҳам ёниб битди», — деди Қўрқас кемачи ва эшқакка зўр берди. Қайиқ ёниб турган кемадан узоқлаша бошлади. Бошқа йўловчилар кўринмас, ким сузиб, ким ағнатан ёғочларга тармасиб қутулган эди. Синdbodлар тушган қайиқ кенг деңгизга чиқиб олди, бурқисиб ёниб ётган кема узоқда қолиб кетди. Сайёҳлар бу фалокатдан ҳам омон қолганликлари га курсанд әдилар. Аммо қайиқла бораётган Қўрқоқ кемачи ҳамон «оҳ-воҳ»ни қўймасди. Қўр дарға эса нуқул, «вой кемам,вой кемажоним-ей», — деб борарди. Қўрқас кемачи ун-

та: «Үзинг омон қолганингга хурсанд бўлсанг-чи, ношукур бенда», — деб койиб қўйди. Аммо кўр дарга: «Сен нега менга ўргатяпсан, мен даргаман, сен эса оддий кемачисан, менниг айтганларимни қилишинг керак!» — деб бақириб берди. Қўрқмас кемачи уни даст кўтариб денгизга улоқтироқчи бўлди, лекин: «Шу кўр билан тенг бўлиб ўтираманми», деб индамай қўя қолди. Бундан ҳаволанган кўр дарга, «кайинни ўнгта бур, чапга бур», деб буйруқ бера бошлади. Қўрқмас кемачи бунга ҳам чидади, «гапирса гапирав», деб қўя қолди. Бу кўнгилчанлигининг кейин қанчалик зарар келтиришини у содда қаёқдан билибди, дейсиз.

Тўрт киши тушган кичкина қайиқ тўлқинланиб турган денигиз сатҳида лопиллаб кетиб борарди. Энди эшкакни Қўрқоқ кемачи эшар, Қўрқмас кемачи тик турганча атрофни кузатарди. Кўр дарга эса Синдбоднинг ёнида ўтирганича ўзининг кўрсатмаларини берарди. Қайиқдагиларнинг хаёли бирор қуруқликка етиб олишда эди. Аммо чор атроф сув, уфқ қўринмасди. Шу зайлда уч кечаю кундуз сузишиди. Кичкингина қайиққа тўрт кишининг тикилиб ўтириши, Қўрқоқ кемачи чининг нолишларию кўр дарганинг бўлар-бўлмас буйруқбозлиги роса жонга текканди. Бунинг устига тепадан аямай олов сочаётган қуёш тинкани қуритарди. Офтобнинг зўрлигидан гўё денигиз ҳам қайнаётгандай эди. «Кани энди бир салқин шамол эссаю бир оз нафасимизни ростласак», — деб орзу қилишарди қайиқдагилар. Бир неча кун сузилгандан кейин ҳаво ҳам, денигиз ҳам бир оз совугандай бўлди. Қайиқ эса ҳамон жануб томонга кетиб борарди. Қўрқмас кемачи бирдан: «Олдинда оппоқ нарсани кўрляпман!» — деб қолди. Ҳамма олдинга қаради: узоқда нимадир оқариб қўринарди. Аммо у қуруқликми, шаҳарми ёки кемами — билиб бўлмасди. «Бу нима бало бўлди? — деб гўлдиради Қўрқоқ кемачи. — Қуруқлик бўлса бунаقا оппоқ бўлмасди. Тағин бир балога дуч келмайлик, яхшиси қайиқни орқага бура қолайлик...» «Жим бўл, бақалоқ, балки бу қуруқликдаги қасрdir», — деди унга Қўрқмас кемачи. «Ёки бирорта қушнинг тухумига бўлса ҳам ажаб эмас, бир пайтлар биз шунақа қушнинг тухумига дуч келганимиз, эсингдами, Абулҳасан?» — деб Қўрқоқ кемачига мурожаат қилди Синдбод. «Э, ўшанда руҳ қуши еб қўйишига озгина қолган, яхшиси унга яқинлашмайлик», — деди Қўрқоқ кемачи дағ-дағ титраб. «Бу ерда мен хўжайниман, — деб қолди бирдан кўр дарга Абужаҳл. — Олдинда кўринаётган нарса кема бўлиши керак. Қайиқни ўша томонга қараб юргизишни буюраман. Негаки, унга етиб олсак, мендай улуғ даргани танишиб, дарҳол ёрдам кўрсатишлари турган гап!»

Шу хилдаги ҳар хил гаплар билан қайиқ яна жануб томонга — оқариб қўринган нарсага қараб юрди. Анча яқинлашилганда ҳам ҳалиги сирли нарсанинг нималигини аниқ билиб бўлмас, у тоққа, тоққа мухташам қасрга, тоққа эса

кемага ўхшайверарди. Ҳатто ўткир күз Құрқас кемачи ҳам бунинг нималигини аниқ илғаб ололмасди. Аммо унга тезроқ етиб олиш учун эшкакка зўр берилди. Ҳалиги оқ нарса астасекин яна турфа-турфа манзаралар касб эта бошлади. Ана, унда баланд, қорли чўққилар кўринди. Лекин тог бошдан-ёёқ оппоқ бўлмасди-ку? Қўкка бўй чўзган миноралар, қасрларнинг гумбазлари кўзга ташланади. Лекин шахар ҳам турли рангда бўлиши керак-ку? Уни кемаям деб бўлмасди, чунки кема узоқдан бунчалик катта кўриниши мумкин эмасди! Бу сирлилик қайиқдагиларнинг ҳам қизиқишини оширад, ҳам ташвишга солар эди. Аммо энди қайтиш йўқ, қайиқ сирли оқ салтанатга қараб шитоб билан кетиб борарди. Қайиқ ўша томонга қанчалик юрса ҳаво шунчалик совиб борар, ҳозиргина офтоб тигидан ҳаллослаган йўловчилар совқотиб жунжика бошлашди. «Э, қайси гўрга кетялмиз! — деб биринчи бўлиб «оҳ-вой» кўтарди Қўрқоқ кемачи. — Ҳаммамиз музлаб ўламиш-ку?!» «Ўзингни бос, бақалоқ, — деди Қўрқас кемачи, — бошқалар совқотса ҳам сенинг теринг қалинроқ, ёғинг кўп». Бу орада қайиқ ўша улкан оқ нарсага жуда яқинлашиб қолган эди. «И-е, бу сузуви муз тоги экан! — деди ниҳоят Қўрқас кемачи унга синчилаб қараб. — Балки у ерда ичимлик сув, емиш топармиз?» Энди улар орқага ҳам қайта олишмас, оқим уларнинг қайигини тўппа-тўғри ўша тоққа қараб олиб борарди. Мана, улар у чеккасию бу чеккаси кўринмайдиган улкан муз тогига яқинлашиб келишди, тогнинг оқ новвотдай серкирра чўққилари офтоб нурида грекирар, ундаги турли-туман шакллар кишини ҳайратга соларди. Муз тоги бир қаравща баланд тог чўққиларини, бир қаравща улкан минораю қасрларга бой шаҳарни, яна аллақандай иншоотларни эслатарди. Аммо унда жон асари кўринмас, ҳаммаёқда совуқ бир вахима ҳукмрон эди. Муз тоги ҳам жудди қайиққа ўхшаб рўпарадан улар томонга лапанглаб сузиб келарди. «Хўш, кема эканми? — деб бўйинни чўзди кўрдарга. — Ҳани, яқинлашиб даргасини чақиринглар, машҳур дарга Абужаҳл келди, денглар...» Унинг бу гапларига ҳеч ким парво қилмади. Қўрқас кемачи қайиқни усталик билан буриб муз тогига бақамти олиб келди ва ўзини муз устига олиб қайиқни ушлаб қолди. Йўловчилар бирин-кетин тоққа тармасишиди. Қўрқоқ кемачи жуда ҳадиксираб муз тогига ўтди, Абужаҳл ҳам: «И-е, бу кемага ўхшамайди-ку?» — деб қайиқдан тушди. Уни ҳам тепага тортиб олишиди.

Шундай қилиб, кема ҳалокатига учраган тўрт йўловчи муз тогига чиқиб олишиди. Тог жуда катта, унинг охирни чегараси кўринмасди. У жуда ғалати — тог бўлиб тог эмас, шаҳар бўлиб шаҳар эмасди. Бошдан-ёёқ муз бўлса ҳам ундаги турли шакллар, турли манзаралар кўрган одамни хайратга соларди. Мана, муздан барпо бўлган баланд тоглар, қуйироқда эса ястаниб ётган муз далалар, музлаб қотиб қолган дарё-

лар, ирмоклар. Боглар, улардаги сон-саноқсиз дов-даражтлар, бутазорлар, ҳаттоғи майса-күкатлар, гуллар ҳам оппоқ муздан эди. Гүё бутун табиат муз бўлиб қотгандек эди. Сал нарироққа боришганда катта муз шаҳарга рўпара келишиди. Мана, шаҳарнинг муздан ялтираб турган баланд деворлари, муҳташам дарвозалари. Қўрқоқ кемачи дарвоза олдига келганинида қалт-қалт калтирай бошлади. «Оғайнилар, ичкарига кирмай қўя қолайлик, кўнглим сезиб турибди, бир балога гирифтор бўламиз», — деди у. Қўрқмас кемачи эса уни ҳар сафаридек жеркиб ташлади: «Эй, бақалоқ, қўрқишини бас қил, сени номаълум махлуқ емади, ўтда ёнмадинг, энди ҳеч кимга керак эмассан», — деди у. Қўр дарга Абужаҳл эса: «Дарвоза? Қанақа дарвоза? Дарвоза бўлса ичкари кириб, машҳур дарга Абужаҳлнинг бу ерга ташриф буюраётганлигини айтинглар, етарли ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олурлар», — деб «кўрсатма» берди. Қўрқмас кемачи бу сўзлардан энсаси қотса ҳам индамасди ва шаҳарнинг муз дарвозаларини қисирлатиб очди. Сайёҳлар кимсасиз, ўлик муз шаҳарга кириб боришиди. Уйлар, кўчалар, карвонсаройлар, қасрлар, бозор майдони, дўконлар қандай бўлса шундайлигича турар, фақат ҳаммаси муздан эди. Ҳамма жойда — уйларда, дўконларда, кўча-кўйларда одамлар нима билан машғул бўлса шундайлича муз қотиб қолган эдилар. Мана, дўкондор газламасини мақтаганича, темирчи эса болғасини кўтарганича, мешкобчи мешкобини орқалаганча, сарбоз от устида қилич ўйнатганча, фаррош кўча супураётганча, кулол кўзасини ясаётганча, қоровул шақиллатганча муз бўлиб қотиб қолган эдилар. Сайёҳлар бу ҳолни кўриб ғоят таъсириландилар. Қўрқоқ кемачи ҳар бир муз одамни кўрганда бир сакраб тушар, шоша-пиша бошқаларнинг орқасига яширинарди. Қўрқмас кемачи билан Синдбод бу даҳшатли манзардан лолу ҳайрон эдилар. Фақат кўр дарга — Абужаҳлнина ҳеч нарсани сезмасдан «мендек машҳур дарғани қачон тантана билан кутиб оладилар», — деб турарди. Аммо мазкур муз шаҳарда бирорта ҳам тирик жон кўринмасди.

Бирдан Қўрқоқ кемачи ўз-ўзидан «Дод!» — деб юборди. Ҳамма ўғирилиб унга қаради. Абулҳасан кўзлари ола-кула бўлиб аллақаёқни кўрсатар, нукул «Қ... қ... қ...» дерди. Қўрқанида унинг тили тутилиб, дудук бўлиб қоларди. Бу сафар ҳам унинг томоги танглайига ёпишиб қолгандек эди. Нихоят у: «Қ-қ-қора мушук!» — деб бақириб юборди. Ҳамма ўғирилиб қарадио бир ҳароба муз уйнинг томида ғужанак бўлиб уларга тикилиб турган қора мушукка кўзлари тушди. Унинг кўзларидан гўё ўт чақнарди. Албатта, бу ҳол сайёҳларни бир оз чўчитди, лекин улар бу ўлик шаҳарда тирик жон кўрганикликларидан хурсанд эдилар. Қора мушук сайёҳларга бир оз тикилиб турди-да, кейин аллақандай дўриллаган овоз билан сирли миёвлаб, «орқамдан юринглар», дегандек ишора қил-

ди. Сўнг томдан сакраб тушиб, муз кўча бўйлаб сайёҳларни бошлаб кетди. «И-е, — деди Кўрқоқ кемачи, — олдиндан қора мушук чиққанда ишинг юришмайди дейишарди, нега биз унга эргашяпмиз?» «Бунда бир сир бор, — деди Кўрқмас кемачи. — Қани бораверайлек-чи». Қора мушук уларни муз шаҳарнинг тор ва қингир-қийшиқ кўчаларидан олиб ўтиб горга бошлади. Сайёҳлар горнинг эшигини очиб ичкари киришди. Эшик очилиши билан қора мушук ўзини ичкарига урди. Горнинг ичи қоп-қоронги, аммо анча илиқ эди. «Шу ерда жон сақлаш мумкинга ўхшайди», — деб ўйлашди мусо-фирлар. Аввало ўт ёқиши керак эди, ўт-оловсиз инсоннинг ҳаёт кечириши қийин. Шунинг учун Кўрқмас кемачи иккита муз парчасини бир-бирига уриштириб ўт чиқаришга киришди. «Муздан ҳам ўт чиқадими? — деди Кўрқоқ кемачи. — Бекорга овора бўласан...» «Жим турсанг-чи, бақалоқ, — деди Кўрқмас кемачи. — Сен қараб тур, ўтнинг қандай чиқарилишини кўрасан...» Қаловини топсанг қор ёғади, деганларидек Кўрқмас кемачи урина-урина олов ҳосил қилди. Шу атрофдаги муз босган хас-чўпларни оловга қўйиб аранг ёндириб олди. Олов ёниши билан қоронги гор ёришиб кетди, деворлари олов шуъласида минг турли жило бериб ярақлади. Горнинг деворларида турли-туман шакллар чизилган эди. Кўрқмас кемачи девордаги шаклларни Синдбодга кўрсатди. «Караг, хожам, сизнинг саводингиз бор, мактаб кўргансиз, балки буларнинг маъносини чақиб берарсиз», — деди. Синдбод девордаги ёзувларга синчиклаб қаради. Уларда қуийидаги тамгалар битилган эди:

+++ = +
++- = -

-+ + = -
-+- = +

Синдбод бу сирли тамғаларнинг маъносини топиш учун роса ўйланди. Ниҳоят топди. +++ = + дегани — яхшиликка яхшилик билан жавоб қилсанг оқибат яхшилик топасан, дегани; ++- = - дегани — яхшиликка ёмонлик қилсанг ёмонлик топасан дегани; -+ + = - дегани — ёмонликка яхшилик қилсанг ёмонликка дуч келасан дегани; -+- = + дегани эса ёмонга бўлсанг — яхшилик шу, дегани.

Ҳамроҳлари Синдбоднинг ақлига, топқирлигига тасанно ўқидилар. Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Кўр дарга бир бесўнақай ҳаракати билан ўтни ўчириб қўйди. Ҳамма-ёқни қоронгулик босди. Сайёҳлар қаёққа юриб, нима килишларини билмай қолишиди. Зим-зиё қоронгуликда чакнаган иккни ўт кўринди, бу қора мушукнинг кўзлари эди. Негадир қора мушук одамлардан айрилгиси келмасди. Мушук алла-ҳандай бошқача миёвлаб уларни гор ичкарисига бошлади. Сайёҳлар унинг орқасидан эргашиши, тор йўллардан ўтишиди, бир неча муз эшиклардан киришди. Уларнинг кўзлари ҳам қоронгуликка анча ўрганиб, у-бу нарсанинг фарқига бора бошладилар. Бир хонага киришганда Кўрқоқ кемачи бир-

дан «Дод!» — деб юборди. Сайёҳлар нима гап экан, деб қайрилиб қарашса хонанинг чор атрофида мурдаларнинг қоқ устихонлари қатор турарди. Мана, улардан бирининг тиржайтан башараси қўрқинчли, энгагида эса бир тутам соқоли бор эди. Иккинчиси ҳам жуда даҳшатли бўлиб, бир оёги калтароқ эди. Учинчи мурда новчагина бўлиб, бурнининг устида қўнғизнусха жун ёпишиб турарди. Тўртинчи мурда жикаккина бўлиб, бурнининг остидаги жуни кўпроқ эди. Кейинги устихоннинг **кўз** чуқурида кўзойнаксимон нарса совуқ йилтиради. Яна бир қанча аллакандай нусхаларнинг устухонлари ҳам турарди. Гўё бу ерда қоқ суюқ мурдалар йигилишиб, мажлис қилаётгандек эди. Сайёҳлар бу хонадан тез-тез ўтиб кетишли. Қўрқоқ кемачи бошқаларнинг панасида ўтди, кўрдарга эса буларни кўрмагани учун жим, ҳамон кеккайган эди.

Сайёҳлар бу хонадан ўтиб, иккинчисига киришиди. Бу хонанинг деворларига турли қурол-яроглар осилган эди. Бу ерда оддий, қиррали тош қуролдан тортиб пилта мильтиқача, камондан тортиб — замбараккача, қамидан тортиб кескир қилингача — хаммаси бор эди. Жами куроллар музда ярқираб, зангламасдан ҳозироқ отилишга тайёрдай турарди. Кейинги хонада эса оддий маргимушдан тортиб энг ўткир заҳарларгача қоп-қоп териб қўйилган эди. Катта хумларда эса аччиқ, заҳарли буғлар тўлдирилган эди. Сайёҳлар бу хонадан ҳам тез-тез ўтиб кетишли.

Қора мушук бошлаган тўртинчи хонада эса ҳаммаёқ қинқизил қон билан бўялган эди. Бу ерда ойболта, кунда, калла қирқадиган жоди, совунланган сиртмоқ ва бошқа ўлдириш асблоблари қўйилган эди. Кейинги хонада эса қатор терилган сдам каллаларини кўришиди. Ундан кейингисида эса узилган қўл-оёқлар, кирқилган қулоқлар, ўйилган кўзлар, кесиб олинган тиллар, сугурилган тиш ва жағлар, ситилган тирноқлар ётарди. Сайёҳларнинг бу даҳшатли манзаралардан сочлари тикка бўлиб, ҳушлари бошларидан учди. Аммо улар ҳамон қора мушукнинг ортидан боришар, гўё бу машъум фордан чикиш, нажот йўлини шу тирик жонворгина кўрсатадигандай эди. Мушук эса ҳамон олдинга илдамларди.

Ниҳоят, сайёҳлар горнинг охирги хонасига кириб келишиди. Бу хона бўм-бўш эди. Фақат бурчакда битта эски кўзача думалаб ётарди. Даствлаб унга ҳеч ким эътибор бермади, тиравиша ёрунда ҳеч ким кўрмади ҳам. Фақат кўр дарга деворларни ушлаб суриниб келаётгандан ўша кўзага қоқилиб кетди. «Нима бу?— деди у эгилиб оёги остидаги нарсани пайпаслаб кўраркан. — И-е, бу кўзача-ку!» Кўр дарга кўзачани ердан кўтариб олди-да, бағрига босди: «Менини бу кўзача!— деди у очкўзлик билан.— Ундаги хазинани ҳеч кимга бермайман!» «Йўғ-е, — деди Қўрқоқ кемачи,— кемага тушганинг жони бир дейдилар, бу ҳамманини бўлади». «Бекорни

айтибсан! — деди Абужаҳл күзачани маҳкам бағрига босиб. — Буни мен топдим! Күзача меники! » «Худо хайрингни бергурлар, жим бўлинглар! — деди Қўрқмас кемачи жаҳли чиқиб. Кейин кўр дарғага қараб: — Майли, күзача сеники бўлаколсин, лекин кўрсат-чи, унда нима бор экан? » — деди. Кўр дарға қўли қалтираб, күзачадан қўл узмаганича уни кўрсатди, Қўрқмас кемачи уни чамалаб кўрди. Кўза оғир эмас, аммо оғзи роса маҳкам беркитилган эди. «Бунинг ичидаги нима бўлса экан-а, — деди Қўрқмас кемачи. — агар тилло бўлганида шарақ-шуруқ қилиб билинарди. Йўқ, бунда болиқа нарса бор». «Эҳтимол, асалдир, ёки сариёғдир? Бир маза қилиб туширадик-да, қоринлар ҳам пиёзнинг пўстидай бўлиб кетди-ку! » — деди тамшаниб Қўрқоқ кемачи. «Эй, таги наст, қўрқоқ кемачи! — деди кўр дарғага жаҳл билан. — Нега сен менинг хусусий мулкимга кўз олайтирасан? Бу қилганинг учун устынгдан арз қиласман, козикалон сени жазолаб, қирқ дарра урдиради! » Кўр дарғага газабдан кўм-кўк кўкариб кетган эди. «Э, кўзачанг бошингни есин! — деди Қўрқмас кемачи ўз дўстининг ёнини олиб. — Менга дессанг пишириб е, лекин жим бўл! » Синдбод уларни ажратиб, тинчлантириб қўйди.

Кўзача жанжали бир оз тинди, аммо ҳонадагилар қора мушукнинг кўзачадан узоқ кетолмаётганини сезишиб. У аллақандай, одамнинг овозига ўхшаган дўриллаган товуш билан миёвлаб ҳонани айланар, икки кўзини кўзачадан узмасди. «Бунда бир гап бор, — деди бу ҳолни кўрган Қўрқмас кемачи. — Бунака ғалати мушукни биринчи кўришим...» Синдбод нима дейишини билмай елка қисди. Сайёҳлар ниҳоятда толиққанларидан ҳонанинг муздек ерида оҳиста чўзилишди. Ким мудрай бошлади, ким уйқуга кетди. Биринчи бўлиб Қўрқоқ кемачининг хунук хурраги ҳаммаёқни тутди. Кўр дарғага ҳаммани уйқуга кетди, деб ўйладию секин ўрнидан туриб, пайпаслаганича нариги ҳонага чика бошлади. Қўрқмас кемачи унинг «шитир-шитир»идан уйғониб, кўр дарғанинг ҳаракатларидан шубҳага тушди, аммо унга билдириб қўймаслик учун оёқ учидаги орқасидан эргашди. Кўр дарғага нариги ҳонага чиқиб тўхтади, ухлаб ётганларга қулоқ солди. Қўрқоқ кемачининг уйқусираబ нимадир деб ғўлдирагани эшитилди, кўр дарғага бундан қадамини тезлатиб нариги ҳонага ўтди. Бу ердан ҳам Қўрқоқ кемачининг хурраги бемалол эшитилиб турарди. Кўр дарғага тўхтамасдан нариги — деворнинг ёнида қоқ суюк мурдалар турган ҳонага кириб тўхтади. Қўрқмас кемачи: «Қани, Абужаҳл нима қиласкин», — деб орқасидан келиб қараб турди. Шу пайт қора мушукнинг ҳам эргашиб келганини кўрди. Мана, кўр дарғага аста юриб энгагида бир тутам соқоли билан қотиб қолган қуруқ суюк мурданинг олдига яқинлашди. Шу пайт мурда ҳаракатга келиб, чайқалди, жаглари шақиллади ва кўр дарғага қараб: «Оч! Оч! » — деб вишиллади. Кўр дарғага бу овоздан чўчиб кетди ва кўзачани бағшиллади.

риға мақкам босганича нариға ўтди. Энди у бир оёғи калта-роқ мурданинг олдига келиб қолган зди. Оқсоқ мурда ҳам ҳаракатга келди-да, күр дарғага қараб: «Оч! Оч!» — деб пи-чиirlади. Күр дарға қўрқувдан яна бир неча қадам босди. Новчдан келган учинчи мурда ҳам ҳаракатга келдию, ўнг қўлини олдинга кўтариб: «Оч! Оч!» — деб буюрди. Бурнининг остидаги жуни кўпроқ жиккак қоқ суюк мурда эса күр дарғага ўзининг бўм-буш куз чуқурлари билан тикилиб туриб калласини қимирлатди. Кўзига кўзойнак таққан мурда эса хурсандчилигидан тишсиз, чириган оғзини кишишайтириб кулгандек бўлди ва у ҳам күр дарғани қистаб: «Оч! Оч!» — деди. Бошқа мурдалар ҳам шу жилда овоз чиқаришиди. Кўрқ-мас кемачи ҳайратдан қотганича буларнинг ҳаммасини кўриб турарди. Кўр дарға эса ўртада қўрқувдан дағ-дағ титрарди. Мана, у қалтираган қўллари билан кўзачанинг оғзини очиб юборди.

Шу пайт даҳшатли воқеа юз берди: ҳаммаёқ гумбурлаб, зилзиладек ер титради. Кўзачанинг оғзидан қоп-қора тутун буркелаб чиқа бошлади. Тутун баландликка ўрлаб, бир боши осмонга тегай деди. Гўё муз ертўла чексиз бўлиб кенгайиб кетгандек зди. Кейин тутун буралиб баланд бўйли, ваҳшатли бир қора дев қиёфасига кирди. «Қани у?!» — деб гулдуракли товуш билан бўкирди дев ва эгилиб кўр дарғани ушлаб олди ва ҳаш-паш дегунича калласини шартта узиб ташлади. Кўрқмас кемачи буни кўриб даҳшатга тушди ва югуриб бориб ухлаб ётган Синдбодни уйғотди. «Хожам, туринг, туринг, фалокат! — деди у шошилиб. — Дев! Дев келяпти!» «Дев? Қанақа дев? — деб дод қола бослади Кўрқоқ кемачи. — Вон дод! Энди ўлдик, биродарлар!» «Жим бўл, — деди унга Синдбод ва Кўрқмас кемачидан: — Абужаҳл кўринмайди?» — деб сўради. «Абужаҳлни ўз жаҳли еди», — деди Кўрқмас кемачи. У бўлган воқеани дўйстларига гапириб берди. Нариги хонадан девнинг момақалдироқдай қалдираган овози келиб турарди. «Бу шаҳарни мен ўзим музлатганман, энди ёндираман! Одам зотини битта қўймасдан қираман!» — деб бўкирарди у.

Синдбод ва унинг шериклари ўзларини саклаб қолиш чорасини излай бошлашиди. Кўрқоқ кемачининг аллақачон кўзлари шокосасидан чиққан, қаёққа қочсам экан, деб питирларди. Кўрқмас кемачи эса Қора девни даф қилиш учун таёқми, бирор қурол изларди. «Дўйстлар, ўзингизни босинг, — деди Синдбод пичирлаб. — Бу девга унча-мунча қурол билан бас келиш қийин. Уни фақат ақл билан енгиш мумкин». У шундай дедио девнинг қаршисига қараб юрди. Шу пайт дев даҳшатли бўкириш билан уларга ташландию Кўрқоқ кемачини ушлаб олди. «Сен кимсан?!» — деб бўкириб сўради у Кўрқоқ кемачининг башарасини кўриш учун кўтариб кўзига якинлаштиаркан. Турган гапки бундан Кўрқоқ кемачининг жон-

пони чиқиб кетди, дудуқлиги роса тутиб қолди. «М-м-мен... Сен... Сен...» — деди у лаби-лабига тегмасдан. «И-е, сен қанақа беодобсан! — деб бўкирди дев. — Ўзинг зигирдексану яна мени — уч минг уч юзу олтмиш уч ёшли Маъмун ибн Абуфало-катдай деви забарастни сенсирайсан, а! Биласанми мен бу лаънати кўзачада қанча ётганман? Икки мингу тўққиз юзу тўқсон тўққиз йил-а! Энг яхши йигитлик йилларим шу кўзада ўтди. Мен ёшлигимда шўхлик қилиб бу мамлакатни музга айлантириб қўйганимда раҳматлиник дадаи Фалокат ибн Кашфиёт мени бу кўзачага қамаб қўйган эди. Минг йилча ётдим, кимки мени кўзачадан чиқарса бошдан-оёқ тиллога кўмаман, дедим. Лекин жеч ким очмани. Яна минг йил ётдим, кимки мени озор қилиш бутун сламга ҳоким қиласман, дедим. Яна жеч ким кўзачани очмади. Мана яна тўққиз юз тўқсон тўққиз йил ётдим. Жаҳлим чиқиб, «Энди мени кимки чиқарса бўйни шартта узиб ташлайман», дегандим, мана бу пандавақи чиқарип ўтириби. Мана, у тегишили жазосини олди. Сен бўлсанг мени сенсираб ўтирибсан-а, тирранчча!» «Йўқ, мен сенсираганим йўқ,— деб дудуқлигини ҳам тинчтиб, жон ҳалпида бидирлаб кетди Қўрқоқ кемачи. — Мен сиздай дев жанобларига ўзимнинг Синдбоднинг дўсти кемачи Абулҳасан эканлигимни билдирамоқчи эдим холос». «И-е, шунақа демайсанми, гапга жуда бийрон экансан-ку? — деди дев. — Хўш, Синдбод деганинглар ким?» «Мен,— деди Синдбод хотиржамлик билан. — Сенинг ўзинг кимсан?» «Мен сенга айтдим-ку, Маъмун ибн Фалокат ибн Кашфиёт эканлигимни!» — деб бўкирди дев. «Аввало бақирмасдан секирроқ гапиравер,— деди Синдбод мулоимлик билан. — Кейин, исмингнию авлод-аждодингнинг номини ҳам эшидик. Лекин сен қанақа девсан, қўлингдан нима келади?» «Мен қудратли девман,— деб бўкирди Кора дев. — Мана шу шаҳарни музлатган мемман. Хохласам унга ўт ҳам қўя оламан. Мана қара!» Дев шундай дедию шаҳар томонга қараб оғзидан гуп этиб олов чиқарган эди, ҳаммаёни тошдек қотиб ётган шаҳардаги муз уйлар, минаралар ловуллаб ёна бошлади. Синдбод бу манзарадан этлари жимирилашиб кетса ҳам аммо сир бой бермади. «Ўт қўйиши ҳамманинг ҳам қўлидан келади, — деди у хотиржамлик билан. — Лекин бу шаҳарни аслига келтириб, одамларни тирилтириб қўй-чи, ўшанда кўрамиз зўрлигингни». «Сен ҳали менинг куч-қудратимга ишонмаяпсанми?» — деб бўкирди дев ва ёниб турган шаҳарга қараб «куф-суф» доб ҳаво куфлаганди, олов учди. «Эй одам, мана қараб тур, — деди дев ва шаҳарга қараб: «Кузузу-кунна, муззу-мунна, важиннати ваннос!» деганди, атроф ларзага келиб, чақмоқ чақди, момақалдироқ гумбурлади, ер чархпалак бўлиб айланиб кетди-да, Синдбод ва унинг шериклари кўз олдида муз шаҳар эриб ўз аслига қайтди: кўчалар, уйлар, саройлар энди турли ранг касб этиб қуёш нурида жилолана бошлади. Кўча-кўй, майдон-бозорлар

одамлар билан түлди: дүкөндорлар ўзларининг молларини макташга тушишди, темирчилар эса болғаларини тарақ-туруқ қилиб сандон устига тушира бошлишди, мешкобчи мешкобини күттарганча «оби худойи» деб югуриб кетди, сарбозлар қилич ўйнатганларича отларида саф-саф бўлиб ўтишди, кулоллар кўзаларини ясашга, қоровуллар шақилдоқларини чалишга, фаррошлар кўча супуришга тушишди. Синдбод нима дейишини билмасдан туриб қолди. Дев-ку шаҳарни ўз ҳолига қайтарди, аммо жаҳли қўзиса уларни биттама-битта тутиб еб қўйиши, бошқа кор-ҳол кўрсатиши мумкин эди. «Яхиси уни яна ўз қўзасига қамаш керак!» Синдбод шундай деб ўйладио девга юзланди: «Эй, дев! — деди у. — Мен сенинг куч-қудратингга ишондим, аммо бир нарсага ишонгим келмай турибди...» «Хўш, нима экан ўша ишонмаган нарсанг?» — деб бўкирди дев. «Сендей забардаст девнинг мана шу кичик бир кўзачадан чиққанингга ишонмайман», — деди Синдбод. «Ишонавер!» — деб бўкирди дев. «Йўқ, то кўзим билан кўрмагунча ишонмайман», — деди Синдбод. «Лекин шу одам деган эзт жуда ўжар бўлади-да», — деди дев ва кўзага кирди, шунда Синдбод усталик билан унинг қопқоғини беркитди-да, шартта денгизга улоқтириди. Даҳшатли дев қамалган кўзачани денгиз ўз қаърига ютди.

Шу пайт уларнинг олдига шоҳона кийинган хушрўй йингит келиб салом берди. У ўзини шу ернинг шаҳзодаси деб танитди. Унинг йўғоҳ овози Синдбод билан унинг шерикларига аллақандай таниш эди. Шуида ҳалиги шаҳзода ҳазиллашиб дўриллаган овоз билан: «Миёв», — деб қўйди. «И-е, қора мушук сизмидингиз?» — деб сўрашди ундан. «Ҳа, мен эдим, лаънати дев мени мушук ҳолига солиб қўйган эди, — деб ҳикоя қила кетди шаҳзода. — Сизларни кўрдиму фақат ҳақиқий одам зотигина мени ва юртимни малъун дев сехридан халос қиласди, деб ўйладим, шунинг учун сизлардан қолмасдан эргашиб юрдим. Бир ўзим бу девга ҳеч қачон бас кела олмасдим, раҳмат сизларга!» — деди шаҳзода. «Дев сизни нима учун қора мушук шаклига айлантириди?» — деб сўрашди ундан. «Дев шаҳримни музга айлантирганда бу ерда эмас эдим, — деб ҳикоясини давом эттири шаҳзода. — Келиб кўрдиму ҳамюртларимнинг бошига тушган бу оғир кулфатдан ачиниб, мотам тутиб қора кийгандим, дев шунда мени қора мушук шаклига киритди. Мана, сизларнинг пойқадамлариниз ёқиб яна одамга айландим, бизнинг юртда қолинглар, азиз меҳмонимиз бўласизлар», — деди шаҳзода. Лекин Синдбод ва унинг шериклари саёҳат ва саргузаштлардан ниҳоятда тўйишганини, тезроқ уйларига қайтиш орзусида эканликларини айтдилар. Шаҳзода уларга кема бериб, катта совға-саломлар билан кузатиб қўйди. Синдбод уйига қайтиб келгач, энди сира ҳам саёҳатга чиқмасликка қатъий сўз берди. Аммо ким билади дейсиз, бу сўзида у қатъий турға олармикин?



Еттинчи саёҳат

Карилликнинг бошию ёшликнинг охири деганларидек, Синдбод ҳам анча ёшга бориб, хийла ўтрасқ бўлиб колди. У бўлар-бўлмасга ўзини ўтга-чўқقا уравермас, ҳар доим мулоҳаза билан, етти ўлчаб бир кесиб иш қиласар, кўпроқ тирикчилик ташвиши билан машғул эди. Илгариги саёҳатларию бошидан ўтган саргузаштлари секин-аста хаёлидан кўтарила бошлади, ҳою-ҳаваслардан узоқлаша борди. Лекин ўргангандан кўнгил — ўртанса қўймас экан. Гоҳ-гоҳ у ниманидир қумасб қолар, ўзини кўйгани жой тополмасдан хаёлларга берилар, кечалари тўлғаниб чиқарди. Синдбод бир куни туш кўри, тушида қанот боғлаб осмонда учиб юрган эмишу ёнида Қўрқмас кемачи билан Қўрқоқ кемачи бор эмиш. Қўрқоқ кемачи нимадаидир киқир-киқир кулармиш, Қўрқмас кемачи эса унга: «Нега тиржаясан?» — деб қовоғини солармиш. Бирдан Синдбод пастга қараб қулади... У шунда чўчиб уйғондию узоқ евактгача ухлай олмасдан шифтга термулиб ётди, олдинги саёҳатларини, ўзининг икки содиқ дўстини ўйлаб кетди. Шу-шу Синдбоднинг тинчи бузилди, калласига қур-қур «яна саёҳатга чиқсамикин?» — деган хаёл кела бошлади. Қиладиган ишидан адашди, ҳардамхаёл бўлиб қолди. Оила аъзолари, «дадамизнинг саёҳатбозлиги тутиб қолди шекилли!», — деб ташвишга тушиши ва бу дарднинг чорасини излай бошлапши. Аммо бу дарднинг бирдан-бир давоси — саёҳат эди; шу сабабдан Синдбод ҳам яна саёҳатга тайёргарлик кўра бошлади.

Халво деган билан оғиз чучимас, деганларидек саёҳатнинг ҳам ўзи бўлармиди? Бунинг учун аввало маълум маблаг бўлиши, кейин тегишли жабдуклар ҳозирланиши, саёҳатбоп кема топилиши керак. Синдбод эринмасдан шу ишларнинг ҳаммасини қилди, ўзининг эски ишончли дўстлари — Қўрқмас ва Қўрқоқ кемачиларни йўқлатди, улар Синдбод билан яна саёҳатга чиқишга жон деб рози бўлишди. Узок тайёргарлик-

дан кейин улар тушган кема ниҳоят лангар күттардию очиқ дengizga чиқди.

Кемада Қўрқмас кемачи Абулборий, Қўрқок кемачи Абулҳасанлар билан бирга ёшгина, ҳазилкаш кемачи ҳам бор эди. Шўх ҳазиллари, ичак-узди гаплари учун кемадагилар уни Абуҳангома деб аташарди. Абуҳангома жуда ҳангомага уста, бир гапириб ўн кулар эди. Бошқалар қатори Синдбод ҳам бу гапга чечан йигитни ёқтириб қолди. «Ассалому алайкум, хожам,— деди Абуҳангома Синдбодни биринчи кўргандаёқ таъзим қилиб.— Мен сизнинг қариндошингиз бўламан-а, биласизми?» «Сен қанақасига мен билан қариндош бўласан?»— деб ҳайрон бўлди Синдбод. «Ахир, сиз менинг поччамсизку?»— деди Абуҳангома. «Нима деяпсан, адашяпсан шекили,— деди Синдбод.— Менинг сендача қайин иним йўқ эдику?» «Йўқ, адашганим йўқ, ростини айтяпман,— деди кулиб Абуҳангома.— Менимча, сизнинг рафиқангизнинг ёши мендан каттароқ бўлса керак, демак мен уни кўрганимда «опа» деб мурожаат қиласман. Модомики сиз менга опа бўладиган аёлнинг эри экансиз — поччам бўласиз-да»,— деди у қоп-қора юзларидаги оппок тишларини кўрсатиб илжаяр экан. Синдбод унинг бу хилдаги содда айёрлигини кечириб, кулиб қўя қолди.

Абуҳангома билан Қўрқмас кемачи ҳам ўзаро тил топиб олишди, у Абулборийни мард, тўғри сўзлги учун ҳурмат қиласар, айтган фармойишларини бажону дил, югуриб-елиб бажарар эди. Аммо Қўрқоқ кемачи билан жиндай чиқишимас, унинг бақалоқлиги, эринчоқлигини масхара қиласар, Абулҳасаннинг жаҳли чиқканини сезса ура қочарди. Айниқса Қўрқоқ кемачи бирор қуляйроқ жойни танлаб, маза қилиб хуррак ота бошласа Абуҳангома аста оёқ учida югуриб келарди-да, озгина пахтани тутатиб бурнига тутар, димоғига тутун кетган Қўрқоқ кемачи бирдан: «Ёнгин, дод, ёнгин!»— деб уйғониб кетарди. Абуҳангома буни кўриб бир четда қотиби котиб кулар, Қўрқоқ кемачининг кўзи тушди дегунча жуфтакни ростлаб қоларди. Абулҳасан шунча гавдаси бўлгани билан сичқондан ўлгундек қўрқарди. Буни сезиб қолган Абуҳангома қаерданadir бир сичқонни топиб, боқиб семиртириб Қўрқоқ кемачининг сафар халтасига солиб қўйибди. Доимо кавшаниб юришини яхши кўрган Абулҳасан хилват жойни топиб, ўз қорини яширинча бир тўйдириб олай деб қўлини халтага тиқади ва ундаги сичқонни чанглалайди, сичқон эса жонҳолатда унинг қўлини тишлаб олади. Қўрқоқ кемачи ўтакаси ёрилгудек бўлиб додлаб халтасини дengizga улоқтиради. Буни кўриб турган кемадагилар кула-кула ичаклари узилгудек бўлишди.

Улар шу таҳлитда тинч, шоду хуррамлик билан олти ке чаю олти кундуз йўл босишди. Еттинчи куни кеманинг сарустуни устида атрофни кузатиб бораётган Қўрқмас кемачи бир-

дан: «Рұпарадан қоп-қора булут келяпти!» — деб қолди. Кемадагилар у күрсатған томонга қараши. Рұпарада шакли жуда бейшов қоп-қора булут ёйилганича шу томонға келарди. Кема дарғаси булутни күриб қаттық ташвишга тушиб қолди: «Биродарлар, бу — баҳрулғавс деган довулнинг белгиси, унға дуч келган бирорта ҳам кема омон қолған эмас! Энди ақволимизга вой!» — деб пешонасига уриб фарёд чека бошлади. Йүловчилар вахимага тушиб қолиши: кемачилар елканларини маҳкамлай бошлаши, савдогарлар ўз молларини яхшилаб жойлаштиришга киришилар. Құрқоқ кемачи ҳаммадан ҳам шошилиб қолди: у күзлари ола-кула бўлганча кеманинг ўғидан-буёғига югуради. Абуҳангома унға ҳазиллашиб: «Абулҳасан амаки, сиз мунчаям ташвишга тушмасангиз, ахир яхшилаб овқатланиб олсангиз хеч қанақа шамол сизни кўтара олмайди-ку!» — деди. Кейин яна қўшиб қўйди: «Лекин сиз ҳавода учсангиз зўр варрак бўлардингиз-да!» Бунга жавобан Құрқоқ кемачи: «Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр, деганларидек, кўрамиз ҳали ким варрак бўлади — менми ёки сен тирранчами», — деди.

Бу орада рўпарадаги қора булут яқинлашиб келдию қаттиқ шамол бошланди. Унинг кучи шу қадар эдикি, кемани худди писта пўчогидай ўёқдан-буёққа сурар, елканларини «шарт-шурт» йиртиб юборар эди. Кеманинг баланд устунлари пастгача эгилар, сингудек бўлиб даҳшатли қасирларди. «Биродарлар, ўзларингизни кема устунларига боғлаб олинглар, бўлмаса шамол учирив кетади!» — деб қичкириди дарга. Аммо шамолнинг зўридан ўша устунлар олдига ҳам бориб бўлмасди. Мана, шамол биринчи бўлиб кемадан савдогарларининг той-той уйилган молларини учирив кета бошлади, ушлаб қолиш учун юргурган эгаларини ҳам қўшиб олиб кетарди. Құрқоқ кемачи белига узун арқон боғланганича бурчакка тикилиб турар, тинмайвойвойларди. Бирдан шамол уни ҳам кўтариб кетди. Абуҳангома уни тутиб қолиш учун арқонга тармашди. Аммо ушлаб қолишининг иложи бўлмади, шамол уни ҳам учирив кетди. Тепада катта гавдали Құрқоқ кемачи учирив борар, пастда эса арқонга осилганча ёш кемачи — худди катта варрак ўзига яраша думи билан ўчаётгандек эди. «Хайр сизларга! — деб қичкиришга улгурди Абуҳангома Синдбод билан Қўрқмас кемачи томонга қараб. — Бу варрак мени қаерга учирив бораркин? Осмону фалакда кўришиб қолармиз!» У шундай дедиу Құрқоқ кемачи иккаласи икки кичик нуқта бўлиб, кўзга кўринмай кетиши. «Хожам, бу сафар қизикроқ бўляптими? — деди Қўрқмас кемачи. — Бу лаънати шамол бизни ҳам учирив кетмасайди!» «Майли, Абулборий, бунисини ҳам кўрайлик-чи, — деди Синдбод ўзини дадил тутиб. — Неча марталаб сувга чўқдик, лекин сира учмагандик!» «Ҳар калай, ҳозир бўлинг, хожам!» — деди Қўрқмас кемачи. «Ўзинг ҳам эхтиёт бўл!» — дейишига улгурди Синдбод. Шу пайт

Гув этган күчли шамол олдин кеманинг сарустунини, кейин зум ўтмасдан унинг сатхидаги бор йўловчини юлиб осмонга отди. Синдбод билан Қўрқмас кемачи чархпалак бўлиб айланганларича осмонга кўтарилишди. Еру кўк битта бўлиб кетди: қаерда сув, қаерда осмон — билib бўлмасди. Пириллаб айланишдан Синдбод ҳушидан кетаёзди. Қўзини очганда ёнида учиб бораётган бир неча газ мато-елканнинг йиртиғи чалинди, Синдбод уни ушлаб олди, учиш бир оз енгиллашгандай бўлди. У уаоқда қора нуқта бўлиб учиб бораётганларни кўрди. Улар орасида Қўрқмас кемачи ҳам бўлса керак, деб ўйлаб қўйди Синдбод. Шамол уларни тобора юқорига кўтарарди, денгиз ҳам, ундаги кеманинг қолдиқлари ҳам аллақачон кўзга кўринмай кетди. Аммо улар ҳамон юқорилаб боришарди, афтидан улар тепага қараб ҳаракат қиласиган кучли ҳаво оқимига дуч келганга ўхшардилар. Бу оқим качон тўхтар экан, улар ерга қачон тушишар экан? Ҳар қалай инсон қуруқлик фарзанди эмасми, сувда ҳам ва айникса ҳавода бемалол ҳаракат қилиши, узоқ бўлиши жуда мушкул. Ишкилиб, ер юзасига омон-эсон қўнишсинг-да!

Синдбод шу ўю ҳаёллар билан ҳавода юқорилаб кетиб борарди. Ушлаб олгани — елкан матосининг парчаси унга қанот вазифасини бажарар, шунинг учун у ўнг, чап томонларига бемалол қараб борарди. Шу пайт узоқдан бир тўп учиб келаётганлар кўринди. Синдбод уларни қушлар деб ўйлаганди, яқинроқ келишганда қараса — одамлар экан. Ҳаммалари сил-силлиқ бўлиб, сипогина учиб боришарди. «Қизиқ, — деб ўйлади Синдбод, — булар ким бўлишса экан, а? Қемадаги-ларга ўхшамайди, бегона. Ё уларни ҳам шамол учирганмискин? Яхиси ўзларидан сўраб қўя қолай...» У шундай дедиу ёнидан учиб ўтиб кетаётган бегуноҳ мусичадай одамдан: «Сизлар кимсизлар?» — деб сўради. «Бизларми? — деб қайтариб сўради ҳалиги одам ва беозоргина: «Бизлар... фаришталармиз-да», — деди. Синдбод умри бино бўлиб фаришталарни биринчи кўриши эди. «И-е, фаришталар ҳам ўзимиздақа бўларкану?» — деди у ҳайронлик билан ҳалиги одамга қизиқсиниб караб. Бир вақт ҳалиги одамнинг думчаси, йўғ-е, узингина думи борлигини кўриб қолди. «И-е, фариштада дум бўлмасди шекилли? — деди ҳайронлиги ошиб Синдбод. — Бу қанақаси бўлди?» Секин бошқасига қараса униям думи бор, учинчисиниям, тўртинчисиниям... Лекин улар думларни яширганларича учиб боришарди. Синдбоднинг таажжуби яна ортди. «Йўқ, — деди у қатъий. — Фариштада дум бўлмайди. Буни кекса бувим айтиб берганлар. Фаришталар бошдан-оёқ нурдек шаффоф қилиб яратиладилар, уларда зигирча ҳам дум, тирноқ, бирорта ҳам гуноҳ бўлиши мумкин эмас. Улар емайдилар ҳам, ичмайдилар ҳам. Булар... бошқа тоифаданга ўхшайди. Кел, яхиси ўзларидан сўраб-суринтириб кўра қолай...» Синдбод хаёлидан шуларни кечирдию ҳалиги одам-

га яқинлашиб түппадан-түгри: «Кечирасиз, фариштаман де-япсизу лекин... думингиз бор-ку?» — деворди. Шунда бу түдада, қий-чұв түполон қўпди. «Хей, фаришталар! — деб чийиллаб ўз шерикларини ёрдамға қақырды ҳалиги думли одам.— Мана бу безори, тұхматчини кўриб қўйинглар! Биздек бесзор, бегуноқ фариштай малойикаларга тил теккисаянти! Қаёқдаги Сұлмағур гапларни гапириб бизни ҳақорат қиляпти! Ұзи эңг ашаддий гуноқкор, қаззоб бўлатуриб, бизга тұхмат тошини стяпти! Бундан ҳам ортиқроқ бедодлик, тартибсизлик бўлиши мумкиними бу дунёда? Бу ярамас ифвогарнинг адабини бе-риб қўйишимиз керак!»

Думдор фаришталар ҳар томендан йиғилиб келиб Синdbодни турта бошлиди. Зўрга ушлаб бораётган бир парча йиртиқ матосини ҳам тортиб олишиди. Кекса бузиси ётар олдиан нуқул: «Бемаҳал ўлимингдан, қуруқ тұхматингдан ўзинг асррагайсан», — дегувчи эди, дабдурустдан бир гала тұхматчининг ҳужуми жуда ёмон бўларкан. Довдираб, мувозанатини ўйқотган Синdbод шувиллаганича пастга қулади. «Оббо ярамаслар-ей, булар қип-қизил шайтоннинг ўзгинаси-ку, яна фариштаман дейди-я!» — деб ўйлади у тобора пастга тушиб бораркан. Тепага кўтарилиш яхши, лекин пастга қулаш чатоқ экан, Синdbоднинг боши айланисб, кўнгли озди, жон-жаҳди билан кийимларини қанот қилиб силкита бошлиди, бир оз ўзини ўнглагандек бўлди, энди анча астароқ пастлай бошлиди. «Шуниси маъқул, юқорида нимаям бор, ҳаммаёқ бўшлиқ,— деди Синdbод. — Қуёшга яқинлашсанг куйдиради, ўзимизнинг сертупроқ, кирчимолгина Еримиз тузук». Шундай дедио энди эсон-омон қўниб олишнинг ташвишини қила бошлиди. Аслида йиқилма, мабодо йиқилгудек бўлсанг юмшоқроқ жойга туш. Йўқса нақ чалпакка айланасан... Шерикларимни ўйқотиб қўйганим чатоқ бўлди-да. Улар омон-эсон ерга қўниб олишдимикин ёки ҳалиям осмонда учеб юришибдимикин? Сувга түшсам яхшимикан ё бирорта юмшоқкина қумлоққа түшсам яхши бўлармикин? Ишқилиб, бирор тогу тошга ё чакалакзор дарахтзорга тушмай-да, нақ парча-парча бўламан-а...» Синdbод шуларни ўйлаб борарди. Пага-пага оқ булатларни ёриб ўтди. Ана, пастда қорайиб ер ҳам кўриниб қолди. Лекин остида нима бор — қуруқликми, денгизми — билиб бўлмасди.

Хуллас, чиқишдан олдин тушишни ўйла, деганларидек Синdbоднинг ерга яқинлашган сари ташвиши ортиб борарди. У кўзлари олазарак бўлиб ҳадиксираб ерга қаарарди. Жон ширин, кимнинг ҳам йиқилиб ўлгиси келарди? Наҳотки бирор илож бўлмаса? Синdbод алам билан ерга термулди. Пастда эса оппоқ төглар кўринди. Ана холос! Бу төглар қаердан пайдо бўла қолди экан? Унинг устига түшсанг — парча-парча бўлишинг турган гап. Қанотнинг бўлса эканки, сал нарироққа учеб бориб қўнсанг. Оббо, шунча бало-қазолардан омон қол-

ган бир бечора сайёх келиб-келиб 'энди токка урилиб ўтираса-я! Нислож, тақдир экан... Мана ҳозир урилади. Мана урилди ҳам! Синдбод күркәнидан кўзларини маҳкам юмиб олди. Аммо у сёқлари каттиқ тошга эмас, юмшоқ нарсага урилиб, ичкарига ўйиб кириб кетганини сезди. Ажабо, тогнинг ҳам юмшоғи бўларкан-да? Синдбод кўзини очганда ўзини оплек ва юмшоқ нарсанинг ичида ётганини кўрди. Юқоридан учиб тушгани учун оғирлигининг залворидан анча жойгача ўйиб кириб кетибди. Ҳув тепада кичкина туйнукдан ёргулик тушиб турибди, тезроқ ўша ерга чиқиб олиш керак, бўлмаса нафаси кайтиб ўлади. У шоша-пиша тепага қараб тирмаша бошлиди ва кўп ўтмай ташқарига — тог тепасига чиқиб олди. Ўёқ-буёқни сийпалаб кўрди, тог ҳақиқатдан ҳам юмшоқ, оқ нарсадан барпо килинган экан, Синдбод бунинг нималигини билмасдан ҳайрон бўлиб турди. Шу пайт пастдан одамларнинг товушини эшитди, караса тогнинг тагидаги майдончада бир тўп одам тўпланиб туришибди. Синдбод узоқдан келган, ҳозирда эса осмондан тушган мусоғир эмасми, бу одамларнинг ўзини қандай кутиб олишларидан хавотирланди, уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатди. Улар зўр бериб иккала шапалоқларини бир-бирига уришар, бундан шарақлаган кўрқинчли товуш чиқарди. Синдбоднинг ташвиши баттар ортди: бу билан нотаниш одамлар нима демоқчи бўлайтган эканлар? Бу яхшилик белгисимикин ё ёмонликми? Шуларни мулоҳаза қилиб турган эди ҳамки, одамлар алланарсалар деб бақира бошлишди. «Роса тўполончи қабилага дуч келибман-ку», — деб ўйлади Синдбод ташвиши баттар ошиб. Энди одамлар «пастга туш!» — дегандек ишора қилишарди. Аммо Синдбод бу зўр бериб бақираётган, қўлларини шарақлатиб бир-бirlарига уришаётган одамларнинг олдига тушгани юраги дов бермасди. У ўзи ҳозиргина учиб келган осмонга орзиқиб қарди: кошки қаноти бўлсаю қайтиб учиб кетса. Аммо у тушавермагач одамлар яна ҳаракатга келиб қолишиди. Аллақаердан узун нарвонлар топиб келишиб унинг олдига — оқ чўққининг тепасига чиқа бошлишди. Синдбод қочишга чоғланиб ўёқ-буёқни қараса — бу чўққидан унисига ўтиш амру маҳол. «Бор, таваккал, нима бўлса бўлар!» — дедиую индамай турди. Ана, бир неча киши нарвондан чиқиб келди-да, унга яқинлашди. Синдбод бу одамлар нима қилишаркин, деб жим қараб турарди. Келган одам бир нима дедиую ергача эгилиб таъзим қилди ва Синдбодга қараб қучогини очди. Синдбод нима қилишини билмасдан турганда ҳалиги одам кела солиб уни қучоқлаб, у юзидан, бу юзидан уч марта чўпиллатиб ўпди. Синдбод бунинг ҳам маъносини тушунмасдан серрайиб турверди. Бошқа нотанишлар ҳам у билан қучоқлашиб, ёпишиб кўришиди. Шундагина Синдбод бу одамларнинг уни кўришларидан курсанд эканликларини тушунди ва уларга қараб илжайди. Бунга жавобан ҳаммаёқни қарсакнинг шакиллаган

овози тутиб кетди. Уи катта иззат-икром билан пастга олиб түшишди, нон-туз тутишди. Синбод бу одамларинг ўзини катта бир мансабдаги меҳмон, шоҳ ёки вазир деб қабул қилиш-шайтанини сезди ва бундан хижолат бўлди. У имо-ишоралар билан ўзининг юқори мартабали ишши эмас, оддий одам скайлигини тушунтироқчи бўлди. Шунда одамлар унга юқорини ишора қилиб, ахир сиз ўёқдан, юқоридан келгансиз, тўғрими, деб сўрашди. Синбод тасдиқ ишорасини қилди. У юқоридан тушган одамларни бунчалик бошларига кўтарадиган бундай антика мамлакат борлигини умри бино бўлиб эшитмаган эди.

Кутиб оловчилар Синбодни қўйла-қўй қилиб, катта ҳурматлар билан маҳсус хоналарга олиб киришди, зиёфатлар қилишиди. Дастурхонда товуқ сутидан бошқа ҳамма нарса муҳайё эди. Синбод ўзининг гоҳ чап томони, гоҳ ўнг томонидан ўтиб қўй ювдираётган, таомлардан «олинг-олинг» деб қисстаётган, нима деса муҳайё қилаётган бу одамларга тикилиброк қараганда уларни ҳув юқорида учратган «думли фаришталар»га жуда-жуда ўҳшашликларини сезди. «Буларинг ҳам думлари бормикан?» деб қараб қўйди, аммо ерда думлари борйўклиги уччалик билинмасди. Булар ўз думларини анча пухталаб беркитишганга ўхшарди. Синбод уларнинг кўпчилигининг юзларига оқ нарса суртиб олганини ҳам, аслида эса кора юзли эканликларини ҳам сезиб қолди. Кимнинг юзи қоралиги билиниб қолса ёки думи очилиб қолса — жуда катта гуноҳ ҳисобланаркан. Синбод кўча-кўйларда думларидан осиб қўйилган одамларни кўрди. Утган-кетганлар уларни қўлларни бигиз қилиб кўрсатишар, юзларига туфлашар, осилганлар эса миқ этмай туришарди. Аммо баъзида томошабинлар орасида ҳам бирортасининг думи очилиб қолар, оломон уларни ҳам «аюв-аюв» қилиб ушлаб, думидан осиб қўярди. Синбод буларни кўриб, думсиз, оддий одам бўлиб тугилганига жуда жуда хурсанд бўлди. Яна у бу оролликларнинг ғалати-ғалати одатларини кўриб ҳайрон қолди. Дастрлаб у ўзи учун уюштирилган жуда шоҳона зиёфатларни кўриб бу оролда ҳамма ҳам бомбадавлат яшаса керак, деб ўйлаган эди. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. У кўча-кўйларда юрган одамларга разм солар экан, уларнинг кўпчилиги жудаям ночор, оч-наҳор эканларини сезди. У бунинг сабабини тушунолмасдан ҳайрон эди: негаки орол жуда обод, ҳаммаёқда кўм-кўк боғлар, даражатларда мевалар шигил шишган, арикларда сувлар шарқираб оқиб ётарди. Аммо одамлар оч ва ташна эдилар. Синбод нега бундай, деб қараб турса — даражатдан мева оламан деган одамни бошқалар келиб шартта оёғидан тортиб қолишар экан. Ариқдан сув ичаман деган одамни ҳам бошқалар ичгани кўймас экан. Синбод шунча саёҳат қилиб бунаقا ғалати юрт ва антика одамларни кўрмаган эди.

Дастрлаб Синбодни юқоридан келган катта мансабдор сифатида кутиб олишиб, пою-патак бўлган одамлар кейин унинг

оддий саёжатчи эканлигини билиб, ҳафсалалари пир бўлди шекилли, эътибор бермай қўйишди. Бу — бир томондан яхши бўлди, Синдбод энди оролни бемалол кезиб, томоша қиласидан бўлди. Бу оролниг одамлари жуда қизиқ экан: ким нима деса ўшангаш ишониб кетаверишар экан. Бир куни у кўчада бир оёқларида ҳаккалаб кетаётган одамларни кўрди. Хайрон бўлғиб улардан бунинг сабабини сўраганда: «И-е, осмондан тушганмисиз, ахир ҳозир янгича давр, ҳаккалаб юриш ҳозирги замон талаби-ку», — деб жавобси олди. Кўчада у бу одамларни иккала оёқлари билан бараварига сакраб — дуккалаб боришаётганларини кўрди. Бунинг сабабини сўраганда, «бу ҳам янги замон талаби», деган жавобни олди. Кўчада у «гур-р» этиб ўёқка, «гур-р» этиб бўёқка лўқиллаб чопаётган одамларни кўриб хайрон бўларди. Бир куни бўёқка қараб юриш керак, дейишса одамлар лакка тушиб шу томонга лўқиллашар, эртасига эса ўёқка дейишса ўша ёқка қараб ҳаллослаб чопишаркан. Синдбод бунасанги лакма, ким нима деса ишонаверадиган, ўзининг ишонч-эътигоди йўқ одамларни биринчи кўриши эди. Бир гал йўли тушиб қабристонга бориб қолди. Шунда у бир тўп одамларнинг бир қабрни очиб, ичидаги мурдани олиб бўйнига арқон солиб тепарокка осиб қўйиб, унга қараб нималардир деяётганини кўрди. Яқинроқ бориб қулоқ солса одамлар мурдага қараб: «Сен тириклигингда неча унақа қилдинг, бунақа қилдинг, ундаи қилсанг бўлмасмили, бундай қилсанг бўлмасмили», дейишшиб дашном беришаётган экан. Синдбод бу антиқа манзарани кўриб ёқа ушлаб қолди.

Синдбод бу ажойиб ва гаройиб оролда ҳайрсн бўлиб юраркан, ўз дўстларини қумсаради. Қўрқмас кемачи қаерда скан, асон-омон қўниб олдимикан? Қўрқоқ кемачи билан ҳазилкаш Абуҳангома соғ-омон бормикан? Қанийди улар ёнида бўлса, кўнгли анча таскин топарди-да. Наҳотки, шундай яхши одамлар ҳалок бўлиб кетаверса?

Кунлардан бир куни у кўчадаги оломон орасида ҳеч нарсага қўшилмасдан чеккароңда турган одамни кўриб қолди. Дам ўёқка, дам бўёқка қараб ўпкасини қўлтиқлаб югуриб юрганлар орасида бемалол хаёл суриб турган бу одам ким бўлди экан? Ҳалиги кишининг эти бориб суюгига ёпишган, эгнидаги кийимлари йиртиқ, соч-соқоли ўсиб кетган, ўзи ниҳоятда ҳорғин ва гариб эди. Лекин унинг нимасидир танишга ўхшарди. Синдбод унга роса тикилиб қарадио кўзларига ишонмади: унинг рўпарасида турган одам — Қўрқмас кемачи эди! Ҳайрият, у тирик экан! Синдбод: «Абулборий, бу сенмисан? Тирикмисан, азизим!» — деганича дўстини бағрига босди. Қўрқмас кемачи: «Хожам!» — дедио ўпкаси тўлиб йиглаб юборди. Улар қучоқлашиб кўришдилар. Бир четга чиқиб қайта-қайта кўришиб, ҳола-ҳзвол сўрашдилар. Синдбод қўрқмас кемачини бир емакхонага олиб кириб меҳмон қил-

ди. Нихоятда озиб-тўзиб кетган Қўрқмас кемачи бир оз ўзига келдию бошидан ўтгандарини айтиб берди. Ҳаммани шамол кўтариб кетганда у ҳам учибдию, лекин кўп ўтмасдан у мана шу оролнинг бир чеккасига тушибди. Тўппа-тўғри сувга тушгандиги учун тирик қолибди, сувдан чикиб қирғоқ бўйлаб кета башлади. Йўлда у соч-соқоли ўстган бир одамга дуч келибди. У одам ерда ўтирган экан, Қўрқмас кемачини кўриб, «менга ёрдам бер», дегандек ишора қилибди. Қўрқмас кемачи «бу мажруҳ бўлса керак», деб ўйлаб уни елкасига миндирибдиу сувдан ўтказиб қўйибди. Лекин елкасидаги одам сувдан ўтса ҳам тушмасмиш. «Ха, тушмайсанми?»— деса оёқлари билан унинг бўйнини қисиб, калласига урибди, нақ бўлмаса бўғиб ўлдириб қўяй депти. Қўрқмас кемачи нима қилишини билмасдан ганграб қолибди, қараса елкасида ўтирган одам эмас — фирт алвастининг ўзи экан. У Қўрқмас кемачининг елкасига маҳкам ёпишиб олиб, сира тушмабди. Энди у қаёқка борса елкасидаги шайтонни олиб юришга мажбур бўлибди. Алвости кемачининг елкасидан тушмасдан дарахтлардаги меваларни териб еркан, бирор ёғочни ушлаб оёғини бўшатмасдан бир оз мизғиб оларкан, Қўрқмас кемачини озгина бўлса ҳам дам олишига қўйимас экан. Лаънати шайтон жуда жонига тегиб, уни ўлар ҳолатга келтирибди. «Хўш, ундан қандай қилиб қутулдинг?»— деб сўради Синдбод сабрисизлик билан. «Маст қилиб қўйдим»,— деди Қўрқмас кемачи ва кунлардан бир куни ичи бўш бир қовоқ топиб олганини, узумзор боққа киргандарида шайтонга билдиримасдан унга узум солиб ачитганини, буни кўриб қолтан шайтон ундан қобоқни тортиб олиб, бор бўйича симирганини ва маст бўлиб бўшашиб қолганида шайтонни елкасидан олиб жарликка иртитганини айтиб берди.

Улар тирик қолиб, бир-бирларини топганликларидан ичичларидан суюнишаркан шериклари Қўрқоқ кемачи — Абулхасан ва янги таниш — ҳазилкаш Абуҳангомани эслашди. «Шунча ўт-сувлардан тирик чиқсан Абулҳасан наҳотки бу сафар ҳалок бўлган бўлса?»— деб ташвиш қилди Синдбод. «Хожам, хотирингизни жам қилинг, баҳалогимиз тегирмонга тушса ҳам бутун чиқадиганлар хилидан, бу гал ҳам тирик топамиз,— деди Қўрқмас кемачи. — Аммо лекин осмонга учганда роса қўрқсан бўлса керак». «Ёш йигитчамиз қалай бўлди экан?»— деб сўради Синдбод. «Унга ҳам жин урмайди, мана қараб турасиз, хожам, ҳали замон уларни тирик топиб оламиз»,— деди Қўрқмас кемачи. «Айтганинг келсин, Абулборий»,— деди Синдбод. Улар шу тарзда ўзаро гаплашиб шахарнинг катта майдони олдига бориб қолдилар. Майдонга тумонат одам йигилган эди. Улар майдон ўртасидаги баланд минорага ишора қилишиб бир балолар дейишарди. «Ана холос, айтмабмидим,— деди Қўрқмас кемачи, — ҳув анови арқонга осилиб турган одамга қаранг, Абулҳангоманинг ўзги-

наси-ку!» Синбод миноранинг қоқ белида арқонга осидланча күзлари жөвдираб турган йигитни таниди: у қиақи кемачи эди. Йигитча пастдаги одамлар билан нима ҳақдадир савол жавоб қиласы. Синбод билан Құрқас кемачи яңин келиб уларнинг гапларига қулоқ солишиди. «Эй, номаълум киши, сен минорага қандай чиқдинг?» — деб сұрашды пастдан. «Мен чиққаним йүқ, осмондан тушдим», — деди Абуҳангома. «Осмонда нима қилаётган эдинг?» — деб сұрашды пастдан. «Учиб юргандим», — деб жавоб қилди Абуҳангома. «Нима, сен паррандамисан?» — деб сұрашды пастдан. «Йүқ, одамман, мана икки оёгим, икки құлым бор, бошқа аъзоларим ҳам бор, ишенимасанглар күринглар», — деди Абуҳангома. «Одам бўлсанг осмонга қандай чиқдинг?» — деб сұрашды пастдан. «Чиққим келувди чиқавердим-да», — деб жавоб қилди Абуҳангома. «Бизда одамлар ерда юради», — дейишиди пастдагилар. «Бизда осмонда ҳам юраверишади», — деди Абуҳангома. «Тагин сен ажина бўлмагин», — дейишиди пастдан. «Йўғе, худо сақласин, ажинадан ўзим ҳам қўрқаман», — деди Абуҳангома. «Е Худомисан?» — деб сұрашды пастдан. «Худонинг боласи бўламан», — деб жавоб қилди Абуҳангома. «Станг, онанг қаерда?» — деб сұрашды пастдан. «Миноранинг тепасида», — деди Абуҳангома. «Нима қиляпти?» — деб сұрашды пастдан. «Нима қиласы, ухляяпти», — деди Абуҳангома. «Худоян ухлайдими?» — деб сұрашды. «Нукул ухлагани ухлаган, осмона даям ухлаб қолиб, мана келиб-келиб миноранинг устига тушдик», — деди Абуҳангома. «Сен ёлғон айтяпсан, сен ажина бўлишинг керак, ҳозир кўздан йўқол, бўлмаса тит-питингни чиқариб ташлаймиз!» — деб таҳдид қилишиб пастдан. Абуҳангомага қараб тош отганлар ҳам бўлди. «Хой, нима қиляпсизлар, ахир одамга тегиб кетади ҳам демайсизлар, а», — деди Абуҳангома илжайиб. «Сен ўзи қанақасан? — дейишиди пастдан. — Дам одамман дейсан, дам худо. Қайси бир гапингга ишонайлик?» «Иккаласига ҳам ишонаверинглар», — деди Абуҳангома. Шу пайт пастдагилар унинг одамми-одаммаслигини синаб, қўл билан ушлаб кўриб биласиз, дейишиб қолишиб ва бир-бирларининг елкаларига миниб минорага кўтарила бошлишиди. Тўқсон тўққизинчи одам устма-уст, елкама-елка бўлиб Абуҳангомага етай деб қолишиб, ҳатто етиб унинг оёғини сийпалаб ҳам кўришибди. «Вой, тегманглар, қитигим келади!» — деб бакирди Абуҳангома. Аммо юқорига тирмашган оломон тобора унга дахл қила бошлиди. «Оббо, ҳозир бир коржол юз беради-да, — деди Құрқас кемачи. — Биз аралашмасак бу оломон қылтанини қиласы!». «Ҳозир қўлнимиздан ҳеч нарса келмайди, — деди Синбод. — Қўйиб берайлик-чи, бу ҳангомабоз бўш келмас». Шу пайт бирдан тепада нимадир гумбурлаб, минора қимирлаб кетди. Бир-бирига тирмашиб чиқканлар ерга дув тўкилишибди. Пастдаги оломон қўрқиб тошдек қотди. Тепадан бир гумбурлаган, бир пишиллаган то-

вуш эшитилар, минора аллақандай кучдан лапанглаб уёқ-буёққа бориб келарди. «Нима бу?» — деб сұрашды пастдаги-лар бир оз ўзларига келгач. «Айтдим-ку, худонинг каттаси тепада ухлаб ётиби, деб. Бу унинг хуррак тортгани», — деди Абуҳангома. «Айт унга, секироқ хуррак тортсан, бўлмаса минорамизни ағанатиб юборади», — дейишди пастдагилар. «Уни уйготиш қийин», — деб жавоб қилди Абуҳангома. «Майли, сизларга дахл қилмаймиз, фақат унга айт, ерга тушиб ухласин», — дейишди пастдагилар. Абуҳангома рози бўлди, аммо у канча чақирмасин, арқонни канча тортмасин тепадан жавоб бўлмади, Қўрқоқ кемачи уйғонмади. Шунда Абуҳангома зйёрликка ўтди. Пастдагиларга қараб: «Сизларда сичқон топиладими?» — деб сўради. «Албатта топилади, омборлари-мизда сичқон демаган бижиб ётиби», — дейишди унга. «Бит-тасини тутиб олиб келинглар», — деди Абуҳангома. Унга бит-та сичқон келтириб беришди. Абуҳангома уни арқон бўйлаб юкорига қўйиб юборди. Сичқон пизиллаганича кўтарилиб, миноранинг тепасига кириб кетди. Зум ўтмасдан тепадан: «Вот дод, ўлдим!» — деган овоз эшитилди. Сачраб ўрнидан туриб кетган Қўрқоқ кемачи миноранинг тепасидан уёқдан бўёққа югуради. Унинг минорадан қулашига сал қолди. Бе-чора минорадан тушиш ўйлини билмасдан питирларди. «Эй, бақалоқ, — деди унга Қўрқмас кемачи. — Тушолмас экансан, у ерга нимага чиқдинг?» Одамлар сичқондан қўрқадиган ху-долан кула-кула ҳар иккалаларини наровонлар келтириб, эҳ-тиёткорлик билан тушириб қўйишиди. Эски қадроилар яна дийдор кўришдилар.

Қўрқоқ кемачи осмонда учеб юрганинда ҳақиқатан ҳам кеттиқ қўрқанми, ё бошқа сабабданми сал мақтанчоқроқ бў-либ қолибди. У икки гапнинг бирида: «Мен осмонда учеб юр-танимда уни кўрдим, буни кўрдим», — деб гапни гапга улар, бир сафар ҳатто: «Мен осмонда учеб юрганимда худони кўр-дим, унинг ўзи мен билан шахсан гаплашди», — деб юборди. Қўрқмас кемачи: «Қўйсанг-чи, бунақа олиб қочишларинг-ни», — деб қўл силтаб қўйди, аммо Қўрқоқ кемачи ўз билганидан қолмади. Шу пайт улар бир булоқ олдидан ўтиб қо-лишиди. Булоқнинг суви қайнаб турса ҳам ўзи турли хас-ха-шак, ахлатлар билан тўлиб, юзи тўсилиб колган эди. Қўрқоқ кемачининг сув ичгиси келдио ҳалиги хас-хашакларни бир оз тозалаб булоқ сувидан бир ховуч ичди. Ичдию шу заҳотиёқ чехраси очилиб, бошқача бўлиб қолди. «Э, мен ҳали фирт ёл-ғон гапирган эканман, — деб қолди у. — Мени шамол осмонга учирганда хеч қанақа худони кўрганим йўқ, ўтакам ёрилгудек бўлиб қўрқиб, аранг пастлашиб, зўрга ўша минорага ти-рмашиб қўниб олган эдим. Анчагина ёлғон гапириб қўйиганим учун хижолатман. Мени кечиринглар».

Булоқ суви ичилгандан кейинги бу ўзгаришдан ҳайрон бўлган шериклари ҳам сувдан ичиб кўришиди. Ичган заҳотиёқ

Үзларини енгил сезишиб, фақат ҳақиқатни гапирадиган бўлиб колишли. Синубод ўзи ёлғиз қолганида дўстларини кам ўйлаганини эслаб хижолат бўлди, Қўрқмас кемачи эса Абулҳасанга: «Сенга кўпинча қўпол муомалада бўлардим», — деб пушаймон қилди, Абуҳангома эса қизиқчилик қиласман, деб баъзан шерикларининг дилларини оғритиб қўйганлиги учун узр сўради. Улар Ҳақиқат булогидан оролликлар ҳам баҳраманд бўлишсин. деб кўзини очиб, юзини хас-хашаклардан тозалаб қўйишиди. Лекин яна бир гал бу ердан ўтишганларида Ҳақиқат булогининг кўзи яна тўсилиб қолганини кўришиди. Бу ергагиларнинг ҳақиқат суви билан унча иши йўқ эканлиги маълум бўлди.

Сайёҳлар бу сафар тушиб қолган мамлакатда ҳайрон қоладиган ишлар жуда кўп экан. Шунинг учун ҳам унинг номини Ҳайронистон дейишаркан. Масалан, бу мамлакатдаги ашакларнинг кўпининг қулоги бўлмас экан. Бу узунқулоқ жонворларнинг нега бундайлигини суриштиришганда маълум бўлишича, кўчада эшак миниб юрган одам эшаги бошқанинидан орқароқда қолса, шартта қулогини кесиб ташлар экан. Эшак эшакдан қолса қулогини кес, деган мақол шу ердан чиқсан экан.

Ҳайронистонликларнинг бир-бирлари билан саломлашишлари ҳам қизиқ экан. Улар бир-бирларига салом беришганда «ассалому алайкум» — «ваалайкум ассалом» деб ўтиришмас экан. Бунинг ўрнига тўппадан-тўғри: «Э, рўнарамда қақаймай ў!»; «Ўзгинанг ў!»; «И-е, ҳалиям тирикмисан?», «Ўзинг гўрга кира қолмадингми?», «Нега сенинг кийганинг менинидан яхши?»; «Ўзинг нега кафан кия қолмабсан?», «Қачон йўқ бўларкансан?», «Ўзинг қачон чириркансан?» — деб сўрашишаркан. Шуниси қизиқки, улар бу гапларни ниҳоятда назокату латофат, табассум навозиш билан айтишаркан. Уларнинг яна бир одатлари бор эканки, улар бир-бирлари билан саломлашиб сўрашганларида иккичи қўлларида тош ушлаб туришлари шарт экан. Шундай қилинмаса айб саналаркан.

Сайёҳлар кўча-кўйларда қўлтиғига одам қалласини қиситирганча лўқиллаб от суреб бораётган миршабнамо амалдорларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишиди. Бу даҳшатли манзара тез-тез учраб турди. Кейин суриштиришса булар жаллодлар әмас, шунчаки чопарлар экан, аммо бирортасининг салласини слиб кел, деб буюрилса албатта қалласини олиб келишаркан. Қош қўяман, деб кўз чиқариш ҳам бу ернинг оддий одати экан.

Яна бир қизиқ одатни кўриб сайёҳлар жуда ҳайрон колишиди. Ҳайронистонликлар бир-бирларини бўлар-бўлмасга тепкилашни яхши кўришаркан. Савдогар — савдогарни, кулов — куловни, мешкобчи-мешкобчини, сартарони-сартарошини, мисгар-мисгарни, яъни ким қайси касбда бўлса ўз ҳамкарасини бир тепиб ўтмаса кўнгли жойига тушмас экан. Гоҳ-

гоҳ улар йиғилишиб, бир ҳамкасабани ўртага олишиб, роса тепишиб хумордан чиқишаркан. Синбод билан шериклари: «Булар бизни ҳам шунаقا килиб қолишмасайди», деб ҳадисираб юришди. Лекин ҳайронистонликлар бошқа юртдан келгандардан ўлгундек қўрқар, фақат ўзларини ўзлари тепкилашар эканлар. Кўча-кўйда бирор четдан келган муҳожирни кўришлари билан тиржайиб, иқки букилиб таъзим билан ўтишар, ундан бор-йўгини аяшмас, ўзлари оч юришса ҳам ўшаларга едирад, бор нарсаларини қўш қўллаб тутказишар эканлар. Улар феъл-атворда ҳам, кўринишда ҳам худди қўйга ўхшашар эканлар, тўп-тўп бўлволиб, бир-бирлари билан тақалашиб кетишаркан, аммо бирорта ҳамюрларининг калласини бирорлар узиб кетишса ҳам беларво томошабин бўлиб қараб туришаверар эканлар. Улар ўзаро иттифоқ бўлмаганилклари боисидан бу элнинг моли талон, юрти вайрон экан.

Ҳайронистонликлар яхши билан ёмоннинг, асл билан ясаманинг фарқига боришимас экан. Энг асл дуру гавҳарларни тупроққа қориб ташлаб, ясама-ялтироқ шишаларни азиз қилиб, бўйинларига тақиб юришаркан, сополни бошларига кўтаришаркану асл чиннининг қадрига етмас эканлар. Сайёҳлар кўча-кўйларда тупроққа қоришиб ётган асл ёқуту гавҳарларни кўриб жуда ачинишиди.

Ҳаммасидан ҳам бу юрт подшосининг қилиқлари ғалати экан. У жуда ёш, одил подшо экан, халқнинг кўнглига қараб иш тутишга бел боғлаган экан. Кимки унинг ҳузурига кирса курсанд бўлиб «Тила тилагингни», — дер экан. Фуқаро бирор истагу хоҳиши билдирса, «албатта бажарилур», — дер экан, аммо унинг амалдорлари подшонинг буйругини бажаришмас экан, фуқаронинг тилати қандай бўлса шундайича қолаверар экан. Шундай бўлса ҳам ҳайронистонликлар ўз подшоларини яхши кўришиб, уни «Тила тилагингни» подшо деб аташар эканлар.

Аммо бу ғалати одатларга қарамасдан Ҳайронистон жуда гўзал мамлакат эди. Унинг атрофини залворли тоғлар ўраб, дарёю, сою анҳорларида сув сероб, боғлари мевазор, далалари серҳосил эди.

Лекин бирорвнинг уйидан ўзингнинг чайланг яхши, бирорвнинг ёғлиқ ионидан ўзингнинг зогоранг яхши, деганларилик сайдек сайдек Ҳайронистонда кўп яхшиликлар кўришса ҳам ўз ватанларини, ўз уйларини қўмсанади, ўёққа қайтиш орзусидада яшашди. Лекин узоқ жой, кетиш осон эмас, шунинг учун улар ёрдам сўраб «Тила тилагингни» подшога мурожаат қилишиди. Подшо уларни қабул қилиб, кутганларилик: «Қани мусофирилар, тиланглар тилакларингни», деди. Сайёҳлар ўз дардларини айтишибди. «Тила тилагингни» подшо эшитиб ачинди, амалдорларини чақириб, «бу мусофириларнинг айтганлари бажо келтирилсин», деди. Лекин турган гапки, амалдорлар подшонинг олдида «хўп бўлади», дейишиб, кейин бажариш

мади. Лекин сайёҳлар бу ишга қайта-қайта киришиб, охири кетишига рухсат ва кўмак олдилар. Оддий халқнинг ўзи сайёҳларни кўллаб-қувватлади. Ниҳоят, дengиз бўйига келиб, кемаларига ўтиришдию, «ўз юртим, қайдасан», деб йўлга тушишди. Мана, йўл юриб, йўл юришса ҳам мўл юриб улар ўз ватанларига яқинлашиб қолдилар. Синдбод, Қўрқомас кемачи, Қўрқоқ кемачи ва Абуҳангомалар бир-бирлари билан хайрлаша бошладилар. Шунда Абуҳангома охирги ҳазилини килди. У Қўрқоқ кемачига қараб: «Ана сичқон!»— деб юборди, Абулхасан эса: «Сичқон? Қани сичқон?»— дедиу қочаман деб дengизга ағанаб тушди. Бақалоқ полвонни сувдан аранг тортиб олдилар ва кула-кула хайрлашдилар.

Уйига эсон-омон етиб келган Синдбод энди ҳеч қачон саёжаттага чиқмасликка, тинчгина яшаб қариллик гаштини суришга астойдил қарор берди. Лекин унинг бу қарори қанчалик қатъий-қатъий эмаслигини ким билсин?





СҮНГ СҮЗ

Мард ва довюрак дengиз саёҳи Синдбод ўзининг тинчгина яшаш аҳдидан қайтиб, яна саёҳатга чиқадими-йўқми — энди мен ҳам билолмадим. Унинг-ку яна саёҳатга чиққиси, узекузоқларга сирли, гаройиб ўлкаларга боргиси, кўз кўриб — қулоқ eszитмаган саргузаштларни бошидан кечиргиси келар, аммо-лекин қарилик, инсон умрининг абадий эмаслиги... Хуллас, Синдбод-ниг бундан кейинги саёҳатлари тўғрисида аниқ бир нарса дейиш қийин.

Лекин, азиз китобхон, Сиз-чи, Сизнинг ўзингиз-чи?! Синдбод қилолмаган саёҳатларни энди Сиз қилинг, узоқ-узоқлардаги сирли соҳиллар, хотаниш мамлакатлар, ажойиб ва гаройиб саргузаштлар Сизни кутяпти. Вактни ўтказманг, тезда йўлга тушинг. Хоҳланг қитъалардан қитъаларга учинг, дengизлардан дengизларга сузинг! Хоҳланг осмону фалакларга кўтарилинг, баҳрулмуҳитлар тубига шўнгинг! Хоҳланг ўтмишга саёҳат қилинг, хоҳланг келажакка пешвоз чикинг! Бунинг учун қизиқувчан кўз, соф юрак, мардлик ва... озгина ҳафсала бўлса бас! Шундай саёҳату саргузаштларни бошдан кечирингки, булар келажакда бўлгуси авлодлар учун эртак бўлиб қолсин ва сизнинг ҳақингизда ҳам:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонда..» деб эртак бошласинлар.

МУНДАРИЖА

| | |
|-----------------|-----|
| СУЗ БОШИ | 8 |
| БИРИНЧИ САЕҲАТ | 5 |
| ИККИНЧИ САЕҲАТ | 19 |
| УЧИНЧИ САЕҲАТ | 33 |
| ТУРТИНЧИ САЕҲАТ | 48 |
| БЕШИНЧИ САЕҲАТ | 63 |
| ОЛТИНЧИ САЕҲАТ | 76 |
| ЕТТИНЧИ САЕҲАТ | 89 |
| СҮНГ СУЗ | 103 |

Адабий-бадиий нашр

Муҳтор Ҳудойқулов

СИНДБОДНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

(Замонавий эртаклар)

Ўзбек тилида

Рассом А. Маҳкамов

Расмлар муҳаррири У. Солиҳов

Техн. муҳаррири Е. Толочко

Босмахонага берилди 21.11.97 й.да Босишга 11.06.98 й.да руҳсат этилди
Бизниши 60×90%. Шартли ёсса ма 6,5. Шарт. кр. отт. 7,0. Шартнома № 7—9%.
Нашр. л. 6 78. Буиртма 4045. Жами 5000 нусхада. Баҳоси шартнома асосидә.

Чўйпойи нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида
босилди. 700002, Сағбон 1-берк кўча, 2-уб.